

Абдулла ОРИПОВ

Графитбаши кўнмағдаги то кўнмашига бўради



ВАЪМ

Сув келаётир, деди битга набирам,
Сув кетаётир, деди бошқаси.
Мен улар фикрига бир сўз демадим,
Чунки, ҳақ эди-да, иккаласи ҳам.

2002 йил 23 октябрь.

ОҚ САРОЙ

Қанча жаҳонгирлар изсиз йўқолди,
Мозий барчасини бағрига олди.
Нияти оқ экан Соҳибқироннинг,
Ундан мангу ёдгор — Оқ сарой қолди.

2002 йил 1 ноябрь

ХАЛҚ

Дунёда мантиқсиз ҳеч иш бўлмайди,
Томчи йиғилмаса жом ҳам тўлмайди.
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,
Халқ ўлмас, томчи ҳам демак, ўлмайди.

2002 йил 16 октябрь.

САВОБ

Савобдир, жилгага сойсан, деб айтсанг,
Ё хунук аёлга ойсан, деб айтсанг.
Бойни камбағал де, хурсанд бўлади,
Камбағални эса бойсан, деб айтсанг.

2002 йил 10 октябрь

ЎТИМ

Мана, ўтиб олдинг асал ойдан,
Энди сув ичгайсан турмуш сойдан.

Етти ўлчаб бир кес, етмиш ўлчаб кес,
Лекин кес Ёшулли айтган жойидан.

2002 йил 1 октябрь

ЛАЙЛАТ ҲА — ҚАДР

Қадр кечасида жами мусулмон,
Аллоҳ муждасига кўз тикар гирён.
Ҳар йили бир бора юз берса ҳамки,
Мен уни қутгайман ҳар тун нигорон.

2002 йил 2 декабрь.

ШАЙТОН

Шайтон — шайтон эди, текканди жонга,
Одам Ато тутиб тикди қозонга.
Сўнг роса қовурди, еб ҳам тутатди,
Шайтон шод, кирганди энди у қонга!

2002 йил 30 октябрь

ХУСУМАТ

Кўролмасанг бировни сувига банд бергайсан,
Заҳар солиб ошига, ёвига қанд бергайсан.
Кўролмасанг подшоҳни камситгайсан юртин ҳам,
Чавандозни кўролмамай отига панд бергайсан!

2002 йил 21 октябрь

ЁЛҲОН

Аввал ҳилол бўлиб кўринди Ёлғон,
Сўнгра қулоч ёзди улкан ёйсимон.
Роса кучга кириб тўлин ой бўлгач,
Дунёни ёлғон деб айлади эълон.

2002 йил 14 ноябрь

"ИЛТИЖО"

Дунёдан ўтаркан улуг бир даҳо,
Худого шундай деб қилди илтижо:
— Мендан сўнг номимни бирор зурёдим,
Пеш қилиб юрмаса бўлди, Илоҳо!

22 ноябрь 2002 йил

ДУҲЁ

Учрашди жаҳоннинг икки пири,
Уларни қийнади дунёнинг сири.
Бири йиглаб дерди: — Уни тушундим,
— Тушунмадим, — дея йиғларди бири.

2003 йил 10 январь

СОВҒА

Шамол эсар эди тўхтамай қирдан,
Одам ҳам учарди илдамроқ нурдан.
Сизга бир совғам бор дегандим, ажаб
Улар иккиси ҳам тўхтади бирдан.

2002 йил 4 декабрь

ЖАҲНАМ

Кўзларинг тубидан топдим мен макон,
Киприкларинг бўлди панжарасимон.
Бул ажиб жаннатга ноил бўлганнинг
Ҳақиқа лабларинг ўқирди Куръон

2002 йил 12 октябрь



АРМОҲ

Бир дўстим дер эди: — Гарчи қорним тўқ,
Бир инсон умрини яшадим тўлиқ,
Кўрдим бойликни ҳам, мартабани ҳам,
Лекин ўз уйимда кун кўрганам йўқ.

2002 йил 12 октябрь

Шоирга дедилар:

— Сиз бахтли инсон,
Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди,
Шоир жавоб қилди:
— Менда бир армон:
Муаллим десалар мени қанийди.

2002 йил 1 октябрь

ДАЪВО

Бир шапалоқ урди гадони гадо,
— Исмин Худо, — деди, қилавер даъво.
Даъвогар қозига дод солиб борди:
— Мени Худо урди, урди-ку Худо!

2003 йил 6 январь

ҲА БИРИҲА ДУР

Ҳар йилга мен ўзни масъул сезгайман,
Йиллар шодасига бир дур тизгайман.

Фараҳбахш кунлардан то кўнглим тўлди,
Шодада дурларим ўн битта бўлди.

Ҳар битта дуримни номи бор, алҳол,
Ҳар бири бетакрор, юлдузлар мисол.

Озод Ватанимдан нишон ҳар бири,
Жам унда халқимнинг фахри, гурури.

Умр тугар балки, туганмас шода,
У инсон умридан фузун, зиёда.

Бу Ҳурлик маржони қолмагай ярим,
Уни тўлдиради набираларим.

ВАТАНДОШ

Магар бир лаганда ош еган билан,
Ёки битта тилда сўз деган билан,
Улар ҳали буткул ватандош эмас.

Тўғри келса агар дили дилига,
Содоқати бўлса тукқан элига,
Улар ватандошдир ҳар зум, ҳар нафас.



ЯХШИ ОДАМ

Бир кун донишмандга бердилар савол:
 Айтинг-чи, дунёда яхши одам ким?
 Севиб ардоқласа элу юрт хушхол,
 Чиндан яхши одам ўшадир балким?
 Донишманд дедик: Майли, ҳар ким ҳам
 Яхши бўлгум дея ҳар зум уринсин.
 Майли яхшилар ёқсину у одам,
 Лекин ёмонларга ёмон кўринсин!

ЧАЛА ИМОРАТ

Оғзини очиб ўтар чала иморат,
 Атрофи ўра-ю тошдан иборат

Ҳар ён чакалакзор, бурган ва янтоқ,
 Остона ўйилган, узилган равоқ.

Хотирами дейсан у қаттол жангдан,
 Ё ёдгор асрлар қолдирган чангдан.

Қора туйнукларда увиллар шамол,
 Қари том гижирлар маҳзун, бемажол.

Баҳор, ёз ўтади, ҳануз у чала,
 Каламушлар гуж-гуж, қушлар ҳам гала.

Ташландиқ бу уйнинг соҳиби кимдир?
 Ё, фалак! Бу ҳолнинг сабаби билдир!

Бир қуш ярим тунда беради сало,
 Саволимга жавоб қилгандай гўё:

- Не керак гапингнинг нега, негаси,
- Ё шоир, ё марҳум бунинг эгаси.

ЗИЁРАТ

Бобо набирасин етаклаб бир кун,
 Қабристон борди зиёрат учун.

Марҳумларга тилаб ажру ҳаловат,
 Бобо тиз чўкканча қилди тиловат.

Набира сўради: — Бобо, булар ким?
 Бобо жавоб қилди: яхшилар ўғлим.

Набира даъфатан сўз қотди шу он:
 — Ёмонларнинг қabri қайда, бобожон?..

ЖАННАТ ҚУШИ

Жаннатга етишган банда яйрабди,
 Оҳанг эшитилмиш даставвал унга.
 Бугун боғимизда булбул сайрабди,
 Тегмангиз лоақал сиз шунга...
 Майли у тўйгунча таратсин оҳанг,
 Тегмангиз, мухлислар, тегманг, дарғалар!
 Ахир қулоқларни қилганди батанг,
 Қағиллайверишиб қарғалар...

ИЛТИЖО

Ғоятда чарчадим,
 Толиқдим ғоят,
 Ҳисоб қилавериб ғанимни, ёвни.
 Тирноқча яхшилик тиласанг, фақат
 Ука, ёмонлама менга бировни.

Инсон яшар ахир эзгуликка зор,
 Санаб етарми у йўлларда ғовни.
 Мен ҳам ором олай ҳеч курса бир бор,
 Ука, ёмонлама менга бировни.

ОСОҲ ЭМАС

Яшаш осон эмас яхши одамга
 Алдов нималигин билмайди чунки.
 Гўдак кўзи билан боқар оламга,
 Мудом бошқаларга бўлади кулки.
 Яшаш осон эмас яхши одамга,
 Чунки ёмонликдан қилар у ҳазар,
 Яхшининг кераги камдир оламга —
 Ёмонликнинг дасти узун бўлса гар...

РИВОЯТ

Бир кун халойиқнинг одида ошкор
 Муттаҳам ўғрининг қўлин чопдилар.
 Ниҳоят жазосин олдику маккор!
 Йиғилган одамлар таскин топдилар.
 Ўғри-чи атрофга боқиб ҳар нафас,
 Сизнинг гўллигингиз билгандим дерди.
 Ўша ўғриликни у қўлим эмас,
 Буниси билан мен қилгандим дерди.

ЭВТИРОФ

Ҳар ким умрини қилса сарҳисоб,
 Турфа ҳодисалар тушгай ёдига.
 Кимдир ариқ қазган ё чалган рубоб,
 Ҳар ким баҳо бергай ўз ҳаётига.
 Турфадир дунёнинг ҳатто озори,
 Шодлиги ҳам турфа қадимдан-қадим,
 Мен ҳам шеърлар ёздим кўплар қатори
 Лекин бошқалардан кўпроқ... алдандим.





МУРТАК

Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.
Тагин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозни қадрига етолган Инсон.

ҚҶМСАЙ

Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз энди боламнинг ўйисиз.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз энди набирам тўйисиз.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз энди эртага саломим.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз балки қолажак каломим...

БЎЛДИЛО

Дедим: Ёшлигимни қайтиб бер, замон,
Деди: У гулларинг пайҳон бўлдило,
Дедим: Тик қилсанг-чи қалдимни даврон,
Деди: У тоғларинг сайҳон бўлдило.

Фалакка етмади чеккан унларим,
Тийра кундазларим, қора тунларим,
Бахтиёр, беармон кечган кунларим
Энди тутқич бермас жайрон бўлдило.

Йиллар жароҳатин борми давоси.
Бормикан Луқмони, борми Синоси.
Муҳаббат мулкининг нозик биноси
Ҳижрон сели ила вайрон бўлдило.

Бахтга зор бўлсам-да куйладим бахтни,
Саробга термулиб, бой бердим нақдни.
Гоҳида сомондек совурдим вақтни,
Кўрганлар тамоман ҳайрон бўлдило.

Сув излаб кимларга дуч келдим баъзан,
Мадад беролмадим дўстга даъфатан.
Ёвларим қуршади мисоли тикан,
Не-не орзуларим армон бўлдило.

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёҳ,
Гоҳида шошилдим, шошилтирдим гоҳ,
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,
Қолгани шунчаки сайрон бўлдило.

МУШОЙИЗА

Дунё кенг, шаталоқ отиш мумкинدير,
Ёки харсангтошдай ётиш мумкинدير.
Эсиргап айтгандек, ҳақиқий дўстни
Сотиб олиб бўлмас, сотиш мумкинدير.

ШЕЪР

Туй қил, ошинга ҳам шеър ёзилгайдир,
Тўлган ёшинга ҳам шеър ёзилгайдир.
Сен шеърга беписанд боқма, эй нодон,
Ўлсанг тошинга ҳам шеър ёзилгайдир.

АДОЛАТ КЎЗГУСИ

Ўлтирган жойингда сакрайверма, бас,
Жимгина ором ол топган аршингда.
Қанча буюкликни қилмагил ҳавас
Адолат кўзгуси турар қаршингда.


Гарчи барчамизга тақдир хукмрон,
Гарчи тенг қошида чинордир, хасдир.
Пушкин аталмагай ҳар битга қурбон,
Ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир...

ЗОНАҲИ

Бечораман, дея ўкинма, иним,
Сенга ўхшаганлар дунёда бисёр.
Бир парча нон учун, ўтсин деб куним,
Томирдан қонини бергувчилар бор.

Бахтиёр зотлар ҳам мавжуддир, бироқ,
Улар ҳам тириклик оворасидир.
Зимдан назар солсанг, шу ер — думалоқ —
Асли бечоралар сайёрасидир.





Мехринисо ҚУРБОНОВА

МУХЛИС

Ҳикоя

Уч-тўрт китоб чиқариб, озгина таниқли бўлиб қолган шоир Саид Назар журналда чоп этилган достони учун қалам ҳақи олгач, йўл чеккасидаги ошхоналардан бирига кирди. Бу ерда уни уч-тўрт сўм чойчақа ташлаб кетадиган хўранда сифатида яхши танишарди.

Ўзи яхши кўрган бурчакдаги жой бўш экан. Хурсанд бўлиб патнисини кўтариб ўша жойга бориб ўтирди. Ишора қилган эди, анчайин дид билан бўянган кассир аёл илжайганича келиб, яримта ароқ кўйиб кетди. Бир пиёла ароқ симирган шоир помидордан газак қилди ва иштаха билан лағмон ея бошлади.

Кун пешиндан оққан, одамга тўла ошхона иссиқ ва дим. Ошпазларнинг қўли-қўлига тегмайди. Шоир кимдир тепасида турганини пайқаб бошини кўтарди ва овқат тўла патнисини кўтарган, ёши элликларни қоралаган кишини кўриб, гўлдириб салом берган бўлди.

— Бўшми? — деди бу одам илжайиб. — Сиз билан ўтирсам девдим.

Шоир бир қарашдаёқ бу одамнинг илгари анча кўркам, келишган эркак бўлганлиги, балки аллақанча аёлларни ром этганлиги, кулганида қисилиб кетадиган истарали кўзлари ўзига ярашганлигини, лекин ичкилик деган “бало” анча эзиб кўйганлиги ҳақида негадир ҳасрат билан ўйлади. Лекин “ароқни кўриб келган” деган ҳаёлга бориб ижирганди. У бугун ҳеч ким билан отамлашгиси келмаётган эди.

— Марҳамат, — деди у тўнғиллаб. — Ўтиринг, ўтиринг. Нима, мен бу жойни сотиб олибманми? Ўтираве-ринг!

Қўлидаги патнисини стол устига кўйиб улгурган кишининг кўзларида ажабланиш аломатлари зоҳир бўлди.

— Э, нималар деяпсиз, жўра, — деди қизишиб. — Мен сиздан сотиб олганмисиз, деб сўраяпманми? Ўтирсам майлими, деяпман! Сиз, жўра, бундай...

— Ўтиринг, марҳамат! — шоир ўрнидан туриб салпал эгилди ва киноя билан сўз қотди. — Бир ўзим зерикиб ўтирган эдим. Кўпайишганимиздан хурсандман.

— Э, бор экансиз-ку, жўра! — дея қувонч билан китоб қилди хўранда унинг киноясини англамай: Қиссиқроқ кўзлари кулгудан қовоқлари орасида бир зумгина қорасини ўчирди ва яна кўрина қолди. — Танишганимдан хурсандман. Исмингиз?

— Исминми нима қиласиз? Шартми шу? Мана, икки эркак овқатланиб ўтирибмиз. Шунинг ўзи етади.

— Ҳа, энди сўрагим келди-да, ука.

— Исмин Саид.

— Ҳа, яхши, — деди хўранда ва жойлашиб олгач, овқатни чапиллатиб ея бошлади. Бу шоирнинг ғашини келтирди. У тезроқ захри-махрига овқатини еб, туриб кетишга чоғланаётган эди, хўранда арз-дод қилди.

— Падарига минг лаънат буларнинг! Совиб қолган овқатларни беришади. Одамни менсишмайди. Тўполон кўтарайми? Йўқ, бошқа ошхоналарда бу ишни қилганман, фойдаси йўқ. Қайтага икки марта ўн беш суткадан қамалганман...

— Ҳа, шунақа, — деб кўйди шоир.

— Саид, Саиджон... Саид Назар деган шоиримиз бор, эшитганмисиз?

— Қаердадир эшитгандайман, — деди у ва ҳамроҳини қаерда учраганини эслаш учун диққат билан разм солди. — Ким ўзи у?

— Ие, шундай шоирни билмасангиз нима қилиб юрибсиз бу дунёда? Инсон адабиётсиз, санъатсиз яшаши мумкинми, жўражон? Мана, мен музика тинглашни, шеърни яхши кўраман. Шеър тингласам, ўқисам яқин жўраларим устимдан кулишади. Нимасини тинглайсан, нуқул чиройли сўзлар-ку, дейишади. Мен эса бундайларни отиб ташлагим келади, жўра. Ҳой нокаслар, кўрлар, шеърни ҳар ким тушуна олмайди, ҳар ким ярата олмайди. Қўлларингдан келса эзиб кўринглар, падарлаънатлар, дегим келади. Дейман ҳам, нима, кўрқаманми?

— Шеър ўзи нима, ака?

— Шеърми? — деди ҳамроҳи ва беихтиёр кўзларини юмиб олди. — Шеър нима эканлигини кошки тушунсам. Лекин, негадир яхши, сокин шеърлар тингласам ўксиб-ўксиб йиғлагим келади. Баъзан ёзгим келади. Лекин ёза олмайман, қўлимдан келмайди. Ёзиш учун худо берган бир нима бўлиши керак-да одамда. Бизда дард бор-у, дармон йўқ, жўра.

— Сиз Саид Назарни танийсизми?

— Йўқ, танимамайман. Газета, журналларда шеърларини ўқиб тураман. Илгари расмлари билан кўп чиққан. Мен унинг ашаддий мухлисман. Сиз ҳам қишлоқга ўхшайсиз. Шевангиздан билдим. Ҳа, яхши, яхши... Унинг шеърларидан қишлоқнинг иси келади. Шунда болалигимни, қишлоқда мени боқиб катта қилган раҳматли момомни эслайман. Бир маҳаллар қарчиғайдек йигит бўлганлигим, менинг ҳам отим бўлганлиги ва кўпқари чопган кунларимни эсласам, йигитлигимнинг оташин, энг бахтли йиллари отнинг туёқлари остида, тупроқли кўчаларнинг чангида, армонли йилларимнинг ортида қолиб кетганлигини эсласам, ўзимни тута олмайман. Эҳ,

шошманг, мен яримта обкелай, отамлашиб ўтирамин. Э, уят бўлади-ку, қуймоқчимисиз? Мана пиёла, ҳа майли, бўлади, бўлади, одамни хижолатда қўйдингиз-ку!

— Хижолат бўлманг, — деди Саид негадир мамнун ҳолатда.

— Ҳа, яхши, яхши... Уҳ, йўқ, закуска керакмас. Бу ерларда юрибман-у, лекин аслим туғилган жойларимда қолиб кетган. Бир хотиннинг нозу қарашмасига учиб, гулдек аёлимни, болаларимни ташлаб бу ёқларга келиб қолдим. Бошимга не-не савдоларни солмади бу мегажин. Кунларнинг бирида қишлоққа қайтдим. Энди кеч эди. Отам отимни сотиб юборибди. Кўпқари чопадиган йигитларнинг кўпчилиги шаҳарга иш излаб кетишибди. Хотиним кечирмади. Тупроқ ҳидидан асар ҳам йўқ. Ҳаммаёқ бетон, асфальт. Чўмиламан деб сувга тушсам, қопқора қурум. Одамлар бир маҳаллар сув ичиб юрган ариқлар ахлатга тўлган. Энг асосийси, билагимда куч-қувватим йўқ, қуруқ гавдани кўтариб юрибман. Яна шаҳарга қайтдим. Шаҳарда ишламаган жойим қолмади. Бу ерда, умуман бу дунёда одамлар бир-бирини мақтаб кун кўради, бўлмаса асло яшаб бўлмайди. Мен эса хушомадни, бировнинг юзига мақтаб гапиришни ёмон кўраман. Шунинг учун ҳам иш жойимни тез-тез ўзгартириб тураман. Атрофимдаги одамлар жонимга тегдими бас, бўшаб кетаман. Шунақа гаплар, сиқилганимда аламимни китоблардан оламан. Шеъриятни яхши кўраман. Сиз наҳотки Саид Назарни ўқимаган бўлсангиз? Унда албатта топиб ўқинг. Уҳ, бошим қақшаб кетяпти. Зормандадан опкелайми?

— Йўқ, йўқ, кераги йўқ, — жон ҳолатда эътироз билдирди шоир. — Мен бу сиз айтган шоир болани энди эсладим. Илгари бир кўчада яшаганмиз. У ҳақда кўп гаплар эшитганман.

— Хўш, хўш, — деди ҳамроҳи чучварадан бўшаган косасини нари суриб ва диққат билан унга тикилди. — Эшитайлик!

— У беқарор одам, уч марта уйланиб ажралишган. Инжиқ одам, дейишади.

— Э, яшасин аканг қарағай! — деди ҳамроҳи билан қувонч билан чапак ҳам чалди.

— Дўстларининг кўпчилиги унинг устидан очиқчасига кулиб юришади, — дея сўзида давом этди Саид. — У на қаттиққўлликни, на меҳрибончиликни кўтарадиган одам.

— Хўш?

— Хуллас, у бемаза одам!

— Лекин у шоир!

— Шоир бўлса нима бўпти! Хотинининг инжиқликларига чидолмаса, болаларига оталик қилолмаса, оилани боқолмаса... Ана, қанча истеъдодли шоирлар, ёзувчилар бор. Битта хотин билан умргузаронлик қилиб юришибди-ку. Ижодлари ҳам жойида. Йўқ, у такаббур. Унинг учун дунёдаги ҳамма нарса сариқ чақага қиммат. У шеърият деб яшяпти, лекин шеърияти унга нима берди? Омдсизликдан, бахтсизликдан бошқа нарса кўрмай бу дунёдан ўтиб борапти.

— Сиз бундай...

— Унинг шу кунгача туну кун бош чангаллаб ёзган бор фалсафаси кимга керак? Йиғилишларга борганида

уни “шоир келибди” деб тўрга ўтказишади. Лекин у бахтлими? Йўқ, у — бахтсиз. Болалари бор экан, соғинмайдимми? Тўйиб-тўйиб бағрига босгиси келмайдимми? Ҳаёти ит ётиш — мирза туриш... Шуям яшашми?

У ҳеч қачон, ҳеч кимга дардини бу қадар дoston қилмаган эди, чунки қаршисида бегона ўтирибди, бегонага ишониш мумкин. Бегона яхши-да, у ялтоқилик қилмайди, борини айтади. Бегона яхши. У сенга ҳар қадамда тош отишга тайёр турган дўсту душманларингдан ўн чандон садоқатли. Бегона яхши.

У бироз асаби босилгач, бошини кўтариб ҳамроҳининг кўзларига нигоҳ ташладию, беихтиёр сесканиб кетди. Ҳамроҳи боягина икки пиёла ароқдан сўнг кайфи ошиб қолган одамга ўхшамасди. Унинг кўзларида галати бир тушунисиз ифода қотиб қолган эдики, Саид унинг нигоҳига дош бера олмай, чивин айланаётган бўш косаларга тикилди. Улар бир муддат жим бўлдилар.

— Сиз уни танийсизми? — деди шоир ниҳоят. — Шеърларини ўқийсиз-у, ўзини...

Рўпарасидаги одам галати экан. Индамайди. Қошлари юқорига кўтарилган. Хўмрайган. Одамзоднинг феъл-атвори шу-да. Саид ўзи ҳақида кўп нарсаларни шу одам орқали билгиси келди. Негаки, сени ўзингдан кўра бошқалар яхшироқ билишади. Ўзинг ҳақингда атрофиндагиларнинг нималар деб ўйлаши ҳужжатлардан ҳам энг муҳимроқ ҳужжатга ўхшайди. Унда истайсанми-йўқми, ўзинг ҳақингдаги аччиқ-ширин ҳақиқат бор бўйича ястаниб ётибди. Лекин ҳозирги лаҳзаларда Саид учун шеригининг сўзсиз-садосиз хўмрайиб тикилиши кўнглида гашик аралаш ваҳм уйғотди.

Хўранда ўрнидан туриб кетди ва қўлларини ранги уңикиб кетган шимининг чўнтақларига тикиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Саид у билан хайрлашиб ўтириш беҳудалигини сезиб, ўрнидан кўзғалаётган эди, ҳамроҳи гавдасига ярашмаган чаққонлик билан унинг елкасидан тутди.

— Боя сен Саид Назар ҳақида нималар дединг? — деди тўсатдан сенсираб.

— Қачон? — дея сўради кутилмаган ҳолатдан гангиб қолган шоир. — Нима эди?

— Боя шоир ҳақида у-бу деб валдирадинг-ку?!

— Бемаза, ярамас одам дедим!

— Мана сенга!

Шоирнинг ушоққина гавдаси зарбдан қаттиқ силкинди. Юзлари тарсакидан лов-лов ёнди. Текин томошага келганларни қўриб Саиднинг орияти кўзгалди ва олдинга интилиб сўкинганича шеригига ташланган эди, юзига боягидан ҳам қаттиқроқ тарсаки тушди. Боши стол қиррасига урилиб, мувозанатини сақлаш олмай полга йиқилди. Ошпазлар, фаррошлар улар томон югуриб келишди.

— Вой шеърнинг “ш” ҳарфини тушунмаган нодон! — дея овозини бор бўйича қўйиб сўкинарди ҳамроҳи. — Кўзингни мошдек очиб қўяман. Ичирган бир пиёла арофингни миннат қиляяпсанми? Ҳей...

У Саиднинг устига пиёладаги чойни сепиб юборди. Саид ҳамон полда қапишиб ётар, ўрнидан туришни хаёлига ҳам келтирмас, негадир кулгуси қистаётган эди...





Рустам Мусурмон

Дўмбира турмуш

шў

ВАТАНИМ

Одам Отанинг наслига бешик бўлган тоғларим,
Мома Ҳавонинг васлига ошиқ бўлган боғларим,
Авлиёлар иси келган мўтабар турпоғларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Жайхун!
Сайхун!

Шаҳру кентларимга она бўлган сувларим,
Тупроққалъа, Аёз, Эллик қалъа бўлган сувларим,
Дехқон ерда ундирган илк дона бўлган сувларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Кундуз кўёш, кечалари ой берган-ей, ой берган,
Қирқ кечалаб қўноқ бериб тўй берган-ей, тўй берган,
Меҳмонларга уй тўридан жой берган-ей, жой берган,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Қилич сермаб, ганимлардан қасос олган даштларим,
Ёв бошини қонга тўлган мешга солган гаштларим,
Юракдаги гашларим-ай, қонимдаги шаштларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Қояларнинг қошларига парчинланган хатларим,
Қабрларнинг тошларига битилган ҳикматларим,
Элни севиб, юртни севиб ёнган азиз зотларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Чўпонларим боқиб юрган сурув-сурув қўйларим,
Яйловларда кишнаб юрган йилқиларим, тойларим,
Сигир соғиб, ўрмак ўрган сулувларим — ойларим-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Конга кон нефт-газ берган ҳам, тилла берган ерларим,
Тут оғочдан соз берган ҳам, пилла берган ерларим,
Баҳор, кузу ёз берган ҳам, чилла берган ерларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Онажоним, ўнтадан кўп бола туққан онам-а,
Ҳалол ишлаб, жўжабирдай жонни боққан отам-а,
Яғринимга кийикчадай миниб олган болам-а,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Ватан учун жон аямас киши бор-ей, киши бор,
Елкасига кўнган Ҳумо қуши бор-ей, қуши бор,
Мустақиллик деган буюк иши бор-ей, иши бор,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!



ШОИРНИНГ ҚЎШИҒИ

“Шеър — шоирнинг қўшиғи. Шеър ўқилмайди,
балки ижро этилади”.
Устоз Абдулла ОРИПОВ

Халилла, Халилла,
Шеър ўқишинг ашулла.
Тилинг — чолғу, буғзинг — тор,
Довушинг бор жарангдор.

Халилла, Халилла,
Шеърият — ҳикмат илло,
Шеърни ўқиш ибодат,
Яратганга муножат.

Халилла, Халилла,
Довушдан ожиз имло.
Тилсиз қалам ва қоғоз,
Овоз бўлолмас, овоз.

Халилла, Халилла,
Халқнинг мероси тилла —
Бахшиларни туққан тупроқ,
Миртемир чалган кўнғироқ.

Халилла, Халилла,
Улуг устоз Абдулла.
Бутун жаҳонда булбул
Қашғарийдан қолган тил.

Сор деди-ё, сор деди,
Тоғлар боши қор деди.
Зўр куйладинг, биздаям
Сендай чолғу бор деди.

Халилла, Халилла,
Дўмбира чалдим шу палла.
Мен сенга жўра бўлдим,
Сен менга жўра бўлдинг.

Халилла, Халилла,
Ялла, ялла, ялла.
Янграйверсин баралла
Терма, дoston, ашулла...

* Халилла — қорақалпоқ шоири Халилла Давлатназаров.

БОЗОР

“Бозорга бордим,
Бадини кўрдим.
Калласи катта —
Кадини кўрдим”.

Адини кўрдим,
Бадини кўрдим.
Томоғи тешиқ
Ҳодини кўрдим.

Ўжини кўрдим,
Бўжини кўрдим.
Эшакка минган
Ҳожини кўрдим.

Осмонга боқдим,
Саъдини кўрдим.
Ойга қўйилган
Шотини кўрдим.

Молини кўрдим,
Болини кўрдим.
Бурганинг қора
Холини кўрдим.

Бойваччаларнинг
Ҳаддини кўрдим.
Бойбичаларнинг
Қаддини кўрдим.

Кўрдим-кўрдим,
Жодуни кўрдим.
Жонини кўрдим,
Додини кўрдим.

Уйга келдим,
Саёқ эдим.
Пешонамга
Таёқ едим.

ҲАВРЎ


Малакча боғи-ё,
Тўкилди ёғи-ё,
Чўлга чиқоли-ё,
Чодир куроли-ё,
Эчки соғоли-ё,
Тулум чололи-ё.

Туя лўкиллайди,
Қарвон лиқиллайди,
Қўнғироқ зингиллайди,
Тойчоқ дингиллайди,
Тулум билқиллайди,
Қимиз қилқиллайди.

Ҳаво, ҳаводи-ё,
Ҳаво жоғоди-ё,
Сим-сим симади-ё,
Тупроқ шимади-ё,
Яйлов яшнаиди-ё,
Тулпор кишнаиди-ё.

Бол-боли-боли-ё,
Момолари поли-ё,
Шарҳоз эшади-ё,
Қуви шишади-ё,
Ўрмақ қуради-ё,
Тўқмоқ уради-ё.

Малакча боғи-ё,
Тўкилди ёғи-ё,
Ўчоқ ўёли-ё,
Қозон кўёли-ё,
Олов қалайли-ё,
Сумалак ялайли-ё.

**БОБИЛҚАНД**

Болалигим — яшин хотирам,
Кўзим олов, ниғоҳим чақноқ.
Туйғуларим беғубор осмон,
Мангулик онгимда бир чақмоқ —
Бобилқанд.

Қандга тарих номини берган
Она халқим қандай донишманд.
Лабимда бир ширин сўз бўлган,
Тилимда эрийди Бобилқанд.

Бобилдан ҳам катта диёрим,
Ечилмоқда тарихдан тугун.
Бобилқанднинг ширин таъмини
Шууримда шимийман бугун.

Асли савдогарлар Китобдан
Ҳолво элтган Бобил аҳлига.
Қайтишида болаларига
Қанд келтирган Бобил шаҳридан.

Аждолларим — фахру гурурим,
Буюкликка аслан ҳаддим бор.
Айни дамда Бобил йўқ, менинг
Китобим бор — “Бобилқанд”им бор.

ЛОЙҲУШТАК

Болалигим чангитган кўча,
Ўша ариқ, ўша букри тол...
Эслайсанми, бизга лойхуштак
Сотар эди хуштакфуруш чол?

Чопар эдик эшитдикми, бас,
Чуруллаган таниш овозни —
Ғала-ғала учардик, қушлар
Ўрганарди биздан парвозни.

Сайрар эди тинмай эрта-кеч
Лойхуштакча мисли булбулча.
Учар эди, қўнмас эди ҳеч
Ўша лойдан ясалган қушча.

Умр фақат болалик эмас,
Шодлиғу ғам тенг шерик... Бироқ
Ғамли кунда бир эсласак бас,
Шод айлағай ўша шўх чаҳ-чаҳ...

ОЛАЧА

Камалакнинг туси ўзи Олача,
Ҳандалакнинг иси ўзи Олача.
Йўл-йўла-йўл йўл бўлади Олача,
Турли-туман гул бўлади Олача.

Кураш майдониди йўлбарс Олача,
Полвоннинг белига белқарс Олача.
Ғалабаси чин бўлади Олача,
Паҳлавонга тўн бўлади Олача.

Чақалоқнинг бешиги тус Олача,
Булбулқушнинг қўшиғи тус Олача.
Бойчиборнинг жабдуғи ҳам Олача,
Ойбарчиннинг сандиғи ҳам Олача.


Куюш нурин нақши эрур Олача,
Аланганинг рақси эрур Олача.
Она ернинг пири мироб Олача,
Сув қуяди тараб-тараб Олача.

Олам уйғунлигин тархи Олача,
Одам туйғунлигин шарҳи Олача.
Чимилдиққа зеб бўлади Олача,
Келинчакка сеп бўлади Олача.



Н.К.дан



Акира КУМАНО
(Япония)

УФҚ ОРТИДА

ёхуд Илья достони

Ибтидо

“Уфқ ортида ёхуд Илья достони” қиссаси япон адабининг каттакон эпик асари. Унда рус классик қаҳрамони Илья Муромец “Илья Волхов” бўлиб тирик, реал образ сифатида асар бошидан охиригача иштирок этади. Бундан 15 йил бурун биз учун Марказ ҳисобланган Москвада алғов-далғов сиёсат, остин-устин бўлиб кетган, қолипга тушмас бир ҳаёт, Ильянинг қисқагина ширин, аммо фожиага тўла тақдири шу ҳаёт ичида кечади ва асар сўнггида буюк қўшиқчи Владимир Висотский каби сахнада эзилиб қўшиқ куйлаётганида кўрагидан ўқ еб ҳалок бўлади.

Ильянинг муҳотида бизнесмен ҳам, сиёсатдон ҳам, мафиоз ҳам, бахтли ҳаётдан мосуво бўлган бахтиқаролар ҳам бор. Илья асар давомида бир-бир ҳаммасининг кўйига тушиб чиқади ва охир-оқибат ҳаёти бари бир аянчли яқун топади.

Ильянинг шахсий ҳаёти, оилавий аҳволи ҳам аянчлидир. Унинг отаси номаълум. Қишлоқда ўсади. Улғайганда Илья Муромец каби бўлиш, отасини топишни орзу қилади. Бу орзуларига, ҳатто севгисига ҳам эришгандек бўлади. Аммо бир мафиознинг ишратбози — жононга илакишиб қоладию бундан ҳам айрилади. Ундан туғилган фарзанднинг ҳам отаси номаълум.

Хуллас, каттакон рус халқининг маънавияти, ахлоқи, сиёсати ва иқтисодидаги фожиаларнинг барчаси Ильяда, унинг теварагидагиларда бирдек мужассам.

Асарда бизга яхши таниш бўлган Горбачёв ва Ельцин давридаги Россиянинг аҳволи ишонарли деталлар, рамзлар ва реалликлар орқали очиб беришга ҳаракат қилинган.

Энди асар муаллифи ҳақида. Акира Кумано тахаллусдир. Асар муаллифи ўн йиллар давомида Япониянинг Россияда дипломати бўлиб ишлаб келган Акио Кавато ҳисобланади. Акио Кавато ҳозир Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулудда ва мухтор элчиси. Унинг республикамиз матбуотида бирин-кетин чоп этилаётган иқтисодий мавзулардаги қатор мақолаларини ўқигансиз. Японияда эса муаллифнинг собиқ совет давлати ижтимоий ҳаёти, хусусан, Россия иқтисодиётини таҳлил этувчи талай асарлари чоп этилган.

“Уфқ ортида” Акио Каватонинг ёзувчи сифатидаги илк асаридир. Биз мазкур асарнинг дастлабки қисмини китобдан бир узинди сифатида эътиборингизга ҳавола этаётирмиз. Уйлаймизки, азиз ўқувчи, у Сизни бефарқ қолдирмайди.

Россия замини қирғоқсиз уммонга ўхшайди. Унинг тепаликлари, кенгликлари мавжида скифлар, хуннлар, печенегу тоғторлар ўтди. Буюк Пётр наъра тортди ва унинг гулдирак овози ўчди ҳам...

Уларнинг умид ва орзулари кўкка сочилди. Она замин худди Океан-уммон янглиғ бор мавжудотнинг қорнини тўйгазди ва ўз бағрида уларни асраб-авайлади.

Адирларнинг теграсига довр келган ўтлоқ, халқ

руҳияти янглиғ куй чалувчи ўрмонлар, Осиё кенгликлари сари оқаётган буюк дарё — зангори осмон бўйлаб она заминга тегиб-тегиб учаётган оппоқ булутлар. Қудратли ва ўхшаши йўқ бир тарона...

Худуд билмас кенгликлар аро бир садо янграйд...

— Хой, хой, одамлар! Эшитинглар! Илья Муромец, Илья Муромец от чоптириб келяпти! — Дарё бўйидаги ўтлоқда ёғоч от минган болакай шундай

дея кўнғироқдек овозда кичқиради. Унинг овози дарёнинг ортига, қоронғи қарағайзор бағрига қараб учади. Болакай ложувард осмонни тўлдирган ва бепоён ўрмон бағридан қайтган ўз овозининг акс сандосини эшитиб бир пас жим қолади ва кўнгли тўлиб бош чайқаб кўяди.

...Илья 1952 йилнинг баҳорги момақалдиروқли тунида Рязан вилоятининг Нановка қишлоғида таваллуд топди. Унинг онаси Фрося тўлғоқ пайти кўп кон йўқотиб ўз онаси Агафья кўлида жон берди.

— Эй, Парвардигорим, Илюшагинамни омон қолдиргин! — дея тазарру қилганди Фрося. Бу унинг сўнги сўзлари эди.

— Онагинанг сенга қараб жилмайган кўйи жон берди. Шу боис кучли, бақувват бўлиб ўсгин. — Агафья момо бу сўзларни ҳар гал бир баҳона билан эслатар ва оқибатда болакайнинг мурғак қалбида у бутун умр муҳрланиб қолди. Гўё у рухсорини кўролмай кетган волидасининг жилмайишини шу сўзлар орқали томоша қиларди.

— Отам-чи, отам қаерда! Нимага, менинг отам йўқми? — дея кўп суриштирарди бувиси Агафья модан. Бироқ бувиси миқ этмас эди. Нима ҳам дерди боёқиш.

... Қизи Фросяга ҳамма масалада у тамом ишонар ва гурурланарди. Фрося Кабаний Рой деб номланувчи шаҳарчада ўқитувчилик қиларди. Кунларнинг бирида кутилмаганда уйга қайтди ва бетоблигини айтди. Агафья ҳадеганда қизининг бўйида борлигини пайқамасди, бироқ буни сезгач, уни қаттиқ сўроққа тутди. Деворга қапишиб олган Фрося дағ-дағ титради, бошини чайқади ва охири хўнграб йиғлаб юборди.

— Менга ишонгин, онажон! Худонинг олдида шармандали иш қилганим йўқ. Бу боланинг отаси — виждонли одам! Лекин унинг ким эканини айтолмайман! Онажон, илтимос, ишонгин менга! — дея деворга михлангандек ялинарди Фрося.

Бир вақтлар, коллективлаштириш даврида тақдирнинг шафқатсиз зарбасига дуч келди: шундоқ унинг кўз ўнгида ҳовлисида мол ҳайдаб чиқаётган эрини отиб ташлашди. Йигирма йилдан кўпроқ у қизи ва ўғли билан ёлғиз кун ўтказди. Мана, тагин етимлик бошланди. Бироқ Фрося қайта-қайта тергашларига қарамай, ўзича мағрур, чорбоғ ичида ҳам хотиржам ишлар эди. Баъзида у ишдан қўлини узиб, тек қотганча боланинг ҳаракатларига қулоқ тутарди. Ва шунда чиройи очилиб кетарди.

“Майли, ишқилиб эсон-омон туғиб олсин. Туғиш Худо олдида гуноҳ эмас-ку. Боланинг отасини сир тутса тутасолсин, ҳар қалай ўзига маълум-ку, — дея ўйларди Агафья. — Балки отасининг кимлигини билмаслик гўдак учун ҳам яхшидир”.

Лекин бир куни почтачи Фросянинг жўнатган посылкасини опкелиб қолдию ҳаммаси равшан бўлди-қолди. Посилкага Фрося ўз кўли билан адресни ёзиб қўйганди: “Рязан вилояти, Энн тумани, ИИВнинг 3-колониеси, И.Р.Волховга”. Посилканинг тепасига штамп қўйилганди: “Адресатнинг вафот этгани туфайли қайтариб юборилмоқда”. Фрося Агафьянинг кўлидан посылкани оларкан, тиззалари қалтираб чўккалаб қолди, титроқ лабларидан шу сўзлар тизилди:

— Эй, Парвардигорим! Менинг болам, болагинам!..

Шу фурсатдан бошлаб у ўзини олдириб қўйди, кўзи ёригунча лом-лим демади, фақат гўдак туғилар чоғда унинг Илья эканини айтдию дунёдан кўз юмди. Туғилган чақалоққа гувоҳнома олишда Агафья

тоза сарсон бўлиб боши қотди.

“Нима ҳам қилардим, отасининг исми энди маълум. Яна кўргулик, у — жиноятчи экан. Унга бир нарса деб бўлармиди, сағирлик пешонасида бор экан. Жиноятчининг ўғлими, бошқанингми — энди фарқи йўқ. Ильяга умрбод шу машаққат, шу иснод ёзилган экан-да”.

Кабаний Рой посёлка кенгашининг раиси, ўрта яшар аёл болага жимгина туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёзаркан: “Отаси” деган графага бир чизиқ тортди ва “отасининг исми” деган жойига негандир “Иванович” деб ёзиб қўйди.

Шаҳарча кичкина, у аёл Фросяни яхши танирди, боланинг отаси кимлигини ҳам биларди. Лекин ёрдам бериш керак-ку ахир. Раис муҳрни олди ва тантанавор суратда гувоҳномага муҳр урди.

Агафья момо энгил тин олиб Фрося дарс берган мактабга борди. Мактаб директорига тухум ва чўчка салоси тортиқ қилди, сўнг қишлоққа қайтди.

Кейинчалик Агафьянинг қулоғига Ленинграддан келган ёш олим билан Фросянинг дўстлашгани, олимнинг қамалгани ва қаёққадир жўнатилгани ҳақидаги миш-мишлар етиб келди. Уни ахтариб кўриш керакмикан? Лекин у вақтда бу иш хатарли эди. Демак, бефойда. Худога нола қилишдан ўзга чораси йўқ энди.

Кундан-кунга бўйи чўзилиб бораётган Илья яна тагин ўз отаси тўғрисида сўроқ-сўровларни бошларкан, бечора кампир иложи борича гапни айлантирарди.

— Ҳм, отам дейсанми... У урушдан қайтмади.

— Буви, ахир мен отам ҳақида гапирсам, болалар устимдан куладиган бўлишди. Кейинги пайтда қулоқ ўғли деб чақиришяпти.

— Оббо... шу етмай турувди. Биласанми... сирасини айтганда у урушдан қайтганди. Кабаний Ройда агроном бўлиб ишлади. У ерда у сенинг онанг билан танишган, кейин сен туғилгансан. У жуда яхши ишлади, бироқ кўролмайдиган душманлари кўп эди. Оқибатда уни лагерга опкетишди, ўша ердан қайтмади. Бу ҳақда бировга сўз оча кўрма лекин!

— Тушундим. Отамнинг исми ким эди?

— И... Иван Волхов.


Булар ҳаммаси унинг хотирасида умрбод муҳрланиб қолди, борган сари отасининг ҳаётлигига ишончи орта борди. Шундай кезларда унинг дала-лар бўйлаб шаталоқ отиб чопгиси ва бор овозда кичқиргиси келарди:

“Ота! Мен сизни қачондир албатта топаман! Мен Илья Муромецман! Мен сизни қамоқдан опчиқаман!”

Нановка Мокша дарёсига туртиб чиққан тепаликлар теграсида жойлашган ихчам қишлоқ эди. Тепаликлар эса қатор бўй тортган қайинзор билан кўркам эди. Илья қайинлар тагида ётиб япроқлар орасидан ялтираб турган оппоқ парку булутларни томоша қилишни яхши кўрарди. Шу он қандайдир бир сеҳрли куч ердан кўтариб тубсиз осмон кўйнига чорлаётгандай бўларди. Кўркув аралаш бир энтиқиш билан бувиси Агафья ишлаётган дала ёнига бориб қолганини ўзи ҳам сезмай қоларди.

— Ҳа, менинг баходир ўғлоним, кўрқдингми? Сен булутлар устига ўтиргин-да, кўз илғамас дунёларни кузатгин. Шунда ҳеч нарсадан кўркмайсан, — дея уни юпатди бувиси.

Тепаликлар тагида кичкина Мокша дарёсининг кенг халқаси табиий ҳовуз ҳосил қилганди. Ҳовузнинг қирғоқлари бўйлаб узунасига қалин сувўтлар ўсиб ётарди. Бу сув тоза ва чучук эди. Ильянинг мурғак тасавурида бу дарёча Ока дарёсига, ундан



нари — буюк Волга дарёсига қуйиларди. Жуда олис-олисларда денгизнинг йилтираб ва ястаниб оқаётганини илгаш мумкин эди. Ҳа, у Каспий денгизи. Денгиздан ер ости йўли ўтади, у йўл билан муқаддас Қуддус шахрига элтувчи Иордан дарёсига чиқиб олиш мумкин. Ундан ҳам нарида мусулмон диёри — улкан Осиё...

Рўпара қирғоқда чексиз шовуллаган ўрмон. Ўрмоннинг осмон билан туташ нотекис чизиги Ернинг текис эмаслигини бот англатиб туради.

Қишлоқда бор-йўғи қирққа яқин уй бор эди. Оддий бўлса-да, кенг, бирор девор билан тўсилмаган ҳовлилар. Ҳовли адоғида худди ўтмиш қахрамонлар қабрини эслатувчи тупроқ билан ёпилган силос хандақлари.

Узун қиш кечалари Илья бувиси билан иссиқ рус печи устидан ётоқда қайинлар узра хуштак чалиб тургувчи аёзли шамолнинг товушини эшитиб ётишни хуш кўрарди. Бундай совуқ тунда ташқарида тарновларда қотган сумалакларнинг, чарсиллаб музлаган сувларнинг товушини эшитиш, қайинлар орасидан сувнинг ой ёруғида ялтираб товланишини кузатиш мумкин.

Баҳорда ферма деворлари ёқалаб ёрилган музларнинг шарқираб оққан селини қузатасиз. Бу кунлар қишлоқ аҳли қайин танасини кесиб қайин шарбатини тўплашга тушишади. Унга асал аралаштирсанг — димоқни қитиқловчи хушбўй шарбат ҳосил бўлади.

Ёз. Энди тонгги ғира-ширада қайинзор ўрмон шовулламайди. Қисқа ва ёруғ кечалар қўйнида булбул сайрайди, қишдагидан анча эрта хўрозлар қичқирishi бошланади... Кузда ҳашаротларнинг қулоққа зўрға чалингувчи ғўнғиллашлари киши юрагини юмшатади. Бироқ совуқ ёмғир ҳадемай қиш остона ҳатлаётганини эслатиб туради. Хотиржам куз кунлари қайин-япроқлари шамолда тебраниб гўё осмон гумбази билан сўнгги бор видолашаётгандай бўлади.

Узоқ ўтмишда қишлоқни қадимги эътиқод эгалари бунёд этишган. Уни Нановка, яъни янги ҳаётга умид белгиси деб атадилар. Хавф-хатардан сақланиш учун улар кўримсиз, хоч ва ойналари йўқ уйларда руҳонийнинг панд-насихатларини тинглашарди. Сўнг руҳонийни қамадилар, уй эса эскириб-тўзди, ҳозир унинг бурган ва бошқа буталар ўсиб қоплаган қолдиқларигина қолган.

Замон келиб коллективлаштириш бошланди. Мясоед қишлоғи ўрмон ортида жойлашганди, ерликлар дастлаб колхоз тузишди ва Нановкага кучиб келишди. Ўзи мясоедликларнинг илгаритдан нановкаликлар билан келишмовчиликлари бор эди. Нановкаликлар аввалдан эски тутумни қўлдан бермас, ўзлари меҳнатқаш, уй ҳайвонларини кўпайтириб боқар эдилар. Дастлаб ҳайвонни ҳовлидан ҳайдаб чиқишди, сўнг уни парваришлаган деҳқонни таъқиб этиб, Сибирга сургун қилишди. Бунинг номини “қулоқчиликни битириш” деб аташди. Сургун қилинганларнинг уйи тинтув бўлди, мол-мулки мусодара қилинди, ҳукумат мактаб қурилишига деб ажратган маблағларни Мясоед колхозни раҳбарлари ўзлаштириб еб қўйишди.

Уруш олови ёниб, унда қарийб ярим эр йигитлар нобуд бўлгачина қишлоқ аҳли қалқиб тушди. Лекин барибир эски эътиқод аънаналарига содиқ қишлоқнинг болалари бисёр эди.

Ёз пайтлари Илья ва унинг ўртоқлари қишлоқ чорбоғларига боғланган отларнинг белига икки, баъзида уч болакай ўтириб олиб қичқирган қўйи дарё

оқими бўйлаб от суздиришарди. Улар энг чуқур, отни кўмар даражадаги жойларига бориб сузаётган отнинг елкасида ким қанча кўп туриш бўйича мусобақа ўйнар эдилар. Мокша дарёсида ҳаддан зиёд қисқичбақа мўл бўларди. Иссиқ пайтни пойлаб болалар суви илиқ жойлардан қисқичбақа овлаб, уни қирғоқдаги қозонда қайнатиб пиширишарди. Тунлари янги ўрилган пичан ғарамлари устида узала тушиб осмондаги сонсиз юлдузларга термулишиб адоқсиз суҳбатлар қуришарди.

Кузда эндигина қовлаб олинган картошка ва ўрмондан териб келтирган қўзиқоринларни қовуришарди, қишда эса тўқилган корзиналарига похол тўлдириб, унга сув қуйишар, у қат-қат музлаб қолар, Мокшанинг эгри-бугри қирғоқидан унга миниб олиб то музлаган дарёнинг ўртасигача учиб боришарди. Волинка пойабзалларига ясама коньки-ёғоч ва унга ёпиштирилган пўлат симларни тақиб олишарди-да қийқиришган қўйи ҳоккей ўйнашарди.

Йиғим-терим тугагач қишлоққа кино опкелишди. Катта ёшли нановкаликлар кинони яхши кўришмасди: колхозни мактаб ташвиқот қилишларини ёқтиришмасди. Одатда мактаб деворига михланган экран ёнида оппоқ соқоли Сулаймон бобо ҳамқишлоқларининг илтимосига биноан ўтириб (тинч қўйишлари учун) шаҳар милисасининг “информаторлик” вазифасини бажарарди. Лекин болалар гарчи движокнинг очкўзандай тарақлашидан бирор овоз эшитмасалар-да, экрандаги воқеаларни қизиқиб томоша қилишарди.

Улар намунали колхозлар ҳақидаги фильмлар, масалан, “Кубань казаклари”га ўхшаш кино кўриб қолишса худди ўзга бир дунёга саёҳат қилгандай бўлишарди. Қизиқ, лекин ҳаммаси бегона. Кейинги куни казак-қароқчилар тамом бошқа одамга, яъни маҳобатли, лекин “қўрқоқ” немис генералларини таслим этувчи Совет Армиясининг қахрамонларига айланишарди. Қўшни девор ортидан фиғони чиққан кампирларнинг “бунақа бемаъни ўлдир-ўлдир ўйинингни бас қилсанглар-чи!” дея бақирқларидан сўнггина болалар ўпкаларини босиб олишарди.

Чанг кўчалар бўйлаб шалоғи чиққан велосипедда кўрагага орденлар таққан қўйи почтачи Андрей келиб қоларди. Урушда унинг оиласи қурбон бўлган, қишлоққа Ленинграддан кўчиб келганди. Болалар унинг теварағида тўпланиб олишиб ўтмишдаги Нановка ҳақидаги ҳикояларни тингламоқа ошиқишарди.

— Биласизларми, эрталаб чўпон келарди. Мана бунақа узун трубази, карнайи бор эди. Одамлар “ту-ту, ту-ту-ту” деган куйни эшитишлари биланоқ оғилларидан молларини ҳайдаб чиқиб подага қўшишарди. Кун шундан бошланарди. Чўпонни бугун Семён уйида меҳмон қилса, эртага — Ваня, шунақа қилиб одамлар унинг қорнини тўйғизишади. У ёқ-бу ёғи қишлоқда икки юз бош мол бўларди. У вақтда бўрилар ҳам ақли эди, фақат тунларигина ўрмон орқасидаги дарё бўйида увиллаб қўярди. Айниқса, ойдин тунда. Даҳшатли эди. Биз ёшлар бўлсак, тун оғиши билан тўпланиб олиб гармон чалиб қўшиқ қуйлардик, рақсга тушардик... мана шунақа. Воҳ, Серёжа, сенинг онанг зўр ўйнарди-да. Мен унга маҳлиё бўлиб қолардим. Ха-ха-ха!

Лекин азонлаб соат олтида бизни пичан ўрмига уйғотишарди. Уйқудан карахт уйғонардик. Қишлоқда бир Семён деган темирчи бўларди. Урушда ўлди. Ҳар жиҳатдан мохир эди: от туёғига нағал қоқишниям, аравани созлашниям, кострюлни ямаш

ниям эпларди. Болалар унинг атрофида тўпланиб олиб қилаётган ишини мириқиб кузатишарди. Бугун бўлса нағални эплаб қоқадиган шоввозни топиш мушкул.

Лўлилар тез-тез келиб туришарди. Аравада. Қишлоқ отларини ўғирлаган пайтлари ҳам бўларди. Нима, улар менинг тўриғимга кўз олайтиришармиди? Хечам-да. Лўлилар тўдасига яқинлашсанг, олачипор оти латта чайнаётганини кўрасан. Муғомбирлар нима қилади, биласизларми, тунда кўй сўйиб, бўғзидан ва ошқозонидан оққан қонини отнинг терисига суртиб чиқишаркан. Қарабсанки, от ола-буларанга киради. Отни қайтариб олишга ҳарчанд уринма, у бир гапни такрорлаб тураверади: “От сеники эмас. Сеники тўриқ эди, шунақамасми?” ана муттаҳамлиги мана муттаҳамлик! Кўрдингизми... Лўлилар ҳатто ўргатилган айиқларни ҳам опкелишарди...

Тепаликлар ортида, Нановкадан бир соатлик йўл, Белокаменный қўли ястаниб ётади. Ўрталиги нотекис ўрмон, ўзи жуда кенг — кўз илғамайди. Унда аллақандай тилсим яширин эди. Ҳатто сузиб юрган балиқларни ҳам учратмайсан, чўмилишгаям ҳадиксирайсан одам.

Халқда бир афсона юради. Қадимда бу қўл бўйида каттакон ва бой шаҳар қад кўтарган. Бир вақтлар муғуллар бостириб келганда шаҳар аҳли таълим бўлишни хохламай ўз қадрдон гўшаларини сувга чўктириб юборган эканлар. Ҳозир ҳам сув остида черков занги чалингани эшитилиб турармиш, тунда эса, одамларнинг кўзидан панада монахлар қўл тубидаги черковга тушишармиш. Кимнингки уларга кўзи тушса ҳалок бўлармиш.

Илья ва унинг дўстлари бир гал ёз окшомида Белокаменный қўлини кузатишга чиқишди. Ярим тун эди, чарчаган болалар эснай бошлашди. Шу маҳал қаёқдандир узокдан черков қўнғироғига ўхшаш товуш эшитилди, қўл юзида эса қандайдир ёруғлик суза бошлади. Қўрқиб кетган болалар, орқаларига қарамай қишлоққа қараб қочишди.

Агафья момо ўта даражада ҳақиқатпараст ва чидамли эди. Унинг юзидаги чуқур ажинлари, маҳкам ёпишган лабларига қараб одам баджаҳл деб ўйларди. Аслида эса унинг юраги ҳаммага — қадим эътиқодпарастларга ҳам, бошқаларга ҳам очиқ эди. У кимни ҳақиқатгўй деб ўйласа бўлди, кўнглини очиб-сочаверарди.

Унинг эрини исёнчиликда айблаб отиб ташлашганида ҳам гарчанд ҳамқишлоқлари ундан кундуз кунлари ўзларини опқочган киши бўлсалар-да, кечалари даҳлизига кимдир егулик, кимдир кийим-кечак ташлаб кетарди. Бу Агафьянинг ўғли Егор ва қизи Фросяни оёққа қўйиб олишига катта мадад бўлди. Агафья қўшнилариининг яхшилигини унутмади, кейинчалик уларга қўлидан келганча ҳизмат қилишга имкон топди. Унинг ҳовлисида сизират, чўчкаси ва ҳатто асалариси ҳам бор эди. Кунлар келиб у ўзига етарли асал тўплади, қолганларини ҳамқишлоқларига тарқатди. Невараси Ильяни Худо ёрлақди, бир йигитга етарли куч ато этди, ақли ҳам ёмонмасди. Қишлоқ болалари уни ўзларига етакчи деб билишарди.

Агафья етим неварасидан меҳрини аямади, уйку олдидан кўпинча қадимий ривоятлар, эртактлардан сўзлади. Бувисининг сеҳрли овози уни аллалар, Илья Муромец, Добрин Никитич, савдогар Садко, буюк княз Игор ва Киев Руси князлари тўғрисида эринмай сўзлар эди.

Бир баҳодирлар киссаси унинг тушларида ўнгида кўрган кинодаги немис аскарлари ва танклари би-

лан жанглар бўлиб жонланарди.

— Ҳой, одамлар, Илья Муромец, Илья Муромец келаётир!

Нановка руҳлар ва жинлар юрти эди. Улар ўтлоқлару дарахтларда, ўрмону дарёларда мўл-кўл, сирли шарпалар бўлиб изғигани-изғиган эди. Агафья момо хоҳ чорбоғда ишласин, хоҳ ўрмонда кўзиқорин терсин, иккита туморини тутган кўйи аввал жину арвоҳларга қуюқ таъзим бажо келтириб, сўнг юмушига уннарди.

Баҳорнинг осуда ойдин кечаларида Мокша қирғоқларида сув парилари сочларини тараб кўнғироқдек овозларда қўшиқ куйлаб йигитларни ўзига ром айларди. Ана шундай кечаларда Илья дўстлари билан дарё бўйига яқинлашаркан, улар сув париларининг сеҳрига илиниб қолмаслик учун аччиқ ёвшон япроқларини тозалаб тутиб юришарди.

Кимки сирли шивирлаб турувчи ўрмонга қадам босаркан, юрак ютиб ёлғончи алвастини кутарди. Уйда печка ичидан ажинанинг шивирлаши эшитилиб турарди, ҳаммомда Ильяни ҳаммомчи кўриб қолса, унинг келажанини башорат қилишга тушарди. Агафья ажинани “амаки” деб атар ва неварасига уни марҳум эри Павел, яъни сенинг бобонг, у бизни асрайди деб тушунтирарди.

Кўзни олувчи тонгги қуёшни кўрсатиб у Ильяшага шундоқ изоҳ беради:

— Қарагин, Ильяша, бу Даждбог. Яъни қуёш худоси. У ўзидан олов отилиб турувчи оқ отнинг аравашида юради. Биласанми, у Шарқдан, мангу ёз фасли ҳукмронлик қилувчи мамлакатлардан келади. Бизларга ҳам раҳнамолик қилиш учун ташриф буюради. Даждбог осмондан ерга қараб тураркан, бу дунёда ҳамма ишлар адолатли бўлади.

Кузнинг бошлари эди, бир кунни осмон тўсатдан шимол тарафдан ёришиб кетди. Гўёки Еру Кўкни тутиб тургучи Худо осмонда ўзи пайдо бўлдию бутун қоронғуликларга ўз нурини сочиб юборди, сўнг яна зулмат чўқди.

— Билиб қўй, Ильяша, — дея тушунтирди Агафья, — осмонда учта худо яшайди. Бири тонгги Уфк, бири кечки Уфк, учинчиси эса Аврора. Ана шу Аврора шимол ёғдуси ҳисобланади. Улар Кичик Айқнинг занжирида ушланиб турган итнинг жунини юлишади. Қачонки занжир узилиб кетса, охир замон бўлади.

Агафья момо қадим эътиқод эгаларининг урф-одатларига қаттиқ амал қиларди, лекин Ильянинг бу одатларига боғлиб қолишига ҳаракат қилмасди.


— Ҳар бир киши эзгулик ва ёвузликнинг фарқини ўзи билиши лозим. Шундагина у Худо олдида гуноҳ қилмай яшашни ўрганади.

Ҳа, Агафья момо невараси Ильяга шундай деб уқтирарди.

Қишлоқ ортида кенг яланг жой бор эди. Агафья момо ўша жойга бориб она ерга қарийб бармоқлари теккунча таъзим бажо этган кўйи пичирлаб илтижо қиларди:

— Эй, Парвардигорим, биз гуноҳқор бандаларингни авф эт. Биз Сен бизга ато этган ерни ўз қонимиз билан булғадик, уни ҳосилсиз қилиб қўйдик. Ҳеч ким меҳнат қилишни хохламаяпти. Сенинг барча меҳрибонликларингдан шайтонлар фойдаланяпти. Келажакда ҳам бирор ёруғ кун кўринмайди. Парвардигоро, нега бизни тарқ этдинг ахир?

Эриган қорлардан сувлар лойқаланиб, баҳор қуёшидан баҳра олиб ширин энтикаётган тупроқ нон ҳидини таратар, бу хуш бўй Ильянинг димоғига урилгандек бўлди. У ҳар баҳорда аллақандай шунақа



куч сезарди ўзида. “Эй, денгиз, олисларда товланаётган, менга кўриниб-кўринмаётган тўлқинлар! Бизнинг еримиз денгиздан кенгроқ, денгиздан бойроқ! Бу заминга ким қароқчилик қилишга журъат этади?! Ким уни ҳосилсиз сахрога айлантирмоқчи?!”

— Хой-й, одамлар! Кулоқ тутинг! — дея қичқирган кўйи Илья жавдар экилган далалар бўйлаб чопиб борарди.

Мокша дарёсидан узоқ бўлмаган тепаликда унинг онасининг қабри жойлашган. Бу жой Илья учун муқаддас саналарди. Бу ерга у одатда бир ўзи келган пайтлари қабрга чуқур таъзим қиларди. Сўнгра қайинлар соясига ўтириб шамол ва қушларнинг кўшигини эшитиб онаси билан ёлғиз, узоқ хаёлан ҳасратлашиб ўтирарди.

— Онажон, қачондир мен отамни ахтариб топман. Ўшанда биз учовлон мириқиб суҳбат курамыз. Сен Илья Муромец ҳақидаги афсонани биласанми?

Йиллар ўтди. Илья мактабга борадиган бўлди. Агафьянинг уйига Москвадан жўнатилган ёш ўқитувчи аёл келиб жойлашди. Қоғоздан кўзини узмай бир қанча саволлар берди, сўнг ёқимли жилмайиб: “Хўп, биринчи сентябргача хайр!” деди ва қуёш қиздириб турган кўчага йўл олди.

Ўша куни қишлоқ аҳли кулоқ қилинган Исҳоқнинг уйини қайта жиҳозлаб, айвони пештоқига “школа” деб ёзилган уй қошига болаларини етаклаб келишди. Сельподан янги сотиб олинган янги кийимлардаги болалар мактаб остонасида саф тортишди.

Муаллима Зинаида зўраки жилмайиб билан болаларга салом берди, кўшниси Настя момо мактаб кўнғироғини чалди, кўнғироқ садолари остида Илья ва унинг тенгқурлари куни кечагина жанжаллашиб, тепишиб юрган иккинчи синф болаларининг қўлларидан тутганча дарров ярашиб олган болалардек шитоб билан мактабга кириб кетишди.

Ўша кузда ҳосил ўрим-йиғими тугагач, қишлоққа шаҳардан раҳбарлар келиб қишлоқ одамларидан зўрлаб уй ҳайвонларини арзимаган пулларга сотиб ола бошладилар.

“Мясоедлик ялқовлар тагин бўқар аҳволга кепк-опти!” дея бўқиришарди улар. Келувчилар Агафьянинг уйига ҳам бостириб киришди. Ошхонадаги столга арзимас рубль пулларни ташлаганча Агафья учун олтиндан қиммат икки сигирини етаклаб чиқишди. Илья йиғлаб сигирнинг ипига ёпишди ва ўша заҳоти ўзини сигир туёқлари остида кўрди. Шу заҳоти қирғийдай учиб келган Агафья ҳеч гап-сўз демасдан уни оёғи билан туртди. Илья бувисини ҳеч вақт бу қадар аянчли аҳволда кўрган эмасди.

Кечаси Илья биринчи марта уриб, калтакланиб оғзидан қони келиб ўлган Павел бобо ҳақида гап эшитди ва иқрор бўлдики, дунёда шафқатсиз шундай куч ҳам бор экан.

— Яна коллективлаштириш! Ҳеч нарса қолдирмасдан ҳамма нарсангни шип-шийдом қилишади. Ўстиришга улгурмайсан ҳам, барибир тагин тортиб олишади!

Бувисининг бу сўзлари Ильянинг бошида узоқ аск-садо бериб турди. У узоқ вақт ухлаёлмади. Бу оламдаги каттакон, аммо ярамас куч борлигини англади, ундан нафратланди.

— Мен эса худо Макошининг авлодиданман-ку! Илья Муромец...

Мактаб ўқувчилари гўшт тайёрлашга дея сигир ўғирлаб кетувчиларга қарши баёнот сифатида галстукларини ечиб отишди. Галстуклар оловнинг қизил тиллари янглиғ шамолда учиб ўтлоқларга бориб тушарди. Муаллима Зинаида бўлса кўркувдан дағ-дағ титраб галстукларни беҳуда териб юрарди.

Гўшт тайёрлаш ташаббуси билан чиққан обкомнинг биринчи котиби Ларионовнинг отилганини эшитган қишлоқ аҳли бир оз ғазабидан тушгандай бўлди. Лекин молларидан айрилган бечоралар энди шаҳарга кўчсакмикан, дея ўйлаб қолишди.

Муаллима Зинаида Калугада туғилганди. Унинг мулоийм боқувчи кўзларига кўзойнаги ярашган, тилларанг товланувчи сочларини бошига турмаклаб мактабнинг бир кичик хонасида яшар, ишдан сўнг мактаб боғида ишлашни қанда қилмасди. Қишлоқ одамларига унинг соддадиллиги хуш ёқарди. Улар муаллимага боғда етиштирилган мева, сабзавот, асал келтириб беришар, унинг Москва ва бошқа мамлакатлар тўғрисидаги ҳикояларини мароқ билан тинглашарди. Зинаида уларга кўзлари чарақлаган кўйи Москва метросининг гўзаллиги, у ердаги ҳар хил молларга тўла магазинлар, одам билан лиқ тўлиб кетувчи кино заллари ҳақида сўзлаб берарди. “Бувим менга Москвада Егор деган тоғам, Ольга деган амакимнинг қизи яшашини айтиб берганди-я”, дея орзу қиларди Илья.

Иккинчи синфга кўчганида у ўқитувчисидан омавий тарих ва дунё географияси дарслигини сўраб олиб чироқ ёруғида ярим тунгача ўқиб ўтирарди.

Одамлар Нановкани ташлаб кўчиб кета бошлади, ҳадемай қишлоқ ҳувиллаб қолди. Илья учинчи синфга ўтгач, мактаб ёпилди. Ўқувчилар муаллима билан биргаликда Кабаний Рой кўрғонидаги мактабга ўтказилди. Энди Илья ва унинг синфдошлари пиёда ўша ёққа қатнай бошлашди. Йўлга салкам икки соат вақт кетарди. Муаллима Зинаиданинг меҳрибончилиги ва диққат-эътиборига қарамасдан болалар шаҳар мактабида ўзларини бегона ҳис қилишарди. Маҳаллий болалар Илья ва унинг ўртоқларига қишлоқиларга қарагандай менсимай муносабатда бўлар, мактабда ҳам лаганбардорлик, ёлғончилик ҳукм сураб, нановкалик болаларнинг бундан кўнгиллари ўқир, бунақа муҳитга кўникмаган эдилар.

Қишда Агафья оғир касал бўлиб қолди. Сигирларини опкетиб қолишганидан сўнг Илья ва бувиси сутсиз қолишди, ўтин ҳам етишмади, қиш эса совуқ, изғирин келди.

Илья бувисига қараш билан овора бўлиб мактабга деярли қатнамади. Узун қиш кечалари печка қувури ичида ажинанинг чўзиқ инграгани эшитилар, бувиси бўлса алаҳсирагандек, тинимсиз:

— Павел, Павел, мен яқинда бораман. Йиғлама, тинчлан, — деб қайтареварарди.

Бувиси то ёз чиққунча касаллик билан олишди. Бир куни тонг отган маҳал жимгина жони узилди.

— Кўнглинг чўкмасин, Илья. Биз сени ташлаб қўймаймиз, — дея меҳрибонлик билан унинг елкасига қўлини қўйди москвалик Егор тоғам. Илья бунгача уни бирор марта кўрмаган эди. — Мен билан Москвага борасан. У ерда сенинг уйинг бўлади.

Рус тилидан Собир ЎНАР таржимаси



ЗАР КАДРИ

ЗАРГАР МАҲОРАТИДАН

Чет эл адабиётининг машҳур ва маълум дурдоналарини таржима қилиш, шу нуқтаи назардан қаралганда, ўта масъулиятли, аини пайтда мушкул вазифадир. Шундай машаққатли меҳнатнинг самараси, маҳсули ўлароқ кенг омма эътиборига тақдим қилинган асарлардан бири турк адабиётининг йирик намояндаларидан бири Яшар Камолнинг “Илонни ўлдирсалар” (Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2001) қиссасидир. Ушбу китоб ёш таржимон Лола Аминованинг илк уринишлари натижаси ўлароқ майдонга келди.

Мазкур ёзувчининг асарларида кўтарилган муаммо ва масалалар, акс эттирилган тақдирлар ва ифода этилган инсонларнинг руҳий дунёси, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари шу кунга қадар китобхонлар қизиқишини, эътиборини жалб қилиб келмоқда. Шунинг учун ёзувчи ижодига тааллуқли қисса, романлар, умуман, Яшар Камол асарлари дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб келинмоқда. Яшар Камолнинг ижоди унинг қаламига мансуб “Инжа Мамад” романи орқали ўзбек китобхонларига яхши таниш. “Илонни ўлдирсалар” қиссаси эса ёзувчининг маҳоратини намоён қилувчи алоҳида эътиборга лойиқ асарларидан бири ҳисобланадики, бу, турк адабиётшунослари томонидан яқдиллик билан эътироф этилган. Асарнинг таржима нусхасига доир фикр-мулоҳазаларимизни баён этишдан аввал қиссанинг ўзига тўхталсак.


“Илонни ўлдирсалар” қиссаси фожевий асардир. Қисса, аввал оиласи, қариндош-уруғлари, кейин ўзи яшаган қишлоқ аҳолисининг тазйиқи оқибатида ўз онасини ўлдирган боланинг кечмиши, руҳий кечинмалари ҳақида ҳикоя қилади. Бир қарашда тасаввурга сиғдириш мушкул воқеани, яъни ўз онасининг қотилига айланган етти ёшли Ҳасан воқеасини ёзувчи асосли далиллар билан ёритади. Ёзувчи услуби, асар тили бир ўқишдаёқ зукко китобхоннинг эътиборини жалб этади. Қисса Ҳасаннинг ҳикояси асосига қурилган. Шу сабабли асарнинг асосий қисми воқеанинг тафсилоти баёнига эмас, балки Ҳасан, онаси, бува-си, амакилари ва қишлоқ одамлари ўртасидаги муносабат, муомалани ёритишга йўналтирилган.

Қиссанинг сюжети анъанавий “муҳаббат учбурчаги” типига дағи воқеа оқибатида юзага келган вазиятга асосланади: Эсма ва Аббос бир-бирини севади. Табиатан ўта рашкчи Аббос севгилисига совчи кўйган бир неча одамни жароҳатлаб, қамоққа тушади. Халил ҳам Эсмага ошиқ. Эсма унга турмушга чиқишга кўнавермагач, олиб қочиб кетиб, уйланади. Эсма бу ҳаётга осонликча кўникмайди, у юриш-туриши, муносабати, хатти-ҳаракатлари билан норозилигини ифодалайди. Бу вазият то фарзанд кўргунча давом этади. Бироқ ўғли Ҳасаннинг туғилиши уни батамом ўзгартиради. Оралдан етти йил ўтади. Бу орала турмадан қочган Аббос Эсманинг тинчини бузади. Эсма ҳарчанд уринмасин, илк муҳаббати олдида ожизлик қилади, ҳамда бир неча ой давомида севгилиси билан учрашиб юради. Бундан хабар топган Халил хотини ортидан изма-из юриб, севишганлар учрашиб турадиган горни топади, бироқ уларни қўлга тушира олмади. Аббос Эсманинг қаршиликларига қарамай, Халилни отиб ўлдиради. Қишлоқ аҳолиси ва жандармалар Аббоснинг изига тушиб, уни ҳам ўлдиришади. Эсма ўз қарорининг натижаси, оқибати қандай бўлишини била туриб, севгилисининг жасадини хор қилишларига чидаб туrolмайди ва қалтис ишга қўл

уради. У Аббоснинг ўлигини итлар чангалидан қутқариб, уни яна оёқости қилмасликлари учун кўмади. Бу воқеа бутун қишлоқ аҳолисини, Халилнинг қариндошларини Эсмага қарши қилиб қўяди. Чунки Эсма ҳар қанча ҳўрлашмасин, азоблашмасин, Аббоснинг гўри қардалигини айтмайди. Аммо Аббоснинг онаси, ака-укалари бўлиб ўтган воқеаларда бусиз Эсмани айбдор санашади, Халилнинг қотили деб Эсмани билишади. Эсма бой-бадавлат оиладан бўлгани учун уни ўзлари ўлдиришдан чўчишади. Шунинг учун онасини ўлдириш учун Ҳасанни гиж-гижлашади. Албатта, ҳеч ким тўғридан-тўғри “онангни ўлдир” демайди, лекин ҳамма вақт “отангнинг хунини олиш керак”, “отанг гўрида тинч ётолмаяпти” қабилидаги гапларни мурғак бола - Ҳасаннинг миясига синдириб борилади.

Яшар Камол Ҳасаннинг атрофини чулғаб бораётган қора булутларни, болагини нутишга мажбур қиладиган, ҳаттоки, яшашга имкон бермайдиган даражадаги кучли сиқув, босим таъсирида қолганлигини акс эттирар экан, бунда унинг қариндошлари, таниш-билишларининг муомала-муносабатини тасвирлашга алоҳида диққатини қаратади. Бинобарин, қиссада рўй бераётган воқеалардаги оломоннинг ролига ургу берилади. Зеро, оломоннинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари бош қахрамон ҳаётининг издан чиқишига, мушоҳада тарзининг ўзгаришига сабаб бўлади. Ҳасаннинг юрган йўлида учраганларнинг акарияти отаси Халилнинг арвоҳини ўз кўзи билан кўрганларини, улар орқали ўғли онасидан хунини олмаса, гўрида тинч ётолмаётганини айтиб юборганини унга уқтиришади. Аввалига бундай гапларни жиддий қабул қилмаган, кулиб юрган бўлишига қарамай, аста-секин болакай онгига қаттиқ таъсир кўрса-тади. Чунки қишлоқдаги ҳамма - ёшу қари, каттаю кичик уни ҳар кўрганида, арвоҳдан, отасидан, онасидан гапиришни ўз вазифаси деб билади. Бувиси, амакилари, қариндош-уруғларининг, устига-устак, қишлоқ одамларининг сира тинмаган босими, тазйиқи Ҳасаннинг руҳиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. У аввалбошда онасини ҳимоя қилишга, уни душман сановчиларга қарши чиқишга интилади. Бунинг уддасидан чиқолмагач, боши оққан томонга равона бўлади. Бироқ барибир ўз дунёсидан, уни таъқиб этаётган ваҳималар уммонидан қочиб қутулолмайди. Ниҳоят, Ҳасан онасининг ўлиши кераклигини тан олади, аниқроғи, тан олишга мажбур бўлади. Чунки қишлоқдан бир бор қочиб, яна қайтгач, одамлар Эсма ўз ажали билан ўлса, отаси то қиёматгача арвоҳ бўлиб судралиб юришини, жаҳаннамда ҳам азоб тортишини қайта-қайта таъкидлаб гапиришади.

Ёзувчи Ҳасан руҳиятидаги ўзгаришларни ифодалашда турли рамзлардан фойдаланади. Масалан, муаллиф асар аввалида ҳамда воқеалар силсиласида қалдирғочлар билан боғлиқ икки лавҳани келтиради. Башарти асар бошланишига эътибор қилсак, Ҳасан кўз ўнгимизда шўх, қувноқ, тиниб-тинчимас бола сифатида гавдаланади. У қушлар, қалдирғочларни тутар, улар билан кечгача ўйнар, кейин эса қўйиб юборарди. Қишлоқда қалдирғочлар инини бузиш гуноҳи азим ҳисобланади. Кейинги лавҳада қалдирғочлар, уларнинг уяси кимнингдир ғазабига дучор бўлаётгани тасвирланади. Одамлар бир неча бор бузилган уяларни қайта тиклаб, ўлмай қолган полапонларни инларга қўйиб қўйишса-да, яна аввалги ҳолат такрорланади. Қишлоқда



бир дона ҳам қалдирғоч қолмағач, навбат бургутларга этади. Бир куни эса қишлоқда катта ёнғин рўй беради. Ёзувчи бу ишларнинг сабабчиси ким эканлигини очиқ-ойдин баён қилмас ҳам, ўқувчи бу ишда Ҳасаннинг қўли борлигини сезади. Акс эътирилган айни воқеалар Ҳасаннинг тошбағир бўлиб бораётганидан далолат беради. Ниҳоят, қишлоқда ҳеч ким Ҳасан билан гаплашмай кўяди. Оқибатда телбасифат бўлиб қолган Ҳасан онасини отиб ўлдирди. Бундай шароитда албатта китобхонда ҳақли савол туғилади: Бу вазиятдан қочиб қутулиш мумкин эмасми-ди? Қисса сюжетига кўра, она-бола кўнглида қарор топган ваҳима уларни қишлоқдан қочишга мажбур қилади. Бироқ ярим йўлда амакилари етиб бориб, онасини ўласи қилиб калтаклаб, Ҳасанни олиб қайтишади. Сабр косасига сўнгги томчи бўлиб, қишлоқ атрофида отасининг арвоҳи тентираб юрганлиги тўғрисида мишмишнинг тарқалиши кўшилади.

Ўқувчи Яшар Камолнинг кечмишлари, ўй-хаёлларига шўнғиб борар экан, ёзувчининг маҳорати сабаб икки ўт орасида қолган, шубҳасиз, бевосита Лола Аминованинг таржимонлик маҳорати ва тил билиш даражасига дахлдор. Шу боис асарнинг турк ва ўзбек тилидаги нусхаларига эътибор қилайлик.

Китобсеварлар ихтиёрига ҳавола қилинган “Илонни ўлдирсалар” асарига баҳо бериш, унинг фазилатию камчилигини аниқлаш, шубҳасиз, бевосита Лола Аминованинг таржимонлик маҳорати ва тил билиш даражасига дахлдор. Шу боис асарнинг турк ва ўзбек тилидаги нусхаларига эътибор қилайлик.

“Илонни ўлдирсалар” қиссасининг асл нусхасини ва таржимасини солиштириб таҳлил этиш таржимоннинг деярли ҳамма вақт матндан четта чиқмасликка, эркин таржима қилишдан қочишга интилганлиги, шу билан бирга, ўзбек тили луғат бойлигидан кенг фойдаланганлиги яққол кўзга ташланади. Яъни мутаржим қиссани сўзма-сўз, сидирга таржима қилмайди. Асарнинг асл ва таржима нусхаларидан олинган қуйидаги парчаларига эътибор қилайлик:

Асл нусхада: Bahar gunesi kayaliklari kizdirmisti. Kaya aralarinda mavi sutlegener, sari safranlar mor uegul cicekleri... Kekikler acti acacaklar guneste agir kokulari **ilgit ilgit esiyor(5-4-sayfa). Таржимада: Баҳор кўёши қояларни қиздириб турарди. Қояликлар орасидан зангори ихрожлар, сариқ заъфаронлар, беданинг бинафшаранг гуллари кўриниб турарди. Уларнинг вазмин ифори атрофни тўтиб кетган эди(5-бет).**

Асл нусхада: Ortalik karmakarisi kokuyordu. Hasan boyle bahar gunesinde ortalik karmakario kokunca, kokulari hic bir kokuya benzetmeyince bunu kaya kokusu sanijordu. Bu koku Anavarza kayaliklarinin kokusu ydu(6-s). Таржимада: Атрофда аралаш-қуралаш ҳидлар анқийди. Ҳасан теваракнинг баҳор кўёши остидаги бундай аралаш бўйини ҳеч бир ҳидга ўхшатолмай, бу ҳидни - қоялар ҳиди деб ҳисобларди. Бу Анаварза қоялигининг ҳиди эди(5-6).

Ушбу лавҳаларда ажратиб кўрсатилган **кoku** - ҳид сўзи учун таржимон **ифор, бўй, хид** сўзларини қўллайди. Бу билан мутаржим ҳам асар тилининг гўзал, силлиқ чиқишини таъминлаган, яъни бадиийлик талабларига жавоб бера оладиган таржимани амалга оширган, ҳам ўзбек тилининг сўз бойлигидан имкон қадар фойдаланган.

Кокмак феъли ўзбек тилидаги **ҳиди келмоқ** ибораси маъноси монанд маънода келади. Л.Аминова айни феъл учун **ҳид таратмоқ, ҳиди анқимоқ, ҳиди келмоқ, ифор таратмоқ, ҳиди бошқача бўлиб туюлмоқ** каби ибора ва бирикмаларга мурожаат қилади.

Маълумки, ҳар бир тилда сўз, ибора қўллашда ўзига хос нозикликлар, маънони ифодалашда бир-бирдан фарқланувчи усуллар мавжуд. Шунинг учун таржимон зиммасига муайян сўз бирикмаси ва иборани таржима қилишда жиддий масъулият юкланади. Яъни ҳам ёзувчи услубидан четта чиқмасликка уриниш, айни пайтда қаҳрамон тилидан баён қилинаётган матннинг мазмунини тўғри ва ширали тилда баён қилиш мажбурияти бўлади. Қуйидаги асар лавҳасига тўхталамиз:

“Varin temizleyin kaninizi. Belki ben bundan sonra bir daha kalkamam, oglum Halili kanini yerde koyarsaniz bu dunyada da otekt dunyada da ak sudum size haram olsun. Oglumun kanlisi Esmedir” (15-s.) “Бориб қонингиз учун қасос олинг-да, қонингизни тозаланг. Балки мен бир умр ўрнимдан туролмасман, лекин агар ўғлим Халилнинг қасосини олмай, қонини ерда қолдирсангиз, бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам оқ сугим сизларга ҳаром бўлсин. Ўғлимнинг қотили Эсмедир”(11-6). “temizleyin kaninizi” ибораси сўзма-сўз таржима қилинганда, “қонингизни тозаланг” шаклига эга бўлади, “kanini yerde koyarsaniz” бирикмаси эса “қонини ерда қолдирсангиз” деб ўгирилади. Бироқ бундай таржима ўта содда ва жўн бўлиб қолар эди. Натижада ёзувчи ифодаламоқчи бўлган зарур маъно ўқувчи учун тушунарсиз ва ноаниқ бўларди. Шу боис, Л.Аминова изоҳ шаклидаги “бориб қонингиз учун қасос олинг”, “қасосини олмай” гапларини келтиргани мақсадга мувофиқ бўлган. Мазкур ўринда таржимоннинг бир хатога йўл қўйганлиги ҳам кўринади. Турк тилида “kanli” сўзи ўзбек тилидаги “қонли” сифатига монанд маънони англатади. Мутаржим бу сўзни ўзбек тилига “қотил” деб ўгиради. Лекин мантиқан “хундор”, “хунхўр” сўзларини қўлаш ўринлироқ бўларди. Зеро, асар сюжетида кўра, Халилнинг онасини ҳам Эсмедан ўғлининг хунини талаб қилади.

“Sen bilirsin, oleceksin”, dedi Mustafa. “Yazik degil mi sana. Daha zok gensin”. “Ўзинг биласан, акс ҳолда ўласан, - деди Мустафо. - Ўзингга раҳминг келмайдими, ҳали жуда ёшсан”. Yazik degil mi jumласи тўғридан-тўғри таржима қилинганда, “афеуслан-майсанми” сўзига мутаносиб маънода ишлатилди. Бироқ Л.Аминова мурожаат қилган “ўзингга раҳминг келмайдими” гапи асар тилини янада табиийроқ ва ширали чиқишига сабаб бўлган.

“Илонни ўлдирсалар” қиссасининг аслияти ва таржима нусхасини солиштириб, таҳлилу тадқиқдан ўтказиш ўгириш жараёнида мутаржимнинг бир қатор камчиликларга йўл қўйганлигини кўрсатди. Қуйида бир неча мисол келтирамиз:

“Bir de doktor geldi, orada dut agacinin altinda ak bir gomlek giydi... Orada dut agacinin altinda Abbasin olusunu soydular, bir tas teknenin ustunde doktor Abbasen olusunu koyun parcalari gibi kesti, sonra da yerli yerince cuvaldizla dikti” (15-s.). “Яна доктор ҳам келиб, тут дарахнинг тагида оқ халатини кийиб олди... Доктор катта бир тошнинг устида Аббоснинг ўлгини қўйининг парчалари каби кесиб, сўнг яна шу ҳолича қоп тикадиган нина билан тикиб қўйди”.

Ушбу асар лавҳасининг ўзида бир неча хатога йўл қўйилган. Асар бола тилидан ҳикоя қилинганлиги сабаб, бош қаҳрамон тасаввирида доктор “ak bir gomlek” - “бир оқ кўйлак” кияди, таржимон таржима қилганидек, “оқ халат”ни эмас. Шунингдек, “cuvaldiz” сўзининг ўзбек тилидаги муқобили “жуводдиз” сўзи бўла туриб, Л.Аминова нима сабабдандир бу сўзни “қоп тикадиган нина” деган изоҳ тарзида беради. “koyun parcalari gibi kesti” гапи ўзбекчага ўгирилган экан, сўзма-сўз таржима қилинади. Ҳолбуки, бу ўринда “қўйни бўлаклагандай ёрди” жумласини қўллаш мақсадга мувофиқ эди. Чунки “ўликни кесмоқ”, “қўй парчалари” сингари бирикмалар ўзбек тили стилистикаси нуқтаи назаридан нотўғри тузилган. Бинобарин, ўзбек тилида “ўликни ёриш”, “қўй бўлаклари” бирикмаси кенг истеъмолда.

Умуман, таржимон меҳнати анчагина мушкул ва машаққатли экани эътибори билан, ёш мутаржим Лола Аминованинг илк йирик таржимаси албатта юқори баҳога лойиқ. Зеро, бундай масъулиятли ва жиддий иш, сўзсиз, аввало катта жасоратни, матонатни, сабру тоқатни тақозо этади. Шу боис бу йўсиндаги ишларни фақат ва фақат қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Зеро, курмасиз гуруч бўлмагани сингари, камчиликсиз, нуқсонсиз иш бўлмайди.

Яхши асарни олтинга тенг баҳолаймиз. Башарти асар савиясию қадрни тилдо билан ўлчанар экан, уни ўз она тилига ўгирувчи таржимонни моҳир заргарга менгашимиз мумкин. Бинобарин, ўз меҳнати самарасига сайқал берган заргар янглиг мутаржим ҳам асарнинг сифати даражасини белгилайди.

Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА,
филология фанлари номзоди
Шаҳина ИБРОҲИМОВА

ОЛАМНИ ЯШАРТИРУВЧИ КЎЧ

Ўзбекда “тадбиркор аёл” ибораси пайдо бўлганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бугунга келиб тадбиркор аёллар синфи шаклланди деган гапга иқроор бўлишимиз керак. Зеро, бу бор гап. Тадбиркор фермер, тадбиркор савдогар аёллар ҳақида тинимсиз эшитамиз. Аммо бичиш-тикиш, яъни меҳнат натижасида юзага келувчи тайёр кийимлар аёл кишига, айниқса, ўзбек аёлига ярашиб тушган иш бўлса керак. Ушбу суҳбатимизнинг муаллифи Муқаддасхон Саидова бу борада кўламли ишларни бошлаган. Айни пайтда ёш тадбиркор аёл бир талай юракдаги самимий фикрлари билан ҳам ўртоқлашмоқчи.

Ўзим Қашқадарёнинг олис Китоб туманида туғилиб ўсганман. Ўқувчилик давримда асосан адабиётга қизиққанман. Адабиёт ўқитувчимиз Тоҳир ака Олимов мен қатори кўп ўқувчиларни ҳам сеҳрли адабиёт оламга етаклаб киргандилар. Шу боис адабиёт бўйича олимпиадаларда яхши натижаларга эришганмиз. Маънавият булоғи бўлмиш бу оламга ошно бўлганим учун Тоҳир акадан бир умрга миннатдорман. Чунки чин адабиёт инсонни софликка, адолатга, инсофга ундайди.

Раҳматлик дадам файласуф эдилар, онам эса болаларга тарихдан сабоқ берардилар. Ҳаётнинг мураккаб ўзани мени адабиётдан йироқ иқтисод соҳасига етаклаб кетди. Тошкентдаги аграр Университетнинг иқтисод факультетига ўқишга кириб имтиёзли тамомладим. Сўнгра Москва Давлат Университетининг аспирантурасида таҳсил олдим. Иш фаолиятимни Ўзбекистон Фанлар Академиясида бошладим. Бундан ўн тўрт йил бурун “Қашқадарё аҳолиси миграцияси” мавзуида номзодлик диссертациямни ҳимоя қилганман.

Орада турмуш қуриб бирин-кетин икки қизим Нигина, Нигора, ундан сўнг ўғлим Элдоржон туғилди. Турмуш ўртоғим Баҳодир ака олий маълумотли, малакали йўлсоз-қурувчи.

Бизнес соҳасида ўзимни синаб кўриш фикри аввалдан бор эди. Баҳодир акамнинг ғоялари билан тикувчиликдан, аёлларга ярашадиган юмушдан бошладим. Агар бир ўзим тикишдан бошлаганимни ҳисобга олсак, бу юмуш 1997 йилдан бошланган эди. Шу йилдан бошлаб бу ишга қаттиқ киришдик. 2001 йил аввалидан “Пермакс” номли фирма очиб Тошкентда расман иш бошладик. Бухорода (турмуш ўртоғимнинг юрти) Перма ота деган ҳосиятли авлиё ўтган. “Пермакс” сўзи инглизчадан олинган бўлиб, “доимий”, “муқим” маъноларини бераркан. Хуллас, яхши ният билан бошлаган эдик, чакки бўлмади.

Даставвал 4 нафар бичувчи-тикувчи билан иш бошланган бўлса, ҳозир сафимиз анча кенг. Булар ичида ўз ишининг профессионал даражадаги усталари бор. Шу боис кийимларимиз бозорда тез ўрнини топди.

Биз асосан аёлларнинг плаш, пальто, костюм, юбка, шим, кўйлақларини тайёрлаёмиз. Эркаклар учун костюм-



шимлар ҳам тикамиз. Бироқ, аёл кишининг феъл-атворидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, улар тез-тез либос алмаштиришни, айниқса ёш бўлса товус каби турланиб кийинишни хуш кўришади. Хотин-қизлар либосларига талабнинг катталиги ҳам шундан бўлса керак. Эркаклар бўлса, аксинча, костюм-шимни йиллаб кийишади.

Биз бир нарса билан, товарларимизнинг сифати билан мақтана оламиз. У бозорларимизни тўлдириб юборган Хитой кийимларидан юз карра тоза, сифатли ва арзон. Ҳукумати-миз ички бозорни тўлдириш бобида қатор қарорлар қабул қилди. Биз амалга ошираётган ишлар бу қарорларга тўла мос келади. Кийим, либосларимиз халқимизнинг ўртаҳол табақаси учун мўлжалланган. Айниқса, талабалар уни оғринмай сотиб олишга қурблари етади. Сифатидан нолишмайди ҳам. Кийимларимизга талаб тобора ошиб борапти. Эндиги мақсадимиз иш кўламини тағин ҳам кенгайтириш, ҳамма вилоятларда, агар имкон топсак, ҳар бир туманда фирмамиз филиалларининг ишини йўлга қўйиш ниятидамиз. Худо хоҳласа, шундай бўлади ҳам.

Юртимиз раҳбари томонидан ушбу 2003 йил “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинди. Топ-тоза, саранжом маҳалла, ҳовлиларда хотин-қизларимиз либослари ярашиб гуллардай турфа товланиб юришса обод маҳалланинг чиройи яна очилиб кетмайдими?

Биз шунга истаёмиз.

Муқаддас САИДОВА

Собит ДҮСОНОВ



МУНГЛИ-МУНГЛИ ЗОРЛАБ УЧГАН ЁЛҒИЗ ОҚҚУШИ

Хикоя

I
Ёмгир ёлмаганига ҳам бир ойдан ошиб кетди. Ҳаво худди қиздирилган тандирдай олов пуркаб турибди, нафас олиб бўлмайди. Теварак-атрофи баланд тоғлар билан қуришаб олинган шаҳарда гир этган шабада йўқ. Вақтидан илгари сарғая бошлаган япроқлар орасидан мўралаб турган қуёшнинг ўткир тиглари дарахтлар тагидаги унча-мунча намни ҳам қурготиб, тупроқларини уйнатиб юборган. Хиёбонларга, йўлларга тўшалган асфалт ҳам иссиққа дош беролмай, мумдай балқиб турибди.

Олмаотанинг бу йилги ёзи мана шундай ўтиб борар эди.

Олатов бағридаги гўзал шаҳар, силкиниб чангини қоқишга ҳам мажоли етмай турарди. Шундай иссиқ кунларнинг бирида у ўрнидан турди-ю, нонушта ҳам қилмай кўча юзидаги газета ва журнал сотадиган киоскага ошиқди. Бу унинг ҳар кунги одати. Борганингда киосканинг тешигидан энгашиб қарайдиган ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган ўрис аёли буни обдан таниб қолган. Ўзи олтимышлардан ошиб қолган нафақахўр бўлса ҳам хотираси ўткир, мижозининг қандай газета олишини беш қўлидай билади. У киоскадан ўзига керакли газеталарни харид қилиб, бериоқда варақлаб турганида, орқасидан кимнингдир:

— Ойдин! — деган товуши эшитилди.

У ялт этиб орқасига қаради. Қарадио кўзларига ишонмади. Бир нафас анграйиб туриб қолди.

— Ойдин, нима бало, мени танимадингми? — деди ҳалиги товуш берган юмалоқ юзли, қора тўридан келган ўрта бўйли йигит.

— Нега танимас эканман, Фафурмисан?

Улар кучоқлашиб, тўшларини тўшларига уриштириб қўришдилар.

— Ўзинг ҳам жуда одам танимайдиган бўлиб кетибсанми? — деб ҳазиллашган бўлди Фафур.

— Ҳа, кўришмаганимизга ҳам анча бўлди-да, — ўзини оқлаган бўлди Ойдин. — Шунча йил йўқ бўлиб кетиб... Буни қара-я. Учрашаман деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

— Мен ҳам шунча йил бир-биримиз билан кўришмай кетамиз, деб ўйламаган эдим. Давр, замон шунақа бўлиб қолди-да, ўртоқ.

— Хўш, қардасан ҳозир?

— Остонада юрибман.

— Аҳволларинг қандай? Уй ичинг, бола-чақанг омонми?

— Худога шукр, омонмиз. “Ўша қорачадан келган қарғай қиздан зўри йўқ”, деб ўзинг бош-қош бўлиб уйлантириб қўйган Зухра билан яшаб юрибман. У Остонадаги мактаблардан бирида бош ошпаз бўлиб ишлайди. Иккаламиз бирга бориб раддомдан олиб чиққан қизимиз Лаззат бу йил Европа институтига ўқишга кирди.

— Муборак бўлсин. Жудаям хурсандман. Азамат-чи, катта йигит бўлиб қолгандир?

— У ўн биринчи синфда.

— Улардан кичиклари ҳам бордир?

— Йўқ. Шу азамат билан тўхтатдик. Ҳозирча кенжамиз шу.

— Эрта қарибсан, дўстим.

— Бозор иқтисоди деган бир бало келиб, мен тугул мendan бақувват йигитларнинг ҳам белларини қайиштириб қўйдик. Тирикчилик гамида қаердан бир ёғлироқ иш топаман деб юрганда бола-чақа эсга келади дейсанми, ўртоқ?

— Ие, нима қилиб турибмиз бу ерда? Юр, уйга кирайлик.

Улар йўл-йўлакай гаплашишиб уйга киришди. Чой устида яна гап гапга уланди.

— Илгари каттагина СМУ деган идорада дўкайларнинг бири бўлиб ишлардинг. Ҳали ҳам ўша ердамисан? — деб сўради Ойдин.

— Э, қанақа дўкай? СМУ аллақачон йўқ бўлиб кетган, — деди Фафур.

— Нима, ишламаяпсанми?

— Бир дўкайда шофёр бўлиб ишлаяпман.

— Ўша дўкайинг қаерда ишлайди?

— Ў-ў, у унча-мунчани кўрдим демайдиган дўкайлардан.

— Қандай қилиб?!

— Ҳам давлат креслосида мустаҳкам ўтириб олган, ҳам барча йирик фирмаларни бирлаштирган каттагина компанияни зулукдай сўриб ўтирибди.

— Ие, ахир давлат ишидагилар бошқа қўшимча ишлар билан айланишмасин, деган қонун бор эмасми?


— Бу ишләётган компания ўзининг номида эмас, бошқа бир қариндошининг номида.

— Бу қанақаси?
 — Ҳозир ҳамма жойда шунақа. Э, қўй, дўстим, бу айтсанг тугамайдиган хангома. Ундан кўра сен ўзинг ҳақингда гапир. Савле билан Ойбар кўринмайдими? Нимага ёлғиз ўтирибсан?
 — Хотиним билан ўғлимдан бирдай айрилиб қолдим, дўстим, — деди Ойдин кўзларига филт-филт ёш олиб.
 — Ие, қачон?!
 — Эшитмаган экансан-да.
 — Эшитмадим. Эшитсам, келиб кўнгил сўрардим-ку. Мени кечир, дўстим. Охири бахайр бўлсин.
 — Бир-иккита газепада таъзия билдиришган эди. Кўзинг тушмабди-да. Энди, ҳозирги мана бу қийин даврда, газет ўқишга вақт йўқ. Қачон бўлди бу воқеа?
 — Бундан тўрт йил муқалдам.
 — Нима бўлди ўзи?
 — Автомобил ҳалокати. Савле билан Ойбар Чимкентга бориб келамиз деб, йўловчи машинага тушиб кетишган эди. Кўрдай довонида аварияга учраб...
 — Ёпирай, ёмон фожеа бўлибди-ку, а?
 — Фожеа ҳам гапми? Бу — бебахтлик-ку, дўстим!
 — Шундан бери ёлғизмисан?
 — Ҳа, ёлғизман.
 — Уйланмадингми?
 — Уйлангим келмади.
 — Нега?
 — Менинг Савлега қандай ошиқ бўлганимдан, унга қандай қрилиб уйланганимдан хабаринг бор. Никоҳ тўйимизда куёв жўра бўлганингни эслайсанми?
 — Эслаганда қандай? Ҳатто Ойбарингнинг чилласи чиққан кунини-ю, унинг мактаб остонасига биринчи қадам қўйган кунлари ҳам эсимда, дўстим.
 — У пайтлар менинг бахтиёр дамларим эди-ку, — деб чуқур хўрсинди Ойдин. — Инсон ўзининг бахтли онларини пайқамай қоларкан. Кейин ҳаммаси ўтиб кетгач, ўша бахтли дамларингни афсус ва надоматлар билан орзиқиб эслар экансан. Мен учун мана бу ёлғон дунёда Савледақа аёл йўқ. Менга у ҳада этган бахтни ҳеч ким, ҳеч қандай аёл ҳада этолмайди.
 — Нимасини айтасан, дўстим, у аёлларнинг маликаси эди-ку. Ўзи ҳам оққушдай гўзал эди-я! — деди Фафур чуқур хўрсиниб.
 — Ҳа, Савлем фақат оққушдай гўзал эмас, ақли ҳам эди. Унинг биргина камчилиги бор эди: ҳеч ҳам ўзини ўйла-масди. Унинг учун оиласио иши ҳаммасидан юқори турар эди.
 — Ҳа, у жуда ачинарли ўлим топибди.
 — Унинг ички дунёси қанчалик гўзал бўлса, ўлими ҳам, сўнгги гапи ҳам шунчалик гўзал якунланибди.
 — Тушунмадим.
 — Автомобил ҳалокати чоғида Ойбарим тил тортмай кетибди. Савлем эса, Георгиевкадаги туман касалхонасида жон берибди. У бу дунё билан видолашар чоғида: “Ойдинга қийин бўладиган бўлди-да. Менга жудаям ўрганиб қолган эди...” дебди.
 — Ўз ўлимини эмас, орқасида қолиб бораётган ёрини, унинг кейинги аҳволи-зорини ўйлаб жон берибди-да, бечора.
 — Биласанми, Фафур, дунёда унақа аёл йўқ.
 — Биз Савлега сендан бошқа эркакни муносиб кўрмаган эдик.
 — Нега?
 — Сен ўша кезлари оққуш атрофида парвоз қилган қирон қушдай парвона бўлиб юрар эдинг-да. Муҳаббатларинг ҳам гўзал эди, худди оққушларникидай... Ҳай, майли, ўтган ишга саловат. Хўш, ишларинг қалай? Ҳалиям бурунги ишингда-мисан?
 — Йўқ, бўшман.
 — Нега?
 — Қисқартиришга тушиб қолдим.
 — Ие, сокращеняга бошқалар тушса ҳам сен тушмаслигинг керак эди-ку.
 — Нега экан?
 — Бошқа фазилатларингни ҳисобга олмаганда ҳам сен

институтни қизил диплом билан битирган эдинг. Шундан бери бир маҳамада қимир этмай ишладинг. Меҳнат стажинг ҳам етарли. Бизларни-ку, қўявер. А у тебя светлая голова. Шўролар даврида Москвада бўлиб ўтган Бугун Иттифоқ иқтидорлар кенгашида иштирок этдинг. Нима, Қозоғистонда сенга ўхшаган иқтидорли муҳандислар кўпми шунчалик?
 — Биздан кейин ишга келганлар қолди, биз кетдик.
 — Ие, бу адолатсизлик-ку ахир. Пенсияга чиқишингга ҳали эрта эмасми?
 — Менга ўша пенсия ҳам буюрмайдиганга ўхшаб турибди.
 — Нега?
 — Биладиганларнинг гапларига қараганда: пенсия сўнгги икки йил меҳнат ҳақисининг натижасига кўра тайинланар экан. Мен икки йилдан бери ишсизман. Энди ўн икки йилдан сўнг пенсия ёшига етар эканман.
 — Энди танлаб ўтирмай, қандай иш бўлса ҳам ишлай-верганинг маъқул.
 — Ҳозир хизмат танлайдиган замонми? Бир жойга вахтёр бўлиб ишга кирган эдим, уч ой ишлаб у ердан ҳам кетдим.
 — Нега?
 — Бу жой ҳам бировларга керак бўлиб қолибди шекилли.
 — Ай, ҳечқиси йўқ, хафа бўлма. Тебя забормом не оставим. Мабодо иш-пиш топсам, Остонага кўчасанми? Мана бу уч хонали уйингни алмаштириб олсанг ҳам бўлади.
 — Савлем билан Ойбаримни ташлаб қаёққа кетаман? Ҳафта сайин уларнинг олдига бориб дардимни айтиб, юрагимни бўшатиб келаман.
 — Майли, ўйлаб кўр. Мен Остонадан сенбоп бир иш қидириб кўраман. Жуда бўлмаса бошлиғимга юкунаман.
 — Майли, бир ўйлаб кўрай.
 — Ўзинг бир Остонада келиб меҳмон бўлиб қайт. Мана, мана бу менинг координаталарим.
 — Ўҳ-хў... — деди Ойдин Фафур берган визиткага тикилиб. — Ҳатто сотовойинг ҳам бор экан-а!
 — Э-э, бу сотовойинг ҳам, визитканинг ҳам менга сира кераги йўқ эди. Ҳалиги, бошлиғим қўймади-да. Ҳа, айтгандай, диссертациянг нима бўлди?
 — Ҳимоя қилмадим.
 — Нега энди? Ўша пайтларидаёқ ёзиб бўлган эдинг-ку.
 — Ўзинг биласан-у отоқ билан чатоқдан нарироқ юришимни.
 — Биламанку-я, бироқ сенинг билиминг унча-мунча академикларни ҳам доводиратиб қўяди, деган гапларни орқаворатдан кўп эшитганман. Агар сенинг билиминг менда бўлса, дунёни кафтимда гир айланттирар эдим.
 — Ҳозир билим эмас, пул ҳал қилади ҳамма нарсани.
 — Бу гапинг рост.
 — Олмаотада қачонгача бўласан?
 — Бошлиқ иккаламиз кечки рейс билан Москвага учамиз. У киши шундан шу ёққа чет элга дам олиш учун кетади. Мен у ердан Остонага янги жип ҳайдаб келаман. Майли, мен қайтай. Тагин бошлиғим қидириб қолмасин.
 Ойдин Фафурни автобус бекатигача кузатиб қўйди. Боя эрталаб кун илиқ, осмон мусаффо эди. Олмаотанинг қисқа кунда қирқ бор турланадиган ҳавоси айниди қолди: осмонга чиққан кўрғошиндай оғир қора булут куёш юзини беркитди. Ёз ойларига хос бўлмаган салқин шабада эсиб, баданни жунжиктирди.
 Ҳаво нега бунчалик ўзгарганига ақли етмаган Ойдин бир сония жойида туриб қолди...

II

Очлик сабабми ё турли-туман ўйлар хуружиданми, бунисини ўзи ҳам билмайди, ишқилиб, у ярим кечагача ухлай олмай ағанаб чиқди. Тонг отай деб қолганида сал ўзи илингандай бўлдию эрталаб ўрнидан лоҳас бўлиб уйғонди. Терак бўйи кўтарилган куёшнинг ўткир шуъласи обдон тўзиб ҳил-вираб қолган дарпардаларнинг тешикларидан мўралаб, бетон деворли уй ичинини қиздира бошлади. Бусиз ҳам ҳавоси паст, торгина хона нафасни қайтарар даражада дим эди.
 У ўрнидан базўр турдию гандираклаганча бориб деразаларни очди. Кун қизий бошлаган экан, ташқаридан гуп этиб



иссиқ ҳаво ёпирилиб кирди. Қорни очганлиги билинди. Ахир икки кундан бери наҳорини очмаган эди-да! Қорним очса ичарман, деб асраб қўйган шўрваси эсига тушди. У деворларни авайлаб ушлаб, гандираклаганча ошхонага чиқиб, музлагичнинг эшигини очди-ю, аъзойи-бадани музлаб кетди: музхонанинг ҳамма қаватлари бўм-бўш эди. Фақат унинг бир бурчида моғор босган ярим бўлка нон билан чоғроқ сариқ кашкул турар, унда бир ҳафта илгари суяк қайнатилган бир тарелка тўлар-тўлмас шўрва бор эди. У ўша шўрвани иситиб ичди-ю, музлагични электр тармоғидан узиб ташлади. “Ювиб, тозалаб қўя қолай. Нима, сариёғим, сутим борми бунга қўядиган? Суяк шўрва қайнатиш ҳам ниҳоясига етди. Эҳтимол бу музлагични арзон гаровга битта-ярымтага сотиб юбораман...”

Ярим тарелка шўрва билан икки бурда нон еб олгач, Ойдиннинг баданига ажабтовур илиқлик югуриб, сал-пал дармон киргандай бўлди. Бироз ўтгач, чанқади. Чой қути тагида қолган бир-икки дамлам чойни кўзи қиймай, бошқа бир қутида турган шамани ташлаб чой дамлади. Қантлаб чой ичишни-ку аллақачон унутган. Шама солиб қайнатилган чой таъмсиз, маза-матрасиз бўлар экан. Қанақа бўларкан деб унга озгина туз ташлаган эди, худди ачитилган гўжадай нордон торти-қолди.

Хрушчёв замонида қурилган тўққизинчи микрорайон шаҳарнинг бир чеккасида, марказдан овлоқ жойда эди. Ойдинлар ўша беш қаватли уйнинг тепа қаватида туришарди. У ётоқхонага кириб, бурчакдаги темир қувурда занг босган қора дога кўзи тушди. Утган қиш кунлари ўша жойдан сув томчилаётганини кўрган эди. Бундоқ қўли билан силаб қараган эди, ўша тешик ўзидан ўзи бекилиб қолибди. Худо ёрлақгани шу-да!

Ойдин диванга ёнбошлади-ю хаёлга чўмди: “Бугунги кўрган кунимни душманамга ҳам раво кўрмайман. Эртанги куним нима бўлар экан?! — деб ўйлади у. — Кеча ёйма бозорга бориб энг қимматбаҳо нарсаларимни — ноёб китобларимни олдимга ёйиб кечкурунчага ўтирдим. Бор-йўғи уч юз танга савдо қилибман. Унинг ҳам ўн тангаси қира ҳақиға кетди. Қолган икки юз тўқсон танга яна қанча кунга етар экан? Одамлар ҳам ғалати бўлиб кетибди-да. Шўро ҳуқумати даврида зўрға топиб харид қилган китобларимни ўн баробар арзон нархга ҳам олгиси келмайди. Эндиги умидим ўттиз жилдан иборат тиббий қомусимда. Худо ёрлақаб ўша китобларим ўтиб қолгудай бўлса, анча кунимга ярайди...”

Телевизорнинг ишдан чиққанига анча бўлди. Радионинг ҳам аллақачон уни ўчган. Газета сотиб олишга пул қани? Ойдин шўрлик ўзини кимсасиз оролда қолгандай ҳис қилади. Баъзи хабарларни кўни-қўшнидан билиб олади. Баҳорда тўғонга қор, ёмғирлардан тўпланган сув оқмай туриб қолса ҳилланиб, бузилади. Худди шу сингари одам бодаси ҳам биров билан гаплашиб, у бу нарсалардан хабардор бўлиб турмаса ғалати сезар экан ўзини. Ҳафталаб, ойлаб биров билан гаплашмагач, одамови бўлиб қолишинг ҳеч гап бўлмай қоларкан. Бунақа пайтда битта-ярымтаси билан мулоқотда бўлсанг ўзингни анча енгил ҳис қилар экансан. Йўқчилик билан ёлғизлик аламини тортган Ойдин ўзида худди шу ҳисларни туйиб, қўшнилари билан тез-тез гаплашиб туришни маъқул кўрди. Аммо, сўзлашадиган одам қани бу замонда? Одамлар ҳам ҳисоб-китобли бўлиб кетганми, гаплашишга ҳам одам танлашади-я! Ҳозирча Ойдин билан тортинмай гаплашадиган икки одам бор, холос: бири — қарши уйда яшайдиган полковник, иккинчиси эса, ўша подвезнинг биринчи квартирасида яшайдиган пенсия ёшига етмай ишсиз қолган журналист.

Кун тушликдан оғиб, қўланкалар узая бошлаганида Ойдин ташқарига чиққан эди, ҳовлида ҳеч кимни учратмади. “Энди нима қилсам экан-а?” деб турганида қўшни татар йигит келиб қолди. Илгарилари бошини эгибгина салқин сўрашадиган бу йигит, бугун:

- Яхшимисиз, илдош? — деб қўлини саломга чўзди. — Кўринмайсиз. Ё бир ёққа кетганмидингиз?
- “Қаёққа ҳам борардим. Уйдаман.
- Мен сизни излаган эдим.
- Ҳа, тинчликми?”

— Ишсиз юрибман, дегандингиз. Ўшанга жоним ачиб, жўраларим билан гаплашган эдим.

— Хўш, хўш, — деб астойдил қулоқ тутди Ойдин.

— Битта иш топиладиганга ўхшаб турибди.

— Хўш?

— Жудаям зўр иш. Бироқ сал қийинроқ. Пули ҳам мўмайгина.

— Ҳой, Рафиқжон, тезроқ айсанг-чи, қанақа иш ўзи?

— Сиз машинанинг қулоғида ўйнайдиган уста ҳайдовчиси-а?

— Шунақа ҳунарим ҳам бор.

— Эртага эрталаб мени шу ерда кутинг. Чўнтагингизда ҳайдовчилик гувоҳномангиз билан паспортингиз бўлсин.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин мен сизни бир-иккита йигитлар билан таништириб қўяман.

— Улар қанақа йигитлар?

— Улар оғайни, ўзлари олтига. Сиз еттинчиси бўласиз.

— Хўш, қўшилиб нима қиламан?

— Сиз улар билан Бирлашган араб амирлигига учасиз.

— Нима учун?

— Улар автомобил савдоси билан шугулланиб юрган йигитлар. Ўша ёқдан иномарка машиналарни сотиб олишади. Сиз ўшалар билан битта машинани Олмаотага ҳайдаб келасиз.

— Қачонгача у ёқда бўлар эканми?

— Бориб келишингизга бир ҳафта, нари борса, ўн кунча вақт кетади.

— Меҳнат ҳақи қандай бўлади?

— Ҳар кунингизга юз доллардан. Авиабилетингиз, ётиб-туришингиз билан ейиш-ичишингизга ўзлари тўлашади.

— Ие, бу ажойиб иш экан-ку, а? — деди Ойдин севинчини яшира олмай.

— Кўшининг учун жонингни бер, дейишади-ку ахир. Чарх уриб юриб зўрға топдимда бу ишни.

— Э, барака топ, Рафиқжон, бу яхшилигингни ҳеч ҳам унутмайман. Раҳмат.

— Қуруқ раҳмат билан қутулиб кетолмайсиз. У ёқдан қайтиб келганингиздан сўнг яхшилаб ювасиз.

— Албатта. Албатта ювамиз.

— Бўпти бўлмаса, эртага.

Кўм-кўк ўзлари кулимсираб, юзларига қизил югуриб Рафиқжон уйига кириб кетди. “Ўлмаган қулга ўлик балиқ дуч келади”, дейишади-ку ахир. Тушимми ё ўнгимми бу?” деб кўзларини уқалади Ойдин.

Туши эмас, ўнги эканига кўзи етгач, севинганидан ўзини кўярга жой тополмай эшик олдида бир сония туриб қолди.

III

Улар Дубайдан харид қилган машиналарини паромларда Эронга олиб келишди-да, эртасига тонгни салқинда йўлга отланишди. Олти йигит олтига машинага ўтириб, теп-текис равон йўлдан зувуллаб келишарди. Ўша олтига ҳайдовчининг бири — Ойдин. Уларнинг йўл бошловчиси, яъни раҳбари машинанинг орқа ўриндигига ястаниб ўтириб олган. Эроннинг порт жойлашган шаҳри Банирободдан юз чақирим бу ёққа чиққач, улар бироз вақт тўхтаб, шошилинч тамадди қилиб олишди. Овқат маҳалида буларни бошқариб келаётган йигит ҳайдовчиларга тушунтира бошлади:

— Энди бир минг етти юз чақирим йўл юрганнимиздан сўнг Эрон билан Туркменистон чегарасидаги Сироқ кентига етиб борамиз, — деди у. — Шундан кейин Мари, Чоржов шаҳарларида ўтиб, Ўзбекистоннинг қишлоғида дам оламиз. Ундан у ёғи Бухоро, Навоий ва ниҳоят ўзимизнинг Қозоғистон. Агар чарчаган бўлсаларинг уялмай айтаверинглар. Рулга ўзим ўтириб, чарчаганларингга дам бераман... Бўпти, қани, кетдик йигитлар.

Шундан кейин машиналарини ўт одириб юриб кетишди. Ойдинга теккани ниҳоят икки йилгина минилган “Ауди” машинаси эди. Ташқаридан қарасанг яп-янги. Салони эндигина заводдан чиққандай топ-тоза. Моторига ҳам гап йўқ, худди соатдай бир текис ишлаб турибди. Янги машинанинг ҳам яхши отдай ўзига яраша ҳавоси бўлади, деганлари рост экан. Кун қанчалик иссиқ бўлса ҳам Ойдин чарчамас, қай

танга юрагида қандайдир бир ҳавас пайдо бўлиб, газни босган сайин босгиси келар эди. Ҳаёли машинадан ҳам учқур. Олмаотага борганидан сўнг оладиган кўк қоғозлари кўз олдидан элас-элас ўтиб, юраги ҳаққиради: “Нафақат очликдан, гадоилликдан, камбағалликдан ҳам бир йўла қутуладиган бўлдим!” деган ўй уни олдинга олиб учар эди. Юраги тушмагур учқур тулпордай типирчилайди. Бир маҳал Ойдиннинг кўшиқ айтгиси келди. У рулда теварак-атрофга ҳавас билан қараб ўтирар экан, бастакор Эстойнинг “Ҳусни Кўрлон” деган кўшигини айта бошлади. Бу унинг севиклиси Савленнинг севиб тинглайдиган кўшиғи эди. У яхши кўшиқчи бўлмаса ҳам, ёқимли овози бор. Ҳов бир Савлеси билан танишган чоғлари тўйларда ўша кўшиқни куйлаган пайтлари ҳамон эсида. У пайтлари қорин тўқ, қайғу йўқ, эртанги куним қандай бўлар экан, деб ўйламайдиган ажойиб бахтиёр онлари эди-да! Э, бевафо дунё кўз очиб юмгунча гир этиб ўтди кетди-я! Энди у кунлар қўл етмас армон бўлиб қолди...

Улар Сирок кентига етиб келишгач, бир ўзбек чолнинг уйига келиб тўхташди.

— Йигитлар, чарчадинглар. Энди яхшилаб дам олинглар... Сенларни тонг отиши билан ўзим уйготаман.

Шу гапдан сўнг Ойдин ростакамига ётиб уйқуга кетдию эрталаб уйғонса, шериклари ҳам, олиб келаётган машиналар ҳам йўқ. У ҳайрон бўлиб, уй эгасидан сўраган эди, у:

— Э, гапирма болам, булар худо беҳабар муттаҳамлар экан. Еган паловио ётоқ ҳақини тўлаш у ёқда турсин, кўрада турган икки той матомни ҳам ўмариб кетишибди. Ўша матоларни тикиб, бозорга олиб чиқиб кун кўриб ўтирган эдик. Энди нима қилдик, болам.

— Машина борми, машина, — деди Ойдин.

— Машина бор.

— Машина бўлса қувламаймизми?

— Ҳеч нарса қилолмайсан.

— Нега?

— Етолмайсан.

— Мабода етсак-чи?

— Э, етолмайсан. Етган чоғингда ҳам улар сенга бўй беришмайди. Ўз қозоғинг ўзингни ўлдириб кетишади.

— Энди нима қилдик?

— Нима қилар эдик? Эл бор, юрт бор. Бир амаллаб кунимизни кўраимиз.

— Сиз-ку бир кунингизни кўрарсиз. Мен нима қиламан энди?

— Нима қилардинг? Эсинг борида элингни топ.

— Қандай топаман? Чўнтагимда ҳемирим ҳам йўғ-у.

— Ҳемиринг йўқ бўлса шу ерда бирор иш топиб йўлқирани топ.

— Ҳужжатларим йўғу ишга олармикин?

— Олишмайди.

— Менда ҳеч қандай ҳужжат-пужжат йўқ.

— Нега йўқ?

— Ҳалигилар, ҳужжатларимиз бир одамнинг қўлида тургани маъқул деб ҳамма ҳужжатларимни йиғиштириб олиб қўйган.

— Вой ярамастар-эй! Сени худо қўшқўллаб урибди, болам.

— Э, гапирманг, отахон...

У ярамастарнинг гапига ишониб, Ойдин бармоғини тишлаганча қолаверди. Бу кўраётганлари ўнгими ё туши эканини билмай гарансиб, довдираб қолган эди. Бироз ўтгач, кўзларини очиб теварак-атрофига қараса, чол ҳам кетиб қолибди. Қандайдир бир илинж билан ўзи тунаб чиққан уй эшигининг тутқичини тортган эди; у ҳам тақа-тақ берк бўлиб чиқди. Эшик очилмади. Кўнгирак тугмасини қайта-қайта босди, ҳеч ким жавоб бермади. Ойдин гандираклаганча боши оққан томонга қараб кета бошлади...

IV

Ойдин ҳориб-чарчаб, гоҳ кўликда, гоҳ яёв Олмаотага етиб келгунча орадан уч ойча вақт ўтиб кетди. У шунча йилдан бери яшаган уйига зўрға етиб келганида, яна бир муаммога дуч келди: уйининг ёғоч эшиги темир эшик билан алмаштирилибди, бир қулфининг ўрнига иккита қулф ўрнатилибди.

Ҳеч нимага тушунмаган Ойдин эшиги олдида бир пас ҳайрон бўлиб турдию кўнгирак тугмасини босди. Ичкаридан занжир солинган эшик қўйғоч очилди.

— Сизга ким керак? — деди сочлари паҳмоқ бир сепкил юз барзанги.

— Эшикни очинг, — деди Ойдин.

— Нима ишингиз бор эди?

— Бу менинг уйим.

— Эсингиз жойидами ўзи?

— Жойида бўлганда қандай?

— Яхшиси кетинг бу ердан. Бўлмаса милиция чақираман.

Қўйғоч очик турган эшик зарб билан ёпилди. Бу ерда бир шумлик борлигини сезган Ойдин пастки қаваддаги татар кўшнисининг эшигини тақиллатди. Эшикни Рафиқнинг ўзи очди. Ойдин ўз уйига кимдир кириб эгаллаб олганини айтиб, шикоят қилди.

— Ҳа, — деди Рафиқ, — сиз кетишингиз билан бировлар келиб уйингизни таъмирлади. Уларнинг кўчиб келиб ўрнашиб олганларига ҳам анча бўлди. Мен сўраб-суриштирган эдим, улар бу квартирани сотиб олишганини айтишди.

— Энди нима қилсам экан-а?!

— Милицияга борганингиз маъқул.

Ойдин Рафиқнинг маслаҳати билан милицияга бориб арз қилди. Барака топсин, Ойдин эргаштириб келган ёшгина милиционер келиши билан бояги паҳмоқ соч барзангини тергай бошлади. Ҳақиқатан ҳам барзангининг уйни сотиб олганлиги ҳақидаги ҳужжатлари тўғри бўлиб чиқди. Энди улар коммунал хўжалик идорасига келишди. Бу ердаги ҳужжатлар ҳам саранжом-саришта экан. Ҳужжатлар Ойдиннинг ўзи ўртага даллол қўйиб, уч минг АҚШ долларига “сотган”инини исботлаб турар эди.

— Кечиринг, оқсоқол, энди мен ёрдам беролмайман, — деб ёш милиционер жўнаб қолди.

— “Кўп экан кўрганимдан кўрмаганим, яхши экан баридан ҳам ўлмаганим, дегани шу-да! — деб ўйлади Ойдин. — Очу яланғочлигим етмагандай, бошпанасиз ҳам қолдимми энди мен?! Э, худо, мен сенга нима ёмонлик қилган эдим?!”

Ойдин оёқларини зўрға судраб босиб ташқарига чиқди. Кўз олди қоронгилашиб, боши айланди, эшик олдидаги ўриндиққа шилқ этиб ўтириб қолди.

Куз ҳавоси салқин тортиб бораётган эди...

V

Улар тонг саҳарда теварак-атрофга тарқалишиб, кечқурунлари шу ерда бош қўшишар эди. Етти одамдан иборат бу гуруҳнинг раҳбари бурундор барзанги, ҳамиша оғзидан ароқ ҳиди анқиб турадиган — Иван. Миллати ўрис. Унинг ўнг қўли ҳисобланадиган, бир кўзи кўр Шафхат — татар. Ўрта бўйликдан келган юзи бужур Тўхтаохун — уйғур. Паканадан келган, кўзлари қисик Пак — карис. Қоратўридан келган гапдони Йўлдош — ўзбек. Ингичкадан келган найнов Тимофей — хоҳол. Баъзан ҳамтовоқлари уни “Антенна” деб ҳам чақирришади.

Ўша еттигасининг ичидаги ҳали саҳти-сумбати бузилиб улгурмагани — Ойдин. Қозоқ.

Бу дайдилар шаҳардан овлоқроқ жойдаги микрорайон уйлари этагидаги, аввал кимдир омбор сифатида фойдаланган подвалга ўрнашиб олишган эди. Улар илгарилари қуриб қолган қувурлардами, ташландиқ чуқурлардами, ишқилиб, тўғри келган жойларда ётиб юришар эди. Бу жойга уларни Шафхат бошлаб келганди.

— Вой кўппак-эй, — деган эди Иван Шафхатга. — Кўппаксан-да, ҳид биласан. Топган кошонангни қара, сен бўлмасанг мана бу чўчқалар қаёқдан топаоларди бундай шоҳона жойни. — Иван шу зайл унга миннатдорчилик билдирган бўлди.


— Пахан тўғри айтяпти, — деди Иванга хушомад қилиб ўрганиб қолган Йўлдош. — Бундан ортиқ жойни тополмайсанлар минг қидирсанларинг ҳам.

— Бундан ортиқ жойнинг кераги ҳам йўқ-да бизга.

— Нега?

— Негаки, бундан ортиқ жой бизларнинг пешонамизга сиймайди.

— Бу гапинг тўғри.



— Сигса ҳам коммерсантлар тортиб олишади.
— Бўлди, бас қилинглар! — деди Иван қовоғини уюб.
Шундан сўнг улар жимиб қолишди.
Одамлар орасида “Бомж” деб аталиб кетган бу тўданинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Якка-якка юриб тирикчилик қила олмаган бу дайдилар сўнги кезде бирлашиб иш кўра бошлашди. Улар кундуз кунлари бир ярим миллионли шаҳар кўчаларида санқиб-санқиб, кечкурунлари шу жойда тўпланишар эди. Ҳақиқатан ҳам улар учун бу жой хон саройидан кам эмасди.

Ҳар кунги одатлари бўйича улар ўз масканларига тўпланиша бошлади.

— Ҳей, Алиқ, ҳей галварс, чироқни ёқ! — деб буюрди Тўхтаохун куйироқда ўтирган қозоққа.

— Менинг исми Алик эмас, Ойдин, — деди оғриниб у.
— Ҳей, кўп валдирайверма сен. Пахан келяпти, чироқ ёқилмаса ҳаммамизнинг оналаримизни уч кўргондан кўрсатади, — деди Тўхтаохун.

Ойдин чироқни ёқиши билан ташқаридан Иван кириб келди.

— Қалай, лочинларим. Ҳаммаларинг шу ердамисанлар?
“Ие, бугун паханнинг кўнгли чоғ-ку”, деб ўйлади Ойдин. Ичиб келса шунақа ширинсўз, мабодо ичмаса, оғзидан боди кириб, шоди чиқишини тўдадагилар яхши билишар эди.

— Ҳаммамиз шу ердамиз, — деди Шафхат лабларини ялаб.
— Ундай бўлса топганларингни ўртага қўйиб, ўтиринглар. Бугун бир-биримиз билан яхшилаб танишиб олайлик. Қани, айтинглари-чи, нега бу аҳволга тушиб қолдинглар? Қани, аввал “Антенна”, сен бошла!

— Мен ЖЭКда сантехник бўлиб ишлар эдим, — деб бошлади Тимофей сўзини. — Топганим ичиш-ейишимга етмаганидан сўнг, ўғирлик қилиб қамалдим. Турмада тўрт йил ўтириб чиқсам, оилам тарқаб кетибди. Хотиним уйни сотиб бошқа бировга тегиб, ўзга шаҳарга кўчиб кетибди.

— Нимасини яширай, мени ароқ йўлдан оздирди, — деди Тўхтаохун, — шу ароқни кўрсам, оғзим сув очиб, ичгим келади-да турлади.

— Татаристонда иш бўлмағоч, Қозоғистонга иш қидириб келган эдим, — деб бошлади гапини Шафхат. — Келган йилим, “Камаз”да Хитойга рангли металл ташидим. Шундай қилиб юрган кунларимнинг бирида, онангни... божхонадагиларнинг қўлига тушиб, ишдан ҳайдалдим. Ҳамма ҳужжатларимдан айрилдим.

— Мен бизнесмен бўлмоқчи бўлиб уйимни гаровга қўйиб кредит олган эдим. Ишларим ўнгидан келмай, бошпанамдан айрилиб, кўчада қолдим, — деди Пак.

Иван ияги билан ишора қилган эди, энди навбат сенга деди шекилли, Йўлдош сайрай кетди:

— Тагиндаги отинг билан хотинингга ишонма, деганлари рост экан. Мен савдо-сотик билан Ўролга бориб келсам... аёлим бошқа биров билан ётган экан. Иккаловини қип яланғоч ҳолда ушлаб олдим.

— Хўш, кейин-чи? — деди Тимофей сўлагини оқизиб.
— Ҳой, козел, гапнинг белига тепма, — деб жеркиб берди Шафхат.

— Бунақа пайтда қайси эркак чидаб тура олади, — деб гапини улади Йўлдош. — Миямга қон уриб, иккаласини ҳам ёриб ташламоқчи бўлиб, ҳамла қилдим. Қанча ётсанг ҳам қичиги қонмайдиган қанжик хотиним қип яланғоч аҳволда қўшниникига қочиб чиқиб жон сақлаб қолди. Ўйнашини эса чавақлаб ташлаб, судланиб кетдим.

— Сибирга нима учун борган эдинг? — деб сўради Пак.
— Ҳов каллаварам, шунга ҳам фаҳминг етмайди? Нимага борардим, тирикчилик. Сабзавот сотгани боргандим.

— Хўш, энди кимнинг навбати? А, Алиқ, сенинг навбатинг шекилли? — деб Иван Ойдинга тикилди. — Бўпти, бу ландовурни келганида яхшилаб теширганмиз. Етар.

— Пахан, энди ўзинг гапир... — деди Тимофей бироз чўчиб-роқ.

— Нима, мени тергамоқчимисан? — деди дўриллаб Иван.
— Пахан, — деди Иванга ўзини яқин олиб юрган Шафхат. — “Агар халқ хоҳласа, хоннинг туясини ҳам сўяди”, де-

ган гап бор.

Обдон ичиб, ҳалиги гапдан жаҳли чиқиб ўтирган Иванга “хон” деган сўз ёғдай ёққан эди.

— Вой онангинг... болалари! Майли, айт десаларинг айта қолай, — деди қўнқайган бурнини силаб. — Мен мана бу қалқангқулоқ билан тақдирдошман. Менинг дўстим ҳам, душманим ҳам ароқ.

“Қалқангқулоқ” дегани Тўхтаохун эканини ҳамма билар эди. Иван уни ўзига яқин олиб юргани ҳам шундай экани маълум бўлди.

— Бўпти. Бугунча шу кифоя қилар. Отбой! — деди Иван.
Шу гапдан кейин улар сирт кийимларини ҳам ечмасдан, уюлган хашак устига ёнбошлай бошладилар.

VI

Ойдин Иванларнинг тўдасида худди сутга теккан кучукдай қисилиб-қимтилиб икки ойча юрди. У ўздан анча-мунча кучилар орасида ажриқдан баланд, ёшандан паст даражада юрса-да, уларга қўшилиб кета олмади. Охири улар Ойдинни ўз сафларидан ҳайдаб тинишди.

Аввалги кўрганлари ҳозирги кўраётганлари олдида ҳолва экан. Унинг учун ҳақиқий дўзах ҳаёти энди бошланган эди: бир куни кечкурун омади юришиб, йўлдан бир ҳамён топиб олди. Олиши билан шошиб уни очиб қараса, не кўз билан кўрсинки, ичи тўла беш юзталиқ яп-янги кўм-кўк тангалар. Бу тасодифий бахтдан унинг боши айланиб, кўзлари тиниб кетди. Сал ўзига келиб, санаб кўрган эди, беш минг танга экан. Анчадан бери иссиқ овқат тамадди қилмай қоринлари қулдир-қулдир қилиб юрган эди, ўша орзусига етиш ниятида кўчанинг нариги бетидеги арзон ошхонага қараб кетди. Ўша заҳотиёқ елкасига хитойнинг ола халтасини осиб олган иккита безори уни қувиб етди.

— Хўв, козел, қани ҳалиги ҳамённи бу ёққа чўз! — деди кўзи кўпчиган сурбет йигит.

— Қанақа ҳамён! — деди Ойдин кўрқа-писа.

— Ҳалигина йўлда топиб олдинг-ку. Нима, бизни кўрмади, деб ўйлайсанми? — деб Ойдиннинг йўлини тўсди иккинчиси.

Ойдин гапга келмай ура қочди. Ҳалиги иккита барзанги сурбетлар уни қувиб етиб, ёқасидан олди. Ойдин қанчалик қаршилиқ қилмасин, уларга кучи етмади. Ҳалигилар Ойдинни йиқитиб, кирза этиклари билан роса тепкилашди. Шунда ҳам Ойдин ҳамённи маҳкам чангаллаганича миқ этмай ётаверди. Безорилар унинг қўлларига ёпишди, бироқ бармоқларини ёзиб ҳамённи тортиб олишолмади. Шунда безорилардан бири лезви билан Ойдиннинг бармоқларини тилиб юборди. Шундагина унинг бармоқлари ёзилиб, ҳамён пастга тушди. Ҳамён қўлларига теккан қўш безори жадал ошхонага қараб кетишди.

Ойдин қонли қўлини бироз ариқ сувига тикиб ўтирди-да, босилгач шу ўртадаги ҳовлилардан бирига кириб, катта дарахт тагига ёнбошлади. Бу пайтда атрофга зим-зиё қоронғулик тушиб, одамлар уйқуга кетган эди. Бироқ Ойдин анча вақтгача ухлаёлмади. Кейинги пайтларда кўрган хўрликларини зўрликлари кўз олдида бир-бир ўтди. Ҳатто Иванлар тўдасига қўшилишдан аввал анави Сайфуллин кўчасидаги иш-сизлар тўдасига иш топиш илинжида боргани, улар буни итдек ҳайдагани ҳам кўз олдида келди.

Бир ой муқаддам у ҳовлидаги ахлат яшиқларидан бир консерва банкаси топиб олиб, болаларча севинган эди. Унинг бу севинчи узоққа бормади. Сиртига “паштет” деб ёзилган бу банкани очиб, ошиғич тамадди қилди-ю жони азобда қолди. У заҳарланган эди. Сал бўлса ҳам омади бор экан, денг, бир ўлимдан қолди.

Унинг бундан кейинги кўрган азоблари ҳам озмунча эмасди. Кунлардан бирида тўйдан қайтиб келаятган бировлар ғирт уйқуда ётган Ойдинни расо тепкилаб уйғотишди.

— Хўв ярамас, тур йўқол бу ердан! — деди ғилай кўз, қориндор бир йигит. У худди бу ер маҳрига тушгандай ўлағайлар эди.

— Акажон, тонг отгунча ухлаб олай.

— Кет дегандан кейин кет-да. Подъездни ифлос қиласан! Ойдин ноилож судралиб, ташқарига чиқа бошлаганида

ҳалиги гилайнинг ёнида турган олифта аёлнинг:

— Войбў-ў, мана бу бомжнинг сассигини-чи! — деган гапни эшитиб қолди.

Подъезднинг темир эшиги шарақлаб ёпилди. Уйқуга қонмаган Ойдин ҳовлидаги гаражнинг ёнгинасига бориб қайта ёнбошлади...

Ўша кунни туш пайтида Ойдин ҳовлидаги ахлат қутиларни ағдар-тўнтар қилиб шиша йиғиб юрган эди. Бехосдан бир аёл товушини эшитиб қолди. Жуда таниш овоз. Бундай разм солиб қараса, не кўз билан кўрсинки, у раҳматли хотинининг курслош дугонаси Нағима экан. Ойдин у аёл узоқлашиб кетгунча, гўё бир зарур нарса қидираётгандай бўлиб, қутидан бошини олмай тураверди. Худди қумга бошини тикиб турган Африка туяқушидай. У ахлат қутиларини ковлай-вериб, унинг қўланса ҳидига обдон ўрганиб кетган бўлса ҳам, бу гал унинг кўнгли айниди. Ойдин кир-чир пиджаги билан тиззалари сузилиб қолган шимини тилиниб бир аҳволга тушиб қолган ногирон қўллари билан қоқиб-силкир экан, бундан кейин ҳаётининг яхши бўлмаслигига обдон кўзи етди. Ўзидан ўзи жирканиб, тақдирини лаънатлади. Йиғлагиси келди-ю, йиғлай олмади.

Бунақа умр кўргандан кўра ўлган яхши, деб ўйлади у.

Ўша кундан бошлаб “қандай қилиб ўлсам экан?” деган бир бемаъни хаёл унга ёпишди — қолди...

VII

Шаҳардаги дайди “бомж”лар тўдасига қўшилганига бир йил бўлганини Ойдин энди сезди. Ўтган йили кузда қўшилган эди-да улар сафига. Мана ҳозир кузнинг салқин ҳавоси, танани жунжиктиради. “Уч кундан сўнг дўзахга ҳам кўникасан”, деганларга рост экан. У ҳаммасига — очликка ҳам, азоб-уқубатларга ҳам кўникди. Шундай бўлса ҳам мана бу ёлғон дунёни кўзи қиймади, бир амаллаб судралиб юраверди. Мана энди охир оқибат бундан ҳам зерика бошлади.

Илгарилари, айниқса Савлега уйланган пайтлари ўлимдан биром кўрқар эдики... Савлеси билан Ойбаридан айрилганидан сўнг ўлимнинг юзига тик қарайдиган бўлиб қолди. “Бундай яшагандан ўлган ортиқ!” деган гап унинг калласига маҳкам ўрнашиб олди.

Ўша бемаъни ўйларининг натижасими, ким билади дейсиз, тушига Савлеси кирди. Худди илгарги бахтли онларига-дай, иккалови Медов томонларда сайр қилиб юрганмиш. Бир маҳал Савлени кучиб суймоқчи бўлса, у тутқич бермай қочармиш. Иккалови сой тагида жилдирабгина оқаётган лойқа сувни чалп-чулп кечишиб, қувлашармиш. Улар шу зайл Кўктепа атрофларига етиб келиб Кенгсойга тушганмиш. Чек-қароқдаги қабрлар олдига келишганда Савле юз тубан йиқилганмиш. Ойдин уни турғизмоқчи бўлганида чўчиб уйғониб кетди.

Негадир ўнг болдири сирқираб оғрир эди. Жон ҳолатда ташқарига чиқиб ёруғда кўрса, сонидан тухумдеккина гўшти узиб олинган экан. Ётар олдида бир дайди ит ҳамла қилгандай бўлувди. Ўша итнинг оғзида кетган экан-да тухумдеккина гўшти!..

Ойдин оқсоқланиб, эшик олдидаги скамейкага базўр келиб ўтирди. У нима қилишини билмас, кимдандир ёрдам сўрагиси келиб теварак-атрофга аланглади. Бирдан кўзи оёғи тагида ётган газетага тушди. Сонининг оғригидан юзларини бужмайтирганча зўрга энгашиб, газетани олиб кўз югуртирган эди, қараса “Олмаота оқшоми”нинг 2002 йилги бешинчи сони экан. Ички саҳифаларини ҳафсаласиз варақлаб чиққан бўлди, тўртинчи саҳифасида бирдан “Дарбадар дайдилар” деган мақолага кўзи тушиб қолди. Қани, нима гап экан, деб ўқий бошлади: “Шу кунларда кўча-кўйларда бошпанасиз, ишсиз дайдиб юрган бомжлар кўп. Уларнинг аксарияти тоғни урса талқон қиладиган кишилар. Ҳаммаси ҳам ароққўр, нашавандлар эмас, балки турмуш тарзининг оғирлигига дош беролмай жамиятдан четлаб қолган одамлардир. Уй-жойи, борар ери бўлмагани учун улар подвалларда, чердакларда,

кўчаларда ит ётиш, мирза туриш қилиб кун кечириб юришибди. Биз яшаб турган жамиятда дайдиларга гамхўрлик қилиш у ёқда турсин, уларга қайрилиб ҳам қарамайдилар. Шу боис, Россиядаги П.Демидов номли Давлат университетининг профессори Феодор Завьялов билан иқтисод фанлари номзоди Елена Спиридоновалар дайдилар ҳаётини ўрганишга жазм қилганлар. Уларнинг ёзишларига қараганда, дайдиларнинг 83 фоизининг қариндош-уруелари, 27 фоизининг ота-оналари, 64 фоизининг ака-укалари, 54 фоизининг бола-чақалари бор экан. Бу кўрсаткичлардан шунақа хулоса чиқарса бўлар эканки... буларнинг бари жамиятимизда имон-эътиқоднинг, меҳр-оқибатнинг камайиб бораётганидан далолат берармиш. Дайдиларнинг аксарияти хоҳлаган идорага ишга кирса бемалол эплаб кетадиган ўқимишли, зиёли одамлар экан. Уларнинг орасида иш юритувчилар, машинистлар, селсарлар, операторлар, пайвандчилар, электриклар ҳам бор экан. Бирон жойга, ишга кириб ишлай деса бошпанаси йўқ, ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмаган. Бошпаналаридан айрилганнинг сабаби — муқаддам судланганликлари бўлиб чиқди. Хўш, ундай бўлса қандай тирикчилик қилишади, деган гапга келсак, бунинг жавоби осон: уларнинг 43 фоизи дуч келган ишни қилиб кун кечирар, бошқалари шиша, металл, ёз ойларида эса олма, картошка ўғирлаб сотиб кун кўришар экан. Уларнинг бешдан бир бўлагигина ёши етгани ё ногиронлиги учун нафақа олишар экан. Топган пулларининг кўп қисми овқатланишга, ичкиликка, чилимга сарф бўлар экан. Дори-дармон, кийим-кечак, совун харид қилишларига қанча пул керак бўлади? Ўҳ-ҳў! Булардан ташқари дайдилар топган пулининг ўн етти фоизини газета ва журналлар харид қилишга сарфлар экан. Бу маъқул гап!”

Ойдин газетани скамейкага қўйиб, аста ён-верига қаради. Тонг ёришганига анча бўлган эсада, ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Ҳали газета ўқиётганда оёғининг сирқираётгани сал босилгандай бўлган эди, энди тагин оғрий бошлади.

Ойдин бироз ўйланиб ўтирди-да, кўпдан бери шуурига ўрнашиб қолган мундҳиш ўйи голиб чиқиб, қатъий қарорга келгандай бўлди.

Шу ўй, шу қарорга келгандан бери у ён чўнтагига ўткир пичоқ сотиб олган эди. Ўша пичоқни жон-жаҳди билан чўнтагидан суғуриб олдию қалтис бир ҳаракат билан тепага кўтарди. Эндигина чиқиб келаётган кўёш нурларида пичоқнинг ўткир тиғи аксишгула бериб нақ юрагига санчилди. Ойдин кўзларини чирт юмиб, охири журъатию кучини тўплаб қорнига тагин пичоқ солди.

У букчайганча шовуллаб қон оқиб, ичак-чавоқлари осилиб қолган қорнини қўллари билан босиб бироз ўтирди-да, сўнг шилқ этиб йиқилди. Шу заҳоти, Ойдиннинг назарида, ҳозиргина тундлашиб турган ҳаво бирдан ёришиб кетгандай, теварак-атрофни оппоқ туман қоплагандай бўлди. Ана шу оппоқ туман ичидан ёлғиз оппоқ оққуш учиб чиқди. У шеригини йўқлаб, мунгли-мунгли зорлаб қанотларини силкиб келарди. Унинг мунгли, зорли ноласи юрак-бағрингни ўртаб юборгудай хазин эди. Бур пасдан сўнг у ерга кўндию оппоқ ҳаррир кўйлак кийган Савлега айланди-қолди. У қўллари худди оққуш қанотларидай ёзиб Ойдинга талпинди. Ойдин ҳам уни бағрига олмоқчи бўлиб бор кучи билан олдинга интилди-ю юз тубан йиқилди...

Қайгу ва ҳасрат билан йўғрилган кунлар ортда қолди. Яна бир бегуноҳ одам фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди.

Кўёш чарақлаб чиқиб, теварак-атрофни нурга тўлдирди. Эй, дунёи гардун! Нурга йўғрилган бир бегуноҳ, аҳил оилани бутунлай барбод қилиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, уялмай-нетмай тагин ҳусни-тароватингни кўз-кўз қила бошладинг-а!

Шуми сенинг адолатингга раҳм-шафқатларинг?!

Қозоқ тилидан Носир ФОЗИЛОВ таржимаси





Арчаларнинг ёқимли бўйидан бошингиз айланган, беҳисоб паррандаю даррандага макон, тоғу тош кўксидан муздек булоқлар, сойлар оқиб ётган жаннатмонанд бир гўша бор. Кўрсангиз кўзингиз қувнайди, кўнгил яйрайди. Уни “Бойсун, Бойсунжон” дейишди. Одамлари ростгўй, сод-

НОЁБ ОДАМ

да ва гоҳи табиатидай асов. Оддий деҳқони ҳам зиёлинамо. Кўп китоб ўқийди. Шоиртабиат одамлар. Каттаю кичик янгиликка ўч. Тоғу тошлар орасида яшаса ҳам дунёдан, янгиликлардан беҳабар қоладиган анойи эмас улар. Жуда пухта, оқ-қорани таниган халқ, Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Усмон Азимдек валломатларни ҳам “Бойсунжон” аллаган, катта қилган. Бойсунликлар ўзининг мана шу фарзандлари билан фахрланадилар. Тўй-томоша, гурунларда ҳам уларни оғзидан туширмайди.

Бизнинг ҳам қоғоз қоралашдан ниятимиз ўша юртнинг севимли боласи Эркин Аъзам ҳақида икки оғиз илиқ сўз айтмоқ.

Азалдан маълумки, меҳнатсеварлик инсонни улуғлайди, унинг кадр-қимматини оширади. Эркин ака эса табиатангина ёки касб-корига кўра эмас, қалбан ҳам меҳнаткаш инсон. Бу одам сўзни англайдиган, ҳис қиладиган, сўзларни ўйнатиб, жўшиб ёзадиган ноёб хислат соҳиби. У ҳамиша сўзлардан ўринли фойдаланади. Бир неча саҳифани эгаллайдиган ҳолат ва фикрни сиқик, таранг жумлаларга сингдира олиш маҳоратини биллади. Эркин Аъзамнинг “Чироқлар ўчмаган кеча” ҳикоялар тўплами, “Отойининг туғилган йили”, “Олам ям-яшил”, “Жавоб”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Пақананинг ошиқ кўнгли”, “Кечикаётган одам” каби бир қатор қисса ва романлари тилининг равлонлиги ва самимийлиги билан ҳам ўқувчи қалбига кира олган. (Қолаверса, унинг асарлари бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган. Айрим қиссалари асосида эса “Чантриморе”, “Пиёда”, “Дилхирож” сингари қатор бадиий фильмлар суратга олинган). Ҳар сатридан самимият балқиб турган, юморга бой, завқ билан ўқиладиган бу асарларда ёзувчи ҳаётга, жамият тартиб-қоидаларига, кўйингки, қаҳрамонларига талабчан, гоҳ аччиқ киноя аралаш муносабатда бўлади.

Эркин ака 1972 йили Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугаллаган. Республика радиосида муҳаррир, “Гулистон” ва “Ёшлик” журналларида бўлим муҳаррири, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида таҳририят мудири вазифаларида ишлаган. 1992—94 йилларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Бугун эса ижтимоий-фалсафий йўналишдаги “Тафаккур” журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати...

— Бир пайтлар “Ёшлик” журнали ёстиқдек қалинликда чиқарди, — дейди Эркин ака журнал ҳақида гапира туриб. — Мақоладан тортиб шеър, ҳикоя, қисса, романгача сўзма-сўз таҳрир қилардик. Бу, албатта, кишидан жуда катта меҳнат ва сабр-тоқат талаб этади. Айрим қаламкашларнинг асарини бошдан-оёқ қайта ишлаган, ёзган кезларимиз ҳам бўлган. Ижодкор сўзга зуғум қилмаслиги керак. Сўзларни суйиб, эркалаб, эмин-эркин ҳаракатлантириб ёзиш лозим. Ўшанда ёзганларингиз ўзбекча чиқади, кўнгилга яқин бўлади. Бу яна кишининг қай даражада саводхон экани билан ҳам боғлиқ... Агар ёзувчи саводхон бўлса, ўқувчининг ҳам диди ўсиб боравереди...

Эркин ака бетакрор, ўзига хос услубда ёзади. Муҳими юракдан, юрак оҳангларига кулоқ тугиб ёзади... Ана шунақа. Эркин Аъзам ҳақида гапираверсак гап кўп. Яхшиси сиз унинг ёзганларини ўқинг...

Хосият РУСТАМОВА



Ишочимни оқламади Вақт!


Кўч

Гоҳо хийра тортиб таъбим,
Не юртларда қоқдим қанот.
Ҳеч кими йўқ аёл каби—
Яна Сенга келдим, Ҳаёт!
Минг қасамки,
Минг қасамки—
Охир Сенга юрак тўқдим.
Қанча мағрур турсам ҳамки,
Сенга чўқдим,
Сенга чўқдим.
Эрта-индин бошланар қор,
Паноҳим йўқ
Борай кимга?
Сени кўрдим парвардигор,
Жулдирвақи ҳаётимда.

Яшашга ҳеч кимдан
Олмайман рухсат,
Дунёни шар каби олдим қўлимга.
Худойим, фақат Сен
Журъат бер, журъат—
Ўзимни кўрсатиб кўяй ўлимга.
Тамом.
Ўтган умрим чиқди эсимдан,
Узоқ яшамоқни қилганимда аҳд.
Турли баҳоналар,
дашномлар билан—
Менинг ишончимни оқламади Вақт!

Ва яна тонг отди
кийимларимни,
Оқ...
оппоқ...
лаҳзада тўлишди бадан.
Кўзимдан яширдинг,
Сиймларингни—
Нақадар,
нақадар,
гўзалсан
Осмон!
Юмилган кўзимни юбординг
очиб,
Айтишга топилмас!..
Қанисиз, сўзлар?!
Қарасам...
Во дариг—зулматдан қочиб,
Ўзини бағрингга отажак кўзлар.

Сомерсет МОЭМ



ЧАНДИҚЛИ КИШИ

Ҳикоялар

АДИБ ҲАКИДА СЎЗ

Инглиз адабиёти тарихида машҳур ёзувчи ва драматург Сомерсет Моэм /1874-1965/ ижоди алоҳида ўринга эга. Адиб ўзининг асарларида қаҳрамонлар руҳий олами тереки очиб бергани, бадиий сўз имкониятларини юксак маҳорат билан намоиш этгани боис, жуда кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонди. С. Моэмнинг "Инсоний эхтиросларнинг уқубатлари" /1915/, "Ой ва чақа" романлари, "Давра" /1921/ сингари кўплаб пиесалар ва айниқса, 1926 йили нашр этилган "Казуарин дарахти" номли тўпламидан жой олган бир қанча ҳикоялари аллақачон жаҳон халқларининг талай тилларига таржима қилиниб, чоп этилган.

Сомерсет Моэм жаҳон адабиётида ихчам ҳикояларнинг моҳир устаси сифатида шуҳрат қозонган. Бу ҳикояларида ёзувчи китобхонни инсон руҳиятининг мураккаб дунёсига олиб киради, ҳаётга янгича назар билан - ҳам куюниб, ҳам кулиб қарашга мажбур этади. Адиб асарларига хос бўлган жонли, аниқтиник, ростгўй ва самимий тил уларнинг берилиб, катта қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган.

Куйида сизнинг эътиборингизга Сомерсет Моэмнинг "Айрис Пресс" /Москва/ нашриёти томонидан чоп этилган "THE MAN WITH THE SCAR and other stories" /"Чандиқли киши ва бошқа ҳикоялар"/ номли китобидан олиб таржима қилинган ҳикоялари ҳавола этилаётир.

ОҚ ЙЎЛ!

Ижод - сеҳрли, мураккаб жараён. Назаримда, Алишер бу соҳанинг катта масъулиятини ҳис қилади: у аввал адабиётимиз учун янгилик бўлган асарни таниб олади, кейин таржимага киришади. Таржима жараёнида ҳар бир сўзни ардоқлаб, қадрига етиб таржима қилишга, асарнинг мусиқасини сақлашга интилади. Бу - бошловчи қаламкаш учун яхши хислат. У таржимани қайта-қайта ишлашдан, унинг машаққатли меҳнатида қочмайди.

Сомерсет Моэмнинг куйидаги ҳикоялари одамнинг сийрати нақадар мураккаблиги, инсоннинг мураккаб олами ҳаққоний тасвирлаб бериш жуда-жуда мушкул иш эканини мана-ман, деб кўрсатиб туради.

Ўз ДЖТУ қошидаги академик лицей талабаси Алишер Отабевнинг мазкур таржималари сизга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Маҳмуд САЪДИЙ


ЁМОН КУНДА ЙЎЛДОШИНГ

Ўттиз йилдан бери яқинларимни ўрганаман. Мен уларни яхши биламан, деб айтолмайман. Ўйлашимча, биз учратган, танишган одамларга кўпинча юзига қараб баҳо берамиз. Жағнинг тузилиши, оғзининг бичими, кўз қарашларидан ҳулоса чиқарамиз. Одамлар ўзларининг инсон тўғрисидаги илк таассуротлари ҳар доим тўғри чиқишини айтишган пайтда елкамни қисаман. Ўзимга келганда, кўраманки, узоқ вақтдан бери билган одамларим ҳар гал: "Энг қалин дўстларим фақат шулар, бироқ улар тўғрисида ҳеч нарса билмайман десам тўғри бўлади", деб мени ҳайрон қолдиришади.

Бутун эрталабки газетадан Эдвард Ҳайд Бартоннинг Кобеда вафот этганини ўқиб, миямга шу фикрлар келди. У савдогар эди. Кўп йиллар Японияда яшади. Уни яхши билмасдим, бироқ кутилмаганда қизиқиб қолдим, чунки бир сафар у менга гаройиб бир улги улашди. Агар бу ҳикояни ўз оғзидан эшитмаганимда, унинг қўлидан шунақа иш келишига ҳеч ҳам ишонмаган бўлардим. Ҳикоянинг фавқулодда таъсирли чиқишига афт-ангорининг, феъл-атворининг қандайдир бошқачалиги сабаб бўлди. У жиккаккина одам: жуда озгин, сочлари оқ, қизил юзини ажин босган, кўзлари кўк эди. Менинча, танишган пайтларимда тахминан олтимиш ёшларда эди. Бартон ҳаммиша тоза, одми, ёши ва мартабасига мос кийинарди.

Идораси Кобеда бўлса-да, Бартон тез-тез Йокогамага келиб турарди. Бир гал кема кутиб бир неча кунни Йокогамада

ўтказишимга тўғри келган, шунда инглиз клубида уни менга таништиришди. Биз қимор ўйнадик. У ақлни ишлатиб, қурумсоқлик қилмай ўйнади. Ичимлик ичаётганимизда бир-икки марта гап қўшганини айтмаганда, ўша кунни уни гапирмади деса ҳам бўлади. Гаплари хийла баъмани эди. Ўзи эса хотиржам, қайфияти яхши эди. Чамаси, Бартоннинг клубда обрўси баланд эди. Чунки кетганидан сўнг қартабозлар уни зўр ўйинчилардан бири, дейишади. Бу воқеалар иккаламиз ҳам Гранд Отелда турганимизда рўй берди ва эртаси кунни у мени тушликка таклиф қилди. Мен унинг тўладан келган, ёши ўтиб қолган, доим кулиб турадиган хотини, икки қизи билан танишдим. Албатта, аҳил ва бир-бирига меҳрибон оила эди бу. Бартоннинг феъл-атворидаги мени ўзига тортган хислат хайрихоҳлик эди. Унинг беозор мовий кўзларида кишига хуш ёқадиган нимадир бор эди. Овози ипакдай майин, жаҳли чиқиб, овозини кўтарган ҳолатини тасаввурингизга сиздира олмасдингиз. Кулгуси ҳам жуда самимий, гўё меҳригўёси бор эди. Чунки сиз унинг муомаласидан ўзингизга хайрихоҳлик сезардингиз. Истараси иссиқ эди. Бироқ нозик табиатли деб бўлмасди: у қарта ўйини-ю, коктейлни яхши кўрар, ичак узар латифаларни қиёмига етказиб айтишни ҳам ўринларат, ёшлигида спорт билан ҳам оз-моз шугулланган экан чоғи, ўзига тўқ бу одам кўп пал толарди. У шундай кичкина ва беозор эди-ки, беихтиёр ёқтириб қолардингиз. Уни нимадандир ҳимоя қилгингиз келарди. У ҳақда "қўй оғзи-



дан чўп олмайдиған, ювош одам”, деб ўйлардингиз.

Бир куни тушдан кейин мен Гранд Отелнинг оромхона-сида ўтирардим. Деразалардан кемага тўла бандаргоҳнинг ажойиб манзарасини томоша қилса бўларди. Йўловчи ташувчи улкан пароходлар, турли мамлакатларнинг савдо кемалари, хитойча елканли кемалару бири у ёққа, бири бу ёққа сузиб юрган қайиқларгача кўриниб турарди. Бу жой жуда сершовқин эди, бироқ нимасидир кўнгилга таскин берарди.

Орадан кўп ўтмай оромхонага Бартон кириб келди. Мени кўриб, ёнимдаги курсига чўкди.

“Қиттак ичмаймизми? Нима дейсиз?”

У чапак чалиб югурдак болани чақирди ва икки стакан ароқ буюрди. Бола ароқни олиб келаётганда, кўчадан ўтиб кетаётган таниш мени кўриб қўлини силкитди.

“Тёрнерни танийсизми?” Мен ҳам унга бош сермаб салом берганимдан сўнг сўради Бартон.

“У билан клубда танишдим. Тёрнерни менга ватанидан келадиган пул ҳисобига яшайдиган муҳожирлардан деб ай-тишди”.

“Тўғри. Бу ерда шунақа муҳожирлардан бир талайи яшайди”.

“У қартани зўр ўйнаркан”.

“Уларнинг ҳаммаси яхши ўйнайди. Ўтган йили бу ерга бир йигит келганди, менинг фамилиядошим, мен билган одамлар орасида қартани энг яхши ўйнайдигани шу йигит эди. Сиз бунақасини Лондонда учратмагансиз. Исми Ленни Бартон эди”.

“Йўқ, Бунақа фамилияни эслай олмаяпман”.

“Ленни жуда зўр ўйинчи эди. У қартани худди олдиндан нима бўлишини сезаётганга ўхшаб ўйнарди. Ўйинини кўриб қойил қолганингиздан ёқа ушлардингиз. У билан кўп ўйнаб кўрганман. Ленни Кобеда ҳам анча вақт яшади”.

Бартон ароқидан ҳўплади.

“Бу анча кулгили воқеа. Ленни ўзи ёмон йигит эмасди. У менга ёқарди. Доим бинойидай кийиниб юрар, жингалаксоч, қизил юзли келишган йигит эди. Аёлларга жуда ёқарди. Бировга зиёни тегмасди. Лекин ўзини тийишни билмасди, бўкканча ичарди. Ўзи бу унга ўхшаган йигитлар учун одат бўлиб қолган. Уч ой деганда уйдан озгина пул келарди. Бундан ташқари, Леннининг ўзи ҳам қартадан оз-моз пул ютиб турарди. Мен унга яхши муомала қилардим.”

Бартон қулиб қўйди.

“Менинчга, ўзимга яқин олганим учун ҳам Ленни пулсиз қолганида олдимга келди. Албатта, бир куни у идорамга келиб, иш топиб беришимни илтимос қилди. Ҳайрон қолдим. Ленни уйдан пул юрормаи қўйишганини, энди ишламоқчи эканини айтди. Ундан ёшини сўрадим.”

“Ўттиз бешдаман”, деди.

“Авваллари нима иш қилгансан?” деб сўрадим.

“Айтарли ҳеч иш қилмаганман”, деди.

Бу гапини эшитиб қулиб юбордим.

“Мен сенга ҳозир ҳеч қандай ёрдам беролмайман, - дедим унга. - Яна ўттиз беш йиллардан кейин олдимга келсанг, сенга қандай иш топиб бериш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўраман.”

Ленни жойида қотди. Ранги оқарди. Бир оз гарангсиз турди-да, кейин анчандан бери қартада омади келмаётганини айтди.

Чўнтагида бир тийини йўқ эди: бор нарсасини гаровга қўйган. Яшаб турган меҳмонхона ҳақини ҳам тўлай олмасди. Меҳмонхонадагилар эса унга яна қарзга жой беришга рози бўлишмаган. У жуда ёмон аҳволда қолган эди. Агар бирор иш тополмаса, ўзини ўзи ўлдириши ҳам ҳеч гап эмасди.

Унга диққат билан қарадим. Ленни дармонсиз бир аҳволда турарди. Кўпи ароқ ичганидан кўриниши ҳам қартайиб қолган одамга ўхшарди.

“Қарта ўйнашдан бошқа яна бирор иш қўлингдан келадими?” деб сўрадим ундан.

“Сузишни биламан”, деди.

“Сузишни!”

Анграйиб қолдим. Бу шунақанги аҳмоқона жавоб бўлдики...

“Университетимнинг спорт жамоасида сузганман”.

“Ёшлигимда мен ҳам сузишни қойиллатганман”, дедим мен.

Шу пайт хаёлимга бир фикр келди...

Бартон ҳикоясини тўхтатиб, менга юзланди.

“Кобеда бўлганмисиз?”, деб сўради у.

“Йўқ, - дедим мен. - Тўғри, бир марта Кобедан ўтганману, лекин у ерда фақат бир оқшом тунаганман.”

“Ундай бўлса сиз Шиоя клубидаям бўлганмисиз? Мен йигитлик пайтимда шу жойдан сузишни бошлаб, маёқ ёнидан ўтганман ва Таруми қўлтигига сузиб борганман. Бу, уч милдан зиёдроқ масофани, маёқ атрофидаги кучли оқимга бас келиб, сузиб ўтиш анча қийин.”

Хуллас, мен ёш дўстимга бу ҳақда сўзлаб бердим ва “агар шу масофани сузиб ўтсанг, сенга иш топиб бераман”, дедим.

Таклифим Леннини эсанкиратиб қўйди.

“Сузишни биламан деб айтаяпсан-ку”, дедим мен.

“Лекин ҳозир яхши аҳволда эмасман-да”, деди у.

Мен ҳеч нарса демадим. Елкамни қисдим. Ленни менга бироз қараб турди-да, кейин бошини сермади.

“Бўпти, - деди у. - Қачон сузишимни хоҳлайсиз?”

Соатимга қарадим. Эндигина ундан ўтганди.

“Сузишга бир ярим соат вақтинг кетади. Мен ўн икки яримда қўлтиққа бориб, сени кутиб оламан. Кийиниб олишинг учун клубга қайтамиз. Кейин бирга тушлик қиламиз.”

“Келишдик”, деди у.

Биз қўл олишдик. Унга омад тиладим, у кетди. Ўша куни эрталаб ишларим қайнади, ўн икки яримда қўлтиққа базўр етиб бордим. Леннини кута бошладим. Лекин бекорга кутган эканман”.

“Сузишга юраги дов бермабдими?”, деб сўрадим мен.

“Йўқ. У сузишни бошлаган. Аммо ароқни кўп ичиб соғлигини ишдан чиқарган эди. Маёқ атрофидаги оқимни енгиб ўтолмаган. Леннининг жасадини уч кундан кейин топдик”.

Қанча вақт жим турганимни билмайман. Гангиб қолган эдим. Кейин Бартонга савол бердим:

“Унга иш таклиф қилган пайтингизда, чўкиб кетиши мумкинлигини билармидингиз?”

Бартон секин кулди-да, менга ўзининг меҳрибон мовий кўзлари билан қаради. Қўли билан иягини ишқалади.

“Ўзи ўша пайтда идорамда бўш жой йўқ эди”.

НОНУШТА

Мен уни театрда учратиб қолдим, имлаётганини кўриб, танафус пайтида ёнига бориб ўтирдим. У билан охири марта кўришганимга ҳам анча бўлганди, агар исмини айтиб чақирмаганида, ўйлайманки, уни танимаган бўлардим. У менга синчковлик билан мурожаат қилди:

“Ҳа, биринчи марта учрашганимизга ҳам кўп йил бўлди. Вақт қандай тез ўтади-я! Ҳечам ўзармабсан. Сен билан биринчи марта учрашганим эсингдами? Мени нонуштага таклиф қилгандинг.”

Эсимдами?...

Бу йигирма йил бурун бўлганди. Мен Парижда яшардим. Лотин кварталда¹ кичкина бошпанам бор эди ва ишлаб топган пулимга тирикчилигим аранг ўтарди. Хоним менинг китобимни ўқиб чиқди ва менга бу ҳақда хат ёзиб юборди. Мен унга миннатдорлик билдирдим ва кўп ўтмай ундан яна бир хат олдим. Хатда унинг Париждан ўтаётгани, мен билан учрашиш нияти борлиги ёзилганди. Лекин вақти чегараланган, фақат келаси пайшанба куни бўш бўларди. У мендан Фойотсда олдийги

1. Лотин квартали - Парижнинг талабалар, фақир мусаввирлар, ёзувчилар яшайдиган тумани.

на нонушта беришимни сўраганид.

Фойотс француз сенаторлари овқатланадиган жой бўлиб, ҳамёним кўтармаганидан у ерга боришни ҳатто ҳаёлимга келтирмаган эдим. Лекин менга хушомад қилдилар, мен эса аёл кишига “йўқ” дейиш учун ҳали жуда ёшлиқ қилардим. Ой охиригача тирикчилигим учун саксон франким қолганди, холос. Оддийгина нонушта эса ўн беш франкдан ошмасди. Агар кейинги икки ҳафта нафсимни кофедан тийсам, ишим жойида бўларди.

Уни Фойотсда, пайшанба куни, ўн икки яримда, кутишимни ёзиб юбордим.

Хоним мен ўйлагандек ёш эмасди. Афт-ангори унча кўримли эмас, ўзи хийла савлатли кўринар эди. У ҳақиқатан ҳам қирқ ёшларда эди, оппоқ дона-дона тишлари менга одатдагидан кўпдай туюлди. У сергап аёл эди. Мен эса мулойим-қобил тингловчи бўлишга тайёр бўлиб турдим. Чунки афтидан, у мен ҳақимда гапирмоқчи эди. Таомномани келтиришганда ҳайрон қолдим, чунки нархлар мен чамалагандан анча юқори эди. Лекин хоним мени тинчлантирди.

“Мен нонуштага ҳеч қачон овқат емайман”, деди у.

“Кўйсангиз-чи!” дедим ўзимни ҳимматли кўрсатишга уришиб.

“Фақат битта овқат ейман. Менингча, бизнинг замонамизда одамлар жуда кўп овқат ейишади. Имкони бўлса, озгина балиқ... Қизиқ, уларда лосос гўшти бормикан?”

Йўқ, бу пайтда лосос ови мавсумига ҳали эрта эди, бу таомномада ҳам йўқ эди, лекин мен официантдан бирорта бордир, деб сўрадим. Ҳа, уларда битта ажойиб лосос бор экан. Мен уни меҳмоним учун буюртдим. Официант: “Овқат тайёр бўлгунча бирор нима ейсизми”, деб сўради.

“Йўқ, - деди хоним. - Мен фақат битта таом ейман. Агар сизда озгина увилдириқ топилса, майли. Мен ҳеч қачон увилдириққа “йўқ” демайман”.

Юрагим “шув” этиб кетди. Увилдириқни ҳамёним кўтармаслигини билардим, лекин хонимга буни айти олмасдим. Официантга ҳарна қилиб бўлса-да увилдириқ келтиришни буюрдим. Ўзим учун таомномадаги энг арзон таомни танладим. Бу кўй гўштидан тайёрланган котлет эди.

“Менингча, сиз гўшни жуда яхши кўрсангиз керак, - деди у. - Билмайман, котлетдай қувватли таомларни егач, ишга қандай киришаркансиз. Мен ҳеч қачон ошқозонимни қийнамайман.”

Сўнгра ичимликдан гап очилди.

“Мен нонушта пайти ҳеч қачон ҳеч нарса ичмайман”, деди у.

“Мен ҳам”, дарҳол жавоб бердим мен.

“Оқ винодан ташқари”. У гўё мен гапирмагандек сўзини давом эттирди: “Бу француз оқ винолари шундай кучсизки. Бу винолар овқатни ҳазм қилдиришга жуда яхши”.

“Нимани хоҳлайсиз?”, сўрадим ундан.

“Шифокорим менга шампан виносидан бошқа ҳеч нарса ичишга рухсат бермайди”.

Афтидан, рангим озгина оқарди. Мен бир шиша буюрдим. Ўзимни хотиржам тутиб, шифокорим менга шампан виносини ичишни мутлақо тақиқлаганини айтдим.

“Ундай бўлса, сиз нима ичмоқчисиз?”

“Сув.”

У увилдириқ ва лосос гўштини еб бўлди. Кейин яйраб санъат, адабиёт, мусиқа ҳақида гапирди. Мен эса ҳисоб-китоб бўйича қанча тўлашми ҳақида ўйлардим. Кўй гўштидан тайёрланган котлетни тугаганида у деди:

“Кўриб турибман, сиз нонуштага қувватли таомларни тўйиб ейишга одатланиб қолгансиз. Бу нотўғри, албатта. Нима учун менга таассуб қилиб фақат битта таом билан қаноатланмайсиз? Аминманки, шундай қилсангиз ўзингизни жуда яхши сезасиз.”

Официант қўлида таомнома билан яна келганда, “Мен фақат битта таом емоқчиман”, дедим.

Хоним унинг нари кетишини ишора қилди.

“Йўқ, йўқ, мен нонуштага ҳеч қачон ҳеч нарса емайман. Фақат енгилгина тамадди қиламан, бундан ортиғини хоҳламайман. Мен ҳеч нарса ея олмайман, лекин агар уларда бирорта бундайроқ сарсабил бўлганда эди. Сарсабилдан бирорта емай Париждан кетсам афсусланган бўлардим.”

Юрагим шув этиб кетди. Мен сарсабилни дўконларда кўрган-дим ва ҳаддан ташқари қимматлигини билардим. Уларга кўзим тушса, кўпинча сўлагим оқарди.

“Хонимнинг билгилари келаётир, сизда сарсабилдан бирорта топилармикан?”, сўрадим официантдан.

Мен “йўқ” дейди деб умидландим. Унинг кенг юзига мамнун табассум ёйилди ва у мени шунақа катта, шунақа чиройли, шунақа юмшоқ сарсабиллар борлигига ишонтира кетдики, ханг-манг бўлиб қолдим.

“Мен зигирчаюм оч эмасман, - хўрсиниб деди меҳмоним, - лекин, модомики сиз қаттиқ туриб олган экансиз, сазангиз ўлмасин, сарсабил ейишга эътироз билдирмайман.”

Мен сарсабил буюрдим.

“Сиз ҳам емоқчимисиз?”

“Йўқ, мен ҳеч қачон сарсабил емайман.”

“Биламан, уни ёқтирмайдиган одамлар ҳам бор.”

Биз сарсабил тайёр бўлгунча кутдик. Мени ваҳима босди.

Гап унинг охиригача қанча пулим қолишадимас, ҳозир овқатга тўлашга етиш-етмаслигида эди. Мабодо ўн франкча етмас, меҳмонимдан қарз сўрашга тўғри келса, жуда ёмон бўларди. Бунга қурбим етмасди. Мен қанча пулим борлигини аниқ билардим ва агар тўлашга пулим етмас, қўлини чўнтагимга тиқиб, туйқусдан ваҳима солиб бақириб, иргиб ўрнимдан турарман, пулимни ўғирлашибди, дейман деган қарорга келдим. Ундан ҳам овқат ҳақини тўлашга етарли пул чиқмаса, у ҳолда соатимни қолдириб, кейинроқ қайтиб келиб тўлайман, дейишдан бошқа илож қолмасди.

Хуллас, сарсабилни келтиришди. Улар жуда катта ва иштаҳани кўзгатадиган даражада эди. Қиздирилган ёғ ҳиди димогимни қитиқлади. Хоним уларни қандай қилиб жигилдонидан ўтказётганини кузатдим ва одатдагидек хушмуомалалик билан Болқонда дараматургиянинг аҳволи ҳақида гап очдим. Ниҳоят у тугатди.

“Қаҳвами?” деб сўрадим.

“Ҳа, фақат музқаймоқ билан қаҳва”, жавоб берди у.

Менга энди барибир эди, мен ўзимга қаҳва ва унга музқаймоқ билан қаҳва буюрдим.

“Сиз биласиз, мен бир нарсага аминманки, - деди у музқаймоқни еб бўлиб, - икковимиздан биримиз овқатга муносабатни ўзгартиришимиз керак, биримиз эса жиндек кўпроқ ейишимиз ҳам мумкин.”

“Сиз ҳали ҳам очмисиз?” аранг сўрадим мен.

“О, йўқ, мен оч эмасман: кўриб турибсиз, мен нонуштага ҳеч нарса емайман. Эргалаб бир пиёла қаҳва ичаман, кейин тушлик, лекин ҳеч қачон нонуштага биттадан ортиқ таом емайман. Мен сизни гапирётган эдим.”

“О, тушуниб турибман!”

Кейин хунук воқеа юз берди. Биз қаҳвани кутиб турган пайтда, юзида сохта табассум билан катта-катта шафтоли тўла саватни кўтариб бош официант олдимизга келди. Бу пайт шафтоли пишадиған мавсум эмас эди. Уларнинг нархи бергина яратганининг ўзига аён. Мен ҳам билдим, бироқ сал кейинроқ. У гапини давом эттира туриб паришонлик билан шафтоли олди.

“Биласизми, сиз қорнингизни гўшт билан тўйдириб олдингиз, энди ҳеч нима ея олмайсиз. Мен озгина овқат тановул қилдим, шунинг учун шафтоли еб маза қиламан.”

Тўлашим керак бўлган ҳисобни айтишди. Тўлаётганимда чўнтагимдаги пулим базўр етишини кўрдим. Унинг кўзлари бир лаҳза мен официантга берган уч франкка қалалди ва билдимки, у мени ўтакетган ҳасис одам, деб ўйлади. Бироқ ресторондан чиққан пайтимизда ҳали олдимда бутун бошли бир ой бор, чўнтагимда эса бир пенни ҳам йўқ эди.

“Мендан ўрناق олинг, - деди у биз қўл сиқшаётганимизда, - ва ҳеч қачон нонуштага биттадан кўп овқат еманг.”

“Мен бундан ҳам яхшироқ қиламан, - жавоб бердим мен. - Бутун тушликка ҳеч нарса емайман.”

“Қизиқчи, — хурсандчилик билан хайқирди у, файтунга иргиб чиқиб. - Сиз ҳақиқий қизиқчисиз!”

Ниҳоят мен ўчимни олдим. Ҳозирги кунда унинг вазни йигирма бир stone’.

1. 21 stone - 133,3кг. /stone- инглиз оғирлик ўлчови - 6,33кг/



ЧАНДИҚЛИ КИШИ

Дастлаб юзидаги чандиғи туфайли у менинг эътиборимни тортганди. Чандиқ энли ва қизғиш бўлиб, унинг иягигача тушганди. Бу чандиқ хунук жароҳатдан далолат берар ва мен уни қилич ёки снаряд парчасининг иши бўлса керак, деб ўйлагандим. Бу ерларда унинг тўладан келган, қулимсираб турадиган юзи кўзга ғалати кўринарди. Унинг юз бичими қорувли гавдасига номутаносиби эди. Келбатидан ўрта бўйли одамларга қараганда кучли кўринарди. Мен уни доимо кўп кийилган куларан костюмда, мошранг кўйлак ва соябони катта эски шляпада кўрардим. Афг-ангори хийла кир эди. Ҳар куни одам гавжум пайтида у Гватемала Ситидаги Палас Отелга келар ва лотерея билетларини сотишга уринарди. Мен ҳеч қачон бирор киши бу билетларни сотиб олганини кўрмаганман, аммо гоҳи-гоҳида унга ичиш учун бирор нарса таклиф қилишаётганига кўзим тушарди. У столлар орасидан юрар, бироз қулимсираган қиёфада ҳар бир стол олдида тўхтаб, лотерея билетларини таклиф қилар ва ўзига эътибор беришмаган пайтларда худди шундай табассум билан нари кетарди. Назаримда, у кўпинча ширакайф юрарди.

Бир куни кечкурун танишим билан қовоқхонада ўтирганимизда ўша чандиқли киши бизнинг олдимизга келди. Адашмасам, бу ерга келган пайтларимдан бери йигирманчи мартадир, у менга лотереяларини чўзди. “Йўқ” деган маънода бошимни чайқадим. Лекин ҳамроҳим илтифот билан унга салом берди.

“Ишлар қалай, генерал?”

“Унча ёмон эмас. Бизнес юришмаяпти, лекин бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди”.

“Нима ичишни хоҳлайсиз, генерал?”

“Бренди”.

У брендини ичди ва қадаҳни қайтиб пештахтага қўйди. Ҳамроҳимга қараб бош ирғади.

“Раҳмаг”.

Шундай деб у ортига бурилди ва биздан нарироқда турган одамларга лотереяларини таклиф қила бошлади.

“Дўстинг ким? - сўрадим мен. - Юзидаги чандиғи жуда ваҳимали-ку”

“Ҳа, чандиқ унинг хуснига ҳусн қўшмаган, тўғрими?..”

У никарагуалик қувғинди. Йўлтўсар ва бошқинчи бўлгани билан барибир ошна сифатида ёмонмас. Гоҳи-гоҳида мен унга озроқ чақа бераман. У исёнда қатнашган, кўзғолончилар қўшинида генерал эди. Агар ўқи тугаб қолмаганида, ҳукуматни ағдарарди ва ҳозир у Гватемалада лотерея сотиб юриш ўрнига ҳарбий министр бўларди. Уни штаби билан бирга қўлга олишиб, ҳарбий судда суд қилишди. Ўзинг биласан, бу давлатларда бунақа ишларни ҳаш-паш дегунча тинчитишади. У тонгда отувга ҳукм қилинди. Назаримда, қўлга олингандаёқ у ўзини нима кутаётганини билган. Ҳукм ижро этиладиган пайтгача у вақтни турмада ўтказди. Қамоқхонада улар жами беш киши эди, ҳаммалари вақтни покер ўйнаб ўтказишди. Ютуқни ҳисоблашда улар гугурт чўпларидан фойдаланишди. Айтишича, ҳаётда ҳеч қачон бунчалик омадсизликка учрамаган: у кетма-кет, бутун ўйин давомида ютқазди. Тонг отиб, аскарлар қамоқхонадан уларни қатл қилиш учун олиб чиқишга келишганларида, у бир одам ҳаётида ишлатиши мумкин бўлганидан ҳам кўпроқ гугурт чўпини бой берганди.

Улар қамоқхона ҳовлисига олиб чиқилди ва бешови ҳам ёнма-ён, деворга тираб тургазилди, қуролланган гуруҳ уларга юзма-юз турарди.

Орада озроқ танаффус бўлди ва ошнаимиз гуруҳни бошқарётган офицердан нима учун уни кутишга мажбур қилишаётганини сўради. Офицер қўшин қўмондони - генерал қатлда иштирок этишга хоҳиш билдирганини ва унинг етиб келишини кутишаётганини айтди.

“Демак, битта сигарет чекиб олишга вақтим бор экан”, деди бизнинг ошнаимиз.

Бироқ у эндигина сигаретини ёндирганида генерал ҳовлига кириб келди. Одатдаги расмиятчиликлар бажарилди ва генерал маҳкумлардан: “Қатл ижро этилишидан аввал қандай тилакларинг бор?” деб сўради. Беш кишидан тўрттаси “йўқ” дегандек

бошларини чайқашди. Лекин бизнинг ошнаимиз:

“Ҳа, мен хотиним билан видалашсам дегандим”, деди.

“Яхши, — деди генерал. — Бунга эътирозим йўқ. У қаерда?”

“Қамоқхона эшиги олдида кутиб турибди”.

“Беш минутдан кўп вақт бермайман”.

“Бу вақт етиб ортади, жаноб генерал”.

“Уни четга олиб чиқинглар”.

Иккита аскар олдинга чиқди ва маҳкум исёнчи уларнинг ўртасида, кўрсатилган жойга юриб борди. Генерал бош ирғаб розилик берганидан сўнг, қуролланган гуруҳни бошқарувчи зобит отишга буйруқ берди ва тўрт киши йиқилди. Улар ғалати тарзда, бирин-кетин, бесўнақай ҳаракатлар билан йиқилишди. Худди жонсиз кўғирчоқдай. Офицер уларга яқинлашди ва битта чалажон маҳкумнинг устига келиб, револверини бўшатди. Бу пайт ошнаимиз сигаретини чекиб бўлди.

Дераза қия очилди. Аёл ҳовлига тез-тез юриб кирди, кейин кўққисдан қўли кўксига, тўхтади. У йиғлаб юборди ва узатилган қўллари билан олдинга югурди.

“Жин урсин”, деди генерал.

Аёл қора кийимда, сочларида тўр, юзи эса мурданикидек оппоқ оқариб кетган. У буй етган қиздан бироз каттароқ кўринар, кичкина чиройли юзли ва катта кўзли хурлиқо эди. Югурганида өззининг хиёл очилгани ва чиройли юзидаги изтироб унга шундай назокат бағишладики, ҳатто қараб турган безъибор аскарлар ҳам ҳайратдан “эх” деб юборишди.

Исёнчи уни қарши олиш учун бир-икки қадам олдинга юрди. Аёл ўзини унинг қўлларига отди ва “жоним” деган эҳтиросли ҳайқириқ билан исёнчи лабларини унинг лабларига босди. Шу пайт у йиртиқ кўйлаги ичидан пичоқ суғуриб олди - ҳайронман, қандай қилиб у пичоқни яшириб юришни уддалаган экан - ва аёлнинг бўйнига пичоқ урди. Кесилган шохтомирдан тирқираб қон отилди ва исёнчининг кўйлагини бўяди. Кейин у қўллари билан аёлни маҳкам ушлаб, лабларини унинг лабларига босди.

Бу шунчалик тез рўй бердики, кўпчилик нима бўлганини англамай ҳам қолди, лекин бошқалар даҳшатдан бақириб юборишди: аскарлар олдинга сакрашиб, уни ушлаб олишди. Қизни эса ерга ётқизишди, бироқ энди қонни тўхтатишнинг иложи йўқлигини билишарди. Бироздан кейин қизнинг олдида тиз чўкиб турган офицер ўрнидан турди.

“Қиз ўлди”, пичирлади у.

Кўзғолончи чўқиниб олди.

“Нима учун бундай қилдинг?”, сўради генерал.

“Мен уни севардим”.

Тўпланиб турган одамлар “оҳ” тортиб юборишди ва таажуб билан қотилга қарашди. Генерал сукут сақлаб, унга бироз тикилиб қаради.

“Бу мардлик, - деди генерал ниҳоят, - мен бу одамни қатл этолмайман... Машинамни олиб уни чегарага элтиб қўйинглар. Мен сени ҳурмат қиламан, сеньор. Чунки бир жасур эркак бошқа жасур эркакни ҳурмат қилиши керак”.

Исёнчи бир сўз демай, икки аскар ўртасида, кутиб турган машинага қараб юрди.

Дўстим гапиришдан тўхтади ва мен жимиб қолдим. Айтишим керакки, у гватемалалик эди ва менга испан тилида гапирди. Мен ҳам унинг айтганларини қўлимдан келганча сизга ҳикоя қилдим, бироқ унинг анча бўрттирилган нутқини ўзгартиришга уринганим йўқ. Ростини айтганда, менингча, бу ҳикоя ярашади.

“У чандиқни қандай қилиб орттирган?” - сўрадим мен ниҳоят.

“Ў-ў, бунга шиша бутилка сабаб бўлган. У очаётган пайтда идиш ёрилиб кетган. Занжабил виносининг идиши”.

“Бу нарсани умуман ёқтирмайман”, дедим мен.

*Инглиз тилидан Алишер ОТАБОЕВ
таржимаси*

ОЛИЙ АДАБИЁТ КУРСИ: Бугун, эртага

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг филология факультети ўқув база-сида Олий адабиёт курси ташкил этилганига яқинда икки йил тўлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-сининг ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган бу курс ўтган давр мобайнида қандай самаралар берди, кимлар қабул қилинаётир, ўқитиш ва ўқиш натижалари қандай деган бир талай саволлар «Ёшлик»хонларни қизиқтириши табиий, албатта.

Тингловчилар сафида бугун адабиётда ўзларининг янграқ овозларини танитиб улгурган Хосият Рустамова, Гулжамол Асқарова, Беназир, Гулбаҳор Ортиқхўжаева, Ориф Ҳожи, Даврон Ражаб каби шоирлар, Маяғўзал Чориева, Жаҳонгир Холмирзаев сингари наср қалами ихлосмандларда катта умид уйғотаётган ёзувчилар ҳам бор. Зеро, бошқа тингловчилар ҳам бу қутлуг даргоҳга не бир чиғирғу синовлардан ўтиб, адабиётни тақдирига муштарак билган ёшлар ҳисобланади. Охир қутилган натижа эса замонавий ўзбек адабиётини ёш, билимли, истеъдодли ёшлар асарлари билан бойитиш, керак бўлса дунё адабиёти билан бўйлаштиришидир.

Шу маънода тахририятимиз Олий адабиёт курси тингловчиларига бир қатор анкета саволлари билан мурожаат этди. Қуйида Сиз мазкур саволларга йўлланган жавоблар билан танишасиз.

Дунё ўзбек миллатини адабиёт билан ҳам танимоғи керак. Табиийки, бу орзунинг ушалиши истеъдодли адабий шахсиятларга боғлиқ.

Мутлақо бугунги куннинг табиий эҳтиёжи ўлароқ Миллий Университетимиз қошидаги Олий Адабиёт курси ана шундай истеъдод эгаларини қайсидир маънода тарбиялаш учун, айнан бадиий диди, эстетик олами камолоти учун ташкил қилинган.

Сўз амали билан, қарор ижроси билан гўзал. Орзу-ният бошқа, унинг рўёбга чиқиши, “истеъдод” сифати билан Курсга қабул этилган ёш ижодкорларнинг кўнгилдагидек таҳсил олиши муҳим.

Бу курс ижод сирларига ташна ёшларнинг билим олиши ва айниқса, вилоятлардан келадиганлар учун адабий-илмий муҳит билан танишишлари учун имкон беради. ОАКнинг ўз махсус ўқув-режаси, қабул қилиш қоидалари ва Низоми бор. Уларнинг мазмун-моҳияти, режадаги фанлар ва ўқув соатлари ҳажми икки йил давомида тингловчиларни маълум даражада шакллантиришга қаратилгани ҳам аниқ. Аммо бу Курс келажаги учун, аввало, унинг иқтисодий муаммолари ҳал қилиниши лозим, деб ўйлайман.

Баҳодир КАРИМОВ,
ОАК декани


1. Олий Адабиёт курсида таҳсил олиш сизга нима берди?
2. Бадиий савиянгиз ўсишига таъсири бўлди деб ўйлайсизми?
3. Вақт бемалоллиги, яъни эркин дарс жараёни сизга ёнади-ми?
(Ўқитувчиларнинг каттиқкўл эмаслиги)
4. Талабаликдан сўнгги талабалик қандай бўларкан?
5. Олий Адабиёт курси, ўзингизнинг ижодий ютуқларингиз ҳақида нималар айтаоласиз?
6. Ўқитиш усули, устозларга бириктириб қўйишни самарали деб ўйлайсизми?
7. Умуман, ўқитиш тизими сизга маъқулми ёки бошқача таълифларингиз ҳам бор-ми?

Ориф ҲОЖИ:

1. Кўп нарса. Аввало, улуғ устозларнинг беназир сабоқларини, мамлакатимизнинг кўзга кўринган қалам-кашлари билан бўлган бир қанча бебаҳо суҳбатларни, сабоқларни. Бош кентимиз ижодий муҳити, ижодкорлар ҳаёт ва хаёл тарзини кузатиш, ўрганиш, хулоса қилиш имконини берди. Яна нималар берганини ҳали ўзим ҳам тўлиқ ҳис этиб улгурмагандирман, балки.

2. Ҳа. Баёнимда равонлик, турконалик юзага келди, назаримда.

3. Дарс Олий адабиёт курсида мутлақо эркин бўлиши керак. Бу менга маъқул. Бу ерда ўқиётганлар ўзига керакли бўлган маълумотларни ҳар қандай баҳода бўлса-да, олади. Муҳтож одамнинг бу курсда ўқиши мантиқсизлик. Биз устозларнинг ҳар бир дарсига чанқоқлик билан бордик ва дарслардан сероб бўлиб қайтдик. Кейин инсонни эркига, ҳуқуқига дахл қилинмаслиги унинг



қалбида меҳр туғдиради. Меҳр билан бажарилган иш ҳар қандай қаттиққўлликдан кўра баракалироқ бўлади. Айниқса, ижодий иш.

4. Оғир бўлар экан, аммо ўзига яраша гашти ҳам бўлар экан.

5. Олий адабиёт курси ўтган бир йилдан сал зиёдроқ вақт мобайнида анча-мунча ишларни амалга оширди. Хосиятнинг туркум-туркум шеърлари, Маяғўзалнинг, Жаҳонгирнинг ҳикоялари, Нилуфарнинг яхши мақолалари, Давроннинг, Неъматнинг, Беназирнинг ширин-ширин шеърлари матбуотда тинимсиз чоп этилиб турди. Телевидение, радиодан янграб турди. Шулар қаторида каминанинг ҳам шеърлари, ҳикоялари чоп этилди. “Янги оҳанглар” китобим босилди.


6. Албатта. Ахир, устоз кўрмаган... деган гаплар бор. Бу нарсани ривожлантириш керак деб ўйлайман.

7. Умуман маъқул. Айрим мулоҳазаларим ҳам йўқ эмас. Курс талабалари учун аудитория дарслари етарли эмасдай.

а) Ватанни кўриш учун экскурсиялар, ижодий таътиллار уюштирилиши керак;

б) Қардошлар ижоди билан танишишнинг йўллари йўлаб кўриш керак;

в) Бу курснинг ўз наشري — газетасини чиқариш ҳақида ўйлайдиган вақт келди. 15-16 ижодкор биргина газетани обод қилиб тинимсиз ижод қилиши яхши натижа бериши мумкин.



Акмал ИКРОМОВ:

1. Илмга шўнғиган одам қанчалик кўп ўқиса, кўп ўрганса, шунча билмаслигини ҳис қилиб боради. Биз биладиган дунёнинг жумбоқлари кўп, бу эса ўқиган сайин одамни эсанкиратиб қўяди. Бизга Олий Адабиёт курсида ўқиш кичкина бўлсада, ижодий муҳитда ўзимизни, ўзлигимизни англашимизга ва кўпроқ, ва яна кўпроқ билишимиз учун ўқиб ўрганишга ундапти.

2. Билмадим, аммо одам ҳар қадамда ўзи учун зарур нарсани, албатта керакли бўлса, олишга ҳаракат қилади.

3. Бу ерда ўтилатган дарслар зеркишдан узоқлаштиради. Дарслар охираганини сезмай қоламиз баъзида, бошқаларни билмадимиз менга ёқади. Ўқитувчи ўқувчини ўзига чиройли, яхши сўз билан кўпроқ қаратиб олади. Қаттиққўллик одамларни кўпинча бир-бирига ёмон кўрсатиб қўйишига сабаб бўлади.

4. Нима дейиш мумкин. Умуман яхши.

5. Ҳаракат қилаяпман, янги нарсалар ёзишга, ёзишнинг эса ўзи бўлмайди, ёзиш бекорчиликдаги эрмак эмас, ижодий ютуқлар ҳали олдинда...

6. Самарали бўлса керак.

7. Ўқиш тизими ҳозирча маъқул. Албатта, яхши бўлади. Муҳими бизни эшитадиганлар, тинглайдиганлар бор, бошловчи, ёзувчи-шоир учун энг кераклиси шу.

Шухрат ТОҲИР:

1. Адабиётнинг ҳали мен кирмаган майдонларига йўл очиб берди деб ўйлайман.

2. Чуқур илм эгалари бўлган адабиётшунос устозларнинг сабоқлари бадий савияга ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

3. Эркин ижодкор учун худди шундай бўлиши керак.

4. Курсдошларнинг ҳаммаси ижодкорлиги аввалги талабаларидан ажралиб туради.

5. Ютуқлар ҳақида бир нарса дейиш қийин. Чунки ёзилган ҳар янги шеър ёки асар ижодкорга энг яхшидай туюлади.

6. Муҳими илм олиш.

7. Таклифлар... ҳозирча йўқ.

Гулжамол АСҚАРОВА:



1. Мен ҳам таҳсил олиш жараёнидаман. Руҳимда инқилоб ясамаса ҳам, ҳар қалай ўзим билмаган, билишни хоҳлаган нарсаларни ўрганипман.

Агар олий Адабиёт курси ташкил этилмаганда биз Абдулла Улуғовдек, Нурбой Жабборовдек беназир устозларнинг суҳбатидан, сабоқларидан баҳраманд бўла

олармидик?

Ҳаётнинг майда-чуйда ташвишлари баъзан одамни ўзлугидан, қисматим деб билган азиз Сўздан ҳам узоқлаштиргандек бўлади, бироқ бу курс, ундаги сабоқлар менга адабиёт қисматим эканини, бу майдонда яшаш учун жуда катта қалб, истеъдод кераклигини мутғасил англади туради.

2. Одам бўйи бўйинг билан тенг одамлар орасида ўз бўйи баландми, пастми эътибор бериб ётмайди. Қачонки, ўздан бўйи баланд одамлар орасига тушса, бўйи баланд бўлишини истайди. Олий адабиёт курсидаги таҳсил олаётган дўстларим билан бўйим тенглигимни бадий савиям ҳақида ўйламабман. Бадий савияга муҳитнинг таъсири каттада...

Яқинда У. Ҳамдамнинг “Бадий тафаккур тадрижи” деган китобини ўқидим. Шу китобда ўзимда кечаётган жараёнларнинг руҳимдаги ўзгаришларнинг асл сабаб ва моҳиятини топгандай бўлдим. Бадий савиямга дарсларнинг у қадар таъсири бўлгани йўқ, бироқ баҳсларнинг, ижодий таҳлилларнинг таъсири бўлди. Кўп нарса ўқишим кераклигини, билганларим ҳали ғариб эканини англадим...

Ижодкорларнинг бадий савияси унинг руҳияти, тафаккури билан боғлиқ. Бу жараён кўпроқ одамнинг боғинида кечади деб ўйлайман.

3. Бизнинг ёшимиздагиларга қаттиққўлликни қўллаш шарт эмас деб ўйлайман. Чунки биз ўзимиз ўзимизга қўллашимиз керак бу одатни. Қолаверса, биз ўзимиз учун ўқияпмиз-ку... Лекин бу дегани бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйишсин дегани эмас... Ҳамма нарса эътиборда улғайди, қадрланганда ўсади. Бизга ҳамма маънода қаттиққўлликдан кўра Эътибор керак...

4. Талабалардан кейинги талабалар менга ҳозир узоқ йўлдан чарчаб келиб, яна узоқ йўлга сафарга отланган одамнинг толиқишини эслатади. Ҳаммаси жойида бўлса-ку... Билмадим, менда талабалар ҳар доим қийин кечган...

Яхши дарсларгина мени овутади...

5. Олий Адабиёт курси бизга гулнинг ўсиши учун нур керак бўлгани каби керак. Бизга мана бу талотўп бир замонда, адабиётнинг қадр ва таъсири арзонлашган

бир даврда бизнинг руҳимизни, адабиётга, шеърятга бўлган чексиз меҳримизни омон асраб қоладиган бир Нажоткор ўрнида ҳам бу курс керак. Ўз ижодий ютуқларим ҳақида гапириш қийинроқ. Муҳими ёзаяпман. Халқ орасида жуда кўп мухлисларим борлигини сезаяпман, билмадим, бу ижодий ютуққа қирадимми, йўқми...

Китоб чиқаролмай оввораман... Бори шу... "ютуқ"ларимнинг...

6. Биз тил ўрганаётганимизда бу мумкин эди. Менимча устозларга бириктириб қўйиш шарт эмас. Чунки, таҳсил олаётганларнинг барчаси ўз қалбига, ўз йўлига ҳамона ҳанг ижодкорларни билади. Устозинг билан кечган суҳбатнинг ўзиёқ одамга сабоқ, илм эмасми? "Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир" деган эди Нақшбанд бобо. Менимча, эркин дарс жараёни, илмли домлалар, дарсларни ташкил этишдаги маромнинг бузилмаслигининг ўзи бизга етарли.

7. Ўқитиш тизими маъқул, бироқ бу жараёндаги сусткашлик одамни зериктиради. Қолаверса, биз талабаларнинг барчамизда тилладан тоғимиз йўқ. Моддий аҳволни (степендияни) ҳам бошқача ташкиллаштириш керакми деб ўйлайман. Ҳаммаси яхши изга тушиб кетса Олий адабиёт курсининг нуфузини оширишга биз ҳам ҳаракат қиламиз. Олий адабиёт курсига вилоятлардаги, чекка қишлоқлардаги истеъодли ёшларни қабул қилишнинг бошқача бир йўллари топиш керак.



Гулбахор ОРТИҚХУЖАЕВА:

1. Янгича муҳит. У худди тоза ҳаводай фойдали. Дарс бўлган кунлар менда яхши бир китоб ўқигандай таассурот қолдиради. Баъзида нимадир етишмайдигандай туюлади. Назаримда, бир хилликни хилма-хилликка алиштириш керак. Ижодкорнинг ҳар бир куни бесамар кетмагани яхши.

2. Фойдаси бўлапти. Катта йўлнинг бошида турган йўловчига ўхшайман. Қўзлаган манзилимга етиш учун икки йиллик муддат фақат таралдуд жараёни бўлиб қолмаслигига умид уйғонди.

3. Чиндан ҳам домлалар қаттиққўл эмасга ўхшайди, ҳатто мактабдагидан ҳам. Эркинликка нима етсин.

4. Мен учун ҳақиқий талабалик энди бошланди.

5. Дастлабки дарслар давомида нималарни ёзмаслигим кераклигини тушуниб олдим. Тўғри, ҳамма вақт ҳам бошқаларнинг фикрига қараб иш тутмаслик керак. Лекин фойдали гапларни инobatга олишнинг ҳам зарари йўқ. Таҳсилдан кейинги таътилнинг таъсири бўлдими, янги йилда аввалгидан кўра кўпроқ ёзаяпман.

6. Дарсларнинг суҳбат асосида ўтиши самарали. "Шогирдни устоз эмас, устозни шогирд танлайди" дейдилар. Кўнгил куйингизнинг биринчи тингловчиси устозингиз бўлса, мақтов эмас, кўпроқ танқид фойдали.

7. Курсимизнинг иш бошлаганига эндигина 2 йил бўлапти. Қолаверса, Москвадаги адабиёт институтида ўқиган ижодкорларимиз бор, улар билан бамаслаҳат иш кўрсак, янгиларни соғиндик.

Тўхли ҚЎШОҚОВ:

1. Менинг адабиётга бўлган қизиқиш ва ижод жараёнини юксалтирди.

2. Ҳали олдинда бари...

3. Эркинлик ҳар бир мавжудотга ёққани каби, бу эркин ўтаётган дарслар жуда ёқди.

4. Мен илгари талаба бўлмаганим сабабли талаба ҳаётини шу курсда кузатаяпман.

5. Ҳали бошқаларга маълум бўлмаган ўзимнинг олий адабиётдан ортирган бир қанча ютуқларим бор.

6. Бу тўғрида аниқ бир нарса деёлмайман.

7. Бу борада маъқулдан бошқа сўз айтишга ожизман.

Шухрат НАСИМОВ:

1. Олий Адабиёт курсининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Унда таҳсил олишим фикр доирадаги қобиларни бузиб ташлади. Янги ранглари кашф эдим. Воқеликлари ўзгача бўёқларда кўра бошладим. Адабиётнинг сирли оламига элтадиган нурли йўллари кўрсатиб қўйди. Кўпгина ижодкор дўстлар орттирдим. Зиммамга катта масъулият юкланди. Ҳаётимда кечаётган ижодий жараёни тезлатдим.

2. Бўлди. Бирор мақола, шеър ёки китоб ўқисангиз, маълум маънода тафаккурингиз ўсади. Биз ўқиш давомида мумтоз ва ҳозирги замон адабиётимизни, жаҳон адабиётини қайтадан ўқиб чиқмоқдамиз. Ҳар бир ёзувчи ва шоирлар ижодини ўзаро таҳлил қилиб бораёпмиз. Бадиий санъатлар ва жанрлар техникаларини пухта ўрганмоқдамиз.

Ҳар ҳафтанинг сешанба куни таниқли ёзувчи, шоирларни таклиф қиламиз ёки бирортамизнинг ижодимизни муҳокама қиламиз. Гуруҳдошлар бир-биримизни аяб ўтирмаймиз, камчиликларни рўйи-рост айтаверамиз.

3. Нимага энди, қаттиққўл ўқитувчилар бор, вақт ҳам бемалол эмас. Масалан тарих фанидан Неъмат Полванов дарсни қизиқарли ўтади, ҳам талабчан. Авестодан тортиб кўплаб тарихга оид китобларни, ўша давр манбаларини қайтадан ўқиб чиқишимизга тўғри келди. Бўлмаса имтиҳондан ўтолмасдик.

Эркин дарс жараёни албатта ёқди, кўпинча фикрларимиз домланики билан қарама-қарши бўлиб қолади. Дарслар мунозара тарзида ўтилса янада қизиқроқ бўлади. Баъзи ўқитувчиларнинг дарсини интизор бўлиб кутамиз. Домла Умарали Норматов бирор асар ҳақида гапирса, топиб ўқимасликнинг иложи йўқ. Қизиқтириб қўйди.

Домламик Баҳодир Каримов бизга ўзбек романчилигининг миллийлигини сингдирмоқда, руҳиятимизни кўтаради. Муомалада масофа сақламайди, акамиздек бўлиб қолган.

Умуман бизда малакаси кам ўқитувчиларни гуруҳ қабул қилмайди.

4. Шу ўринда Гётенинг: "агар қалбингда заррача учқун бўлмаса, устозинг "қуёш" бўлса ҳам "юлдуз" бўлолмайсан", — деган ибораси ёдимга тушди. Бу ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Яхши бўлишига ишонамиз. Ким ўқиб ютқазган?

5. Олий адабиёт курсининг талабалари матбуотда кўриниб турибди, яна зиммамизга диплом иши сифатида бирор асар яратиш юкланган. Катта галабаларга бироз вақт бор.

6. Албатта. Устозлар биз босиб ўтмаган йўллари босиб ўтган. Улардан бу йўлдаги сўқмоқларни, баланд-пастликларни ўрганмоқдамиз.

7. Ўқитиш усулини устозимиз Норқул Бекмирзаевни айтишича, Москва Олий адабиёт курси фаолиятини

ўрганиб, янги таклифлар умумлаштирилиб жорий қилишган. Чунки, уларда кўп йиллик тажриба бор.

Олий адабиёт курсининг мавқеи таҳсил олаётган ёш шоир ва ёзувчиларга боғлиқ.



Нилуфар САФОЕВА:

1. Энг асосийси республика-мизда Олий адабиёт курсининг очилиши биз курс тингловчиларига том маънода ижод муҳитини яратди. Республикамининг турли вилоятларидаги ижодкор ёшларнинг бир жойга йиғилиши, бир-бири билан яқиндан танишиши, бир-бирларининг ижодларини ўрганиши ҳам курснинг ютуғи деб

ўйлайман.

2. Шу кунгача бизга ўтилган дарслар таниқли шоир ва ёзувчиларимиз билан бўлган учрашувлардаги адабиётимизда содир бўлаётган янгиликлар, янги йўналишлар, ижод психологияси ҳақидаги фикрлари бизнинг бадиий савиямиз ўсишига албатта таъсири бўлади деб ўйлайман.

3. Дарс жараёнида талаба эркин бўлса у бемалол ўз фикр-мулоҳазаларини билдира олади. Талаба билан домлаларнинг ўртасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Албатта талаба бундай ҳолатда дарс қондаларидан четга чиқмаган ҳолда ҳурматини сақлаши лозим. Лекин маълум маънода ўқитувчилардаги қаттиққўллик, жавобгарликни ҳис қилдира олиш хусусиятларини ҳам қадрлайман.

4. Олдинги ўқиш жараёнидан, ҳозирги ўқиш жараёни бир-биридан мутлоқ фарқ қилади. Бу ерда биз асосан адабиёт, яъни жаҳон адабиёти, мумтоз адабиёт, ҳозирги давр адабиётидан сабоқ оламиз. Ижодий талабалик даврим менга ҳузур бағишлайди.

5. ОАКда таҳсил олишим менга ижодий муҳит яратибгина қолмай, шеърларим, мақолаларимни республика газета ва журналларида ёритиб туришимга ҳам имконият яратди. Таҳририят муҳаррирлари, журналистлари билан яқиндан танишишга, улар билан биргалликда иш олиб боришга энгиллик туғдирди.

6. Агар курс тингловчиси бирор илмий иш қилмоқчи бўлса ёки ёзган асарларини таҳлил қилиниб боришини истаса адабиётшунос домлаларга бириктириб қўйишга ни маъқул деб ўйлайман.

7. Ўқиш тизими, дарс жадвали пухта ўйлаб тузилган. Ҳар бир давр адабиёти босқичма-босқич ўтиб келинапти. Аммо имконият бўлса бошқа республикалардан ҳам курсимизга ёзувчи ва шоирлар таклиф қилинса нур устига нур бўларди.



Неъмат ҲАЙРАТ:

1. Ўзбек классик адабиёти намояндalари бўлган Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат ижодини фақат ўрта мактаб дарсликлари даражасида билар эдим. Жадид адабиёти вакиллари Чўлпон, Фитрат, Элбек, Сиддиқий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Авлоний асарлари билан яқиндан танишдим. Чет эл адабиётини яхшироқ ўрганган бўлсам-да, (рус, грек, немис, украин) дарёлар ёнида ча-нқоқ юрганимни ҳис қила бошладим. Олий Адабиёт курси мен учун ҳаётим эҳтиёж эди. Шу ерда таҳсил олаётганимдан мамнунман. Бу имконият ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

2. Сўнги 6 ой давомида бирор сатр ёзолмадим. Таъсири шунчалик бўлади-да. Ўзимни кўйгани жой тополмайман. Достон ёзиш ниятим бор. Эсселарга кўл уриб кўйганман. Янги йўл, изланиш, янги уфқлар, сирли олам.

3. Вақтни нимага сарф этишга боғлиқ. Вақт етмайди деганга кўйишларим. Жуда ҳам кўп ўқияпман. Ижодкор чуқур билимга эга бўлиши керак. Фақат шундагина бирор нарса ёзиш мумкин. Чет элларда ўқитувчи фақат талабани маълум бир мақсад сари йўналтиради. Талаба кўпроқ ўзи мустақил ишлайди. Ўқитувчиларнинг қаттиққўл эмаслигини тўғри қабул қиламан. Шундай бўлиши керак. Нимага деганда талабалик ёшидан ўтганмиз.


4. Асти сўраманг, бу йил Украина Республикаси Полтава Давлат Педагогика Институтини тугатганимга 10 йил бўлarkan. Институтимиз ёзувчи Виссарион Короленко номида эди. Москва Давлат Университети, Санкт-Петербург Давлат Педагогика Институтини қаторидаги нуфузли олийгоҳ. Мирзо Улукбек номи Ўзбекистон Миллий Университетини таҳсил олиш насиб қилганидан фахрланаман.

5. Олий Адабиёт курси керак вақти очилди. Бунинг учун раҳбаримиз А.Орипов қанчалик ҳаракат қилганидан хабардоримиз. Узоқни кўра билиш, эзгу ишларнинг тамал тошини қўйиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Йиллар ўтади. Ойбек домланинг “наъматаги” дегим келади бу курсни. Ижодий ютуқлар ҳақида мен гапирмасам, камтарликка йўйманг.

6. Устознинг шогирдлар ҳаётида тутган ўрни беқийс. Ўзим ҳурмат қилган адиблар билан яқиндан танишдим. Шукр Холмирзаев, Шукрулло, Усмон Азим, Абдулла Шер, А.Йўлдошев, Э.Аъзам, Қ.Норқобил, С.Сайид. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Адабиётшунос олимлар Б.Қосимов, Қ.Йўлдошев, Б.Каримов, Б.Саримсоқов, Н.Абдулҳаким каби устозлар сўзи юракларда қолади, муболағасиз.

Ўқиш тизими тўғри ташкил қилинган деб ўйлайман. Ижодкорлар билан ишлаш осон эмас. Ҳар бирининг ўзи бир дунё. Таклифларга келсак Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистонда яшовчи ижодкорлар билан учрашувлар ташкил қилинса, нур устига нур бўларди. Биздан олдинги авлодларнинг барчаси бу алоқалардан баҳраманд бўлган. Қ.Норқобилнинг Расул Ҳамзатовни йўқлаб туриши — ўзбек шоирига хос ҳислат-ку. Менинг ўзимнинг ҳам украин, қозғ — Сергей Скляр, Зиёдулла Претов каби ижодкор дўстларим бор. Узаро мулоқот фақат фойдали-ку.





Муҳаммад САЛОМ

АРОСАТ

Ҳикоя

Саҳар чоғи тақиллаган дарвозани очдию Розик муаллим анграйиб қолди. Қаршисида бошига духоба дўппи кийган, қопқора соқолли, барваста йигит турарди. Ҳали уйқуси тўла тарқаманган муаллимнинг кўзлари ярқ очилиб, лаҳзада беҳаловат ўйлар гирдобига шўнғиди.

— Ассалому алайкум, раҳматуллоҳу ва баракоту, отажон, — кўл чўзди йигит.

— А? Санмисан, Қобилжон? — муаллимнинг овозида қувончли ҳаяжон бор эди. — Кўрқитиб юбординг. Аранг танидим-а?! Бу қанақа юриш?

— Қанақа, ота? — ичкарига кираркан, отасини кучоқлаб, бағрига босди Қобилжон.

— Турку башарангга қара, одам хуркади. Кетаётганингда бунақа эмасдинг-ку.

— Энди мусулмон бўлдик, динга кирдик. Мусулмон эса шунақа кийнади.

— Ҳаа, мусулмоннинг шунақа, алоҳида кийими бўларканми? — муаллим ҳалигина ўзи ётган чорпоядаги адёлни суриб, ўтираркан, елка қисди. — Билмас эканман-да.

Овозларни эшитиб, Қобилжоннинг онаси Муаззам холаю хотини Гулсара уйдан югургилаб чиқишди.

— Қаёқларда қолиб кетдинг, болажоним! — Муаззам хола ўғлига ёпишди. — Шунчалик ҳам беғам, бепарво бўласанми, болам?

Қобилжон чаккасини қашиб:

— Ими-жимиди кетганим йўқ-ку, она, — деди сал хижадатли овозда ва “ассалом” деганча индамай ўзига тикилиб турган хотинига қараб олди. — Шериклардан айттириб юбордим, яна... пул ҳам беришгандир.

— Ҳа, пулгина курсин-а, одамни иймондан айиради. Пул тугул, тилла тоғи ҳам ўрнингни босмайди-ку?!

Қобилжон индамади. Чорпоя чеккасига ўзи қўйган сўмкаю халтани кўрсатиб хотинига ишора қилди-да, бўш шишага эскигина чойгумдан сув қуйиб, ҳожатхона сари юрди.

Салдан сўнг уйдан унинг пастроқ айтган азон овози эшитилди: “Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар...”

— Овозгинангдан ўргилай, бирам ёқимлики, — дея шивирлади Муаззам хола. — Худога шукур, ўғлимиз мусулмончиликни бўйнига олди. Худонинг ўзи кўнглига солганда. Унга эргашиб, мана келинимиз ҳам намоз сўзларини ёдлапти.

Муаллим бош тебратиб, аёлини маъқулладию ҳаёлида ўғли айланарди.

Қобилжон исми-жисмига монанд, мўмин-қобил, беозор, ҳатто овозини баланд кўтармайдиган йигит. Гарчи у мактабда туппа-тузук ўқиган эса-да, икки-уч йил пойтахтга қатнаб, ҳеч бир ўқув даргоҳига илинолмади, сўнг кўл силтаб, дуралгорликни ўрганди. Бироқ, аҳоли жуда зич қишлоқда тузукроқ тирикчилик қилиш анча қийинлашди. Жамоа хўжалиги батамом ўтириб қолган, боз устига ерлар ҳам камайиб, ҳосилдор-

лик пасайиб кетганди. Одамларга иш ҳақи деярли тўланмайди. Олғирлару пулдорлар раисга пора бериб, ерларни эгаллашга улгуришган. Кишилар ўртасидаги тафовут кўзга аниқ ташлана борарди. Кимдир данғиллама иморатлару дўконлар қургани ҳолда кўпларнинг қозони ҳафталаб қайнамайди. Қобилжон сингари бир оз ялқов, боқибегамроқ, ўртача усталарнинг иши касодга учради. Шу сабаб Қобилжон бошқа жўралари каби иш излаб, турли шаҳарларга, вилоятларга қатнади. Тошкентнинг мардикор бозорига кўп маргалаб ўзини солди. Бирда иши бароридан келса, бирда миршабларнинг қувғинига, жарималарига, дўқ-пўписаларига учради. Лекин деярли у ҳар сафар ўз оиласи ҳузурига нималардир кўтарганча, анча-мунча пуллар билан қайтар, уйдагиларни қувонтирар эди. Кейинроқ эса...

Кейин иши юришган кўринади, ота рўзғор ташвишидан деярли қутилди. Қобилжон энди хотинию ўғилчасига ҳам кийим-кечаклар харид қила бошлади. Булар-ку, соз-а, аммо шаҳарда узоқ вақтлар қолиб кетиши оила аъзоларини анча ташвишлантиряпти. Устига-устак, янада жиддийлашиб, намозхонга айланганини айтмайсизми? Чиндан-да, Худони танийдиган, ундан кўрқадиган кишилар ёмон одам бўлмайдилар, қинғир йўлга кирмайдилар. Динда ҳикмат кўп. Бироқ, диний масалада Розик муаллим ҳам, дала ишию рўзғордан бошқа нарсани билмаган Муаззам хола ҳам ўзларини оми ҳисоблайдилар. Тўғри, ҳуррият шарофатидан Розик муаллим баъзи жума кунларида ҳеч ҳайиқмасдан туман марказидаги жоме масжидга боради, жамоа намозида иштирок этиб, мусулмончилик қоидаларидан сабоқ олади. Бироқ ўғли билан аввалги бир суҳбатда бунинг ўзи етарли эмаслигини, мусулмон киши ўзини худога бахш этиши, ҳамиша ибодатда бўлиши зарурлигини тушуниб, Қобилдан сўради:

— Буларни сенга ким ўргатди, ўғлим?

— Худонинг иродасидан ташқари ҳеч бир иш бўлмайди. Яратганининг ўзи мени бир хонадонга йўлиқтирди. У ерда ҳам иморат қурайпмиз, ҳам Ислом динидан сабоқ оляпмиз.

— Мактаб очишганми?

— Мактаб эмас-у, ҳафтада икки марта бир ёш йигитча келиб, тўпланганларга илм беради. Ҳозирча бир неча араб ҳарфлариниям ўрганиб олдим. Худо хоҳласа, ҳадемай, “Қуръони карим”ни арабчада ўқийдиган бўламан.

Ота-боланинг мунозарасини индамай эшитиб ўтирган Муаззам хола:

— Худога шукур, беадад шукур, биздан ҳам мулла чиқаркан, — дея кўзлари ёшланди.

Муаззам хола Худога астойдил ишонади ва ундан кўрқади. Бироқ мусулмончилик шартларини тўла адо этишда ўзини ожиз санайди. Унга ҳеч ким намоз ўқишни ўргатмаган, шунга даъват ҳам этишмаган, ҳатто “Қуръон” сураларидан бирортасини ҳам ёдламаган. Фақат “Бисмиллоҳи Раҳмони Раҳим” дея иш бошладан нарига ўтолмайди. Аммо рўза тутишни қанда қилмайди ва бу ишдан Оллоҳни рози қилган ҳисоблаб, кўнгли таскин топади, гўё, гуноҳлардан фориғ бўлади.

Розиқ муаллимнинг йўли бўлак. У аввал ҳам мусулмончиликнинг беш белгисини биларди: “Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадин Расуллоҳу” дея иймон келтирар, ювинаётганда Калимаи Шаҳодатни ичида айтарди, покларди. Бундан ташқари, “Ихлос” сураси ҳам унга ҳамиша ҳамроҳ эди. Буларни унга кичкиналигида раҳматли буваси ўргатган. Бобоси ўла-ўлгунча беш вақт намозни қанда қилмай ўтиб кетди. Ҳатто қамоқда ётган пайтларида ҳам намозни тўхтатмаган. Уни катта мулла сифатида Сибирга сургун қилганлар. Сургунда кўп азоблар еб, соғлигини йўқотиб қайтган. Шу азоблар таъсирида неварасига бошқа сураларни ўргатмади: “Замон нозик, одамлар чатоқ, болақанинг намоз ўқишини, бирор сурани ошкора айтишини битта-яримтаси кўриб қолса, тегишли жойга етказиши ҳеч гап эмас. Боланинг келажаги хавф остида қолади”, деган андишага борди. Чунки, не-не азиз ва ажиб зотлар дин-этиқод учун, ошқора фикр юритгани учун отиб ташланганига, сургунларда ўлиб кетганига ўзи гувоҳ эди-да... Ниҳоят, ҳуррият келдию муаллимни сал-пал жонлантирди. У қийна-либроқ эса-да, “Фарзи айн”ни эгаллашга эришди. Лекин ижрода иймони суэтик мужассам: бомдод намозинигина ўқийди, баъзан шунга ҳам эринади. Вақт топса, Жума намозига интилади. Ўзининг акси ўлароқ ўғлидаги қатъиятдан анча қувонди. Ҳатто Қобилжонни саволларга тутиб, унинг билимини синаб ҳам кўрди...

— Ассалому алайкум, — намозини тугатиб, уйдан чиққан Қобилжон каравотда ўтирган ота-онаси томон юрди ва ҳовли супураётган хотинидан сўради:

— Халтгаларни бўшатдингми?

Гулсара индамай ичкари кириб, иккала халтани кўтариб чиқди-да, катгароғини қайнанаси ёнига қўйди. Муаззам хола ундан ранго-ранг кийимлар олиб, ўртага бир-бир ёйди: хонадоннинг ҳамма аъзолари унутилмаган эди. Кичкина Жамшидага туфлича, қўйлақча ва мурватли ўйинчоқ машина, унинг бувиси ҳамда онасига чиройли қўйлақлар... охирида жундан тўқилган, малларанг свитер... Муаззам хола: “Кимга? Ўзингми?” дегандай ўғлига қаради:

— Ота, кийиб кўринг қани, — дея Қобилжон отасига свитерни ишора қилди. — Тахминан мўлжаллаб олдим.

— Э, нима қилардинг, — дея Розиқ муаллим матони қўлига олиб, у ёқ-бу ёқ айлантирди. Унинг кўзлари қувонганини яққол сўзларди. — Рўзгорни бошқа кам-кўстига ишлатардинг. Жамшиддонни тўй қилиш керак...

— Парво қилманг, ота, худо хоҳласа, униси ҳам бўлар. Қани, кийинг-чи.

— Бичими нечи? — ота ўрнида ўтирганча свитернинг ичига қўлларини тиқиб, кийишга уринди. — Мос келса керак.

— Эллик иккию уч... Қишда бўйнингиз ҳам иссиқина туради.

Муаллим йиртиқ қўйлаги устидан свитерни кийдию қизиб кетгач, тезда ечди:

— Созгина экан. Баракалла, — деди қувончини яширолмай ота. Бу орада Гулсара ҳам иккинчи кичикроқ мато халтадан ҳар хил ширинликлар, қора майиз, бир неча патир ва тешик кулчалар олиб, дастурхонни безатган эди.

— Ишинг тузукка ўхшайди-я, ўғлим... — деди Розиқ муаллим ҳануз кўзлари қувончдан порлаб.

— Ёмон эмас, — дея мингирлади Қобилжон. Афтидан иши хусусида ҳисоб бергиси йўқ.

Отасини эса бошқа бир нарса қизиқтирарди. Шунга кўра у:

— Ўқишинг нима бўляпти, ўғлим? — деб сўради.

— Қайси ўқишим?

— Араб ёзувини ўрганаёпман, девдинг. Тўхтатиб қўймадингми, ишқилиб?

Қобилжон ўйчан жавоб қайтарди:

— Вақт етишмаяпти. Вақт тополсам, ўзимча машқ қиляпман.

Жавоб отани унча қониқтирмади, ҳалигина вужудига кўзгалган қувонч тўлқини нечундир пасайди. Бирок шу лаҳза-

да ўғлидан чуқурроқ суриштиришни лозим топмади-да:

— Бўшаштирма, йўқса эсдан чиқади, — деб қўйди.

— Худо хоҳласа.

— Ўқиганинг маъносиниям биласанми, болам? — ўсмоқчилаб сўради онаси.

— Бу осон иш эмас. Ўн йил ўрис тилини ўқиб, лаб-лунжини келиштирилмадик. Араб тилини ўрганиш ҳаммагаям на-сиб қилавермайди. Бизлар Ислоннинг фарз амалларини ўрганиб олсак, ҳозирча яхши иш қилган бўлаемиз.

— Ёзувни, ҳали ёшсан, кейин тилни ҳам ўргансанг, катта хазинага йўл очасан, ўғлим, — дея Қобилжонни алқайди Розиқ муаллим. — Ўттизинчи йилларгача ёзилган ноёб қўлёзмаларнинг бариси араб ёзувида битилган.

Отасининг билимга даъватини тушуниб турган эса-да, Қобилжон муносабат билдирмади. Негадир ерга қаради. Орага бир нафаслик сукут чўқди. Гулсара катта хум чойнакда чой дамлаб келди. Қобилжон ширчойни кўмсади. Бирок, бунинг иложи йўқ — муҳтожлик туфайли сигирни бузоқчаси билан биргаликда сотиб юборишган.

“Кейинги келишимда буларга соғин сигир олиб бераман”, — деган фикр ўтди ўғилнинг хаёлидан. Шунга айтиб, уларни қувонтиришни мўлжаллаганда отаси ундан ҳадиксираб, жавоб кутаётганини пайқайдию:

— Унақа қўлёзмаларни олимлар ўқийди. Уларни ўқиш учун чуқур билим керак, — деди. — Мен “Қуръон”ни араб ёзувида бемалол ўқиш даражасига етсам ҳам бўлар.

— Олимлар ҳам сенга ўхшаш одамлар. Ўқиб, ўқиб олим бўладилар. Хай, майли, шунисинаям шукур, биз билмаганларни сен биласан.

— Ўша билганларини ҳам бизларга ўргатмагансиз, ота, — деди таънаомуз оҳангда Қобилжон. — Ҳуррият бўлмаганда биз нақ кофир, дўзахи бўлардик. Билганларини ўргатмаслик, мусулмончиликка даъват қилмаслик ҳам катта гуноҳ саналаркан.

Ўғлининг гаплари отага бир оз малол келди: “Сиз ҳам гуноҳга ботгансиз”, дегандай туюлди. Падарига тик қарамайдиган бола наҳотки тез ўзгарди. Бу билим олиш таъсириданми ёхуд чўнтагига бир оз пул кириб, ҳаволанганиданми? Балки чарчагани боис ўйлаб гапирмаётгандир... Аммо ота ўз мушоҳадасини ўғлига сездирмади. Фақат боланинг “Даъват” сўзидан андак ҳадиксиради. Чунки мамлакат қишлоқ-шаҳарларига қўплаб даъватчилар ёйилган, улар дини Ислонни тарғиб қилади, деган миш-мишларни эшитган. Бундай ҳаракатлар раҳбарларга ёқмаётган эмиш. Йигинларда, маъракаларда уч-тўрт кишилашиб, шу ҳақда баҳсга киришар эдилар. Баъзилар: “Дини Ислон ёйилишининг нима зиёни бор? Қайтага худодан кўркув кучаяди, ҳалол-поклилик юзага келади. Ишингни пора-морасиз битказасан”, дейишса, бир хиллари: “Йўқ, даъватчиларнинг асл нияти бошқа — Ислон мамлақати барпо этиш, халифаликка ўхшаш бошқарувга ўтиш, хотин-қизларни яна паранжига тиқиш. Бу усул мамлакатни қоқоқлик сари судрайди, ўрта аср жаҳолатини тиклайди”, деганча даъватчиларни нодонларча иш тутувчилар сифатида қаттиқ айблардилар.

Розиқ муаллим икки тарафга ҳам муносабат билдирмаган. Тинчгина юраверини афзал ҳисоблаган. Ўғлининг хатти-ҳаракатларида, гап-сўзларида қандайдир ҳидлар анқиётгани уни ташвишга сола бошлаган эди. Бунинг оқибати нима билан туғати фақат Оллоҳнинг ўзигагина аён.

— Сен ҳам ўшаларга қўшилдингми, ўғлим? — чўчинқираб, ўғлидан сўради у.

Даъватан ҳеч нимага тушунолмаётгани отасига саволомуз қаради ўғли.

— Даъватчилар, Ислон мамлақатини тарғиб қилувчилар орасига, деб сўраяпман, — энди муаллимнинг овозига таҳдид қўшилди.

— Йўқ, ота, мен ҳеч кимнинг сафига қўшилмадим, — деди Қобилжон отасини ранжитишни истамай. — Лекин мен ихлос қўйган динни ерга урувчилар билан ҳеч қачон келишолмайман.

— Кўй, ўғлим, унақаларга яқин ҳам борма, — деди ота бир нафаслик жимликдан кейин. — Билганинг ичингда бўлсин. Худони юрагингдан чиқармасанг, бас-да!

— Иймони заифлар сафида бўлайми?

Розиқ муаллим ўғлининг ўкинч билан берган саволига тушунолмади:

— Бу нима деганинг?

— Нотўғри, гуноҳ саналган ҳаракатни кўра-била, эшита туриб, кўнглида маъқулламаса-да, индамаган, қўл билан, сўз билан уни қайтармаган кимсалар иймони заиф ҳисобланадилар.

Розиқ муаллим ўйланиб қолди: “Менинг ҳам иймоним заиф экан-да. Э-ҳе, кўпларнинг иймони заиф ҳисобланаркан-да. Ахир хавф-хатарда яшашни ким истайди?”

— Сенга шундай ўргатишдимми?

— Ҳа, нотўғрими?

— Гап тўғри ё нотўғрилигида эмас. Мен ҳаётинг қил устида туришини, биз ҳам балоларга дучор бўлишимизни истамайман. Ўшаларсиз ҳам динга катта йўл очилган. Шу учун ҳеч кимнинг сафида қўшила кўрма, болам.

— Йўқ, ота, мен гуруҳларга қўшилганим йўқ. Билим оляпман. Яна... — дея каловланди Қобилжон. Отаси ҳушёр тортиб, унга тикилгач, ноилож сўзини давом эттирди: — Ўзимни ҳимоя қилиш усулларини машқ қиляпман.

— Каратэними?

— Ҳар хил одамларга дуч келиб, кўзим очилди, ота, — ўзи гапига изоҳ беришни лозим топди Қобилжон отасининг важоҳатини кўриб. — Фирромлар, йўлтўсарлар, ишлатиб-ишлатиб, ҳақ бермай ҳайдаб юборувчилар учраб туради. Уларга бўш келса...

— Унақалар билан олишма, Худога солиб кетавер, болажоним, — зорланиб дедим Муаззам хола.

— Онанг тўғри айтди. Ҳар бир ишга ақл билан ёндошсанг, яхши муомала қилсанг, ишинг ўнгидан келади.

— Хўп, — деди секин Қобилжон.

— Эҳ, ёшим ўтди-да, — бош чайқаб, афсусланди Розиқ муаллим. — Шу топда сенинг ёшингда бўлганимдами...

— Нима қилардингиз? — Қобилжон қизиқсиниб, отасига тикилди.

— Билим олардим: арабчани, англизчани пухта ўрганардим. Шунда чет эллардаям ўқишга йўл очиларди.

— Мен уринмадимми, ота? — ўғлининг овозида аламзадалиқ сезиларди. — Икки йиллик уринишларим зое кетди-ку? Сиз бой, пулдор бўлганингизда шунчалар тентираб юрармидим.

— Гапингда жон йўқ эмас, ўғлим. Аммо билиминг саёзлиги ҳам аниқ. Бунда менинг ҳам камчилигим бор. Билиминг чуқур бўлганда сенга ҳеч ким халал беролмасди.

— Агар мамлакатда дин ҳукмрон бўлса, ҳамма Худодан қўрқса, адолат юзага чиқади, — деди ўғил отанинг кейинги гапига эътибор бермай.

Розиқ муаллим ўғлининг фикридан қўрқиб кетди:

— Оғзингни юм, бунақа гапларни гапиришни сенга ким қўйибди?

— Нима, мен одам эмасманми? Шу мамлакат фуқароси эмасманми? Ким нима деса, индамай, қўйда эргашиб кетавераманми? — тутақиб гапирди ўғил.

— Ҳамма ҳам адолатни истайди, ҳамма ҳам роҳат-фароғатда яшашни хоҳлайди, ўғлим, — деди бир оз ҳовридан тушиб Розиқ муаллим. — Бироқ, бу дунёда тўла адолатга эришиб бўлмайди. Ўша халифалик замонларидаям, ўйлайманки, баъзи кимсалар айтганларидай, буткул адолат ҳукм сурмаган.

— Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллаллоҳи алайҳи васаллам-чи? Ҳазрати чор-ёрлар-чи? — голибона кулимсираб, отасига қаради Қобил.

Розиқ муаллим мунозаранинг кучайиб кетишини истамади:

— Бизнинг бу гапларимиздан фойда йўқ. Агар Худонинг ўзи хоҳласа, бир лаҳзада ҳаммасини жой-жойига қўяди.

— Унда бу синов дунёсининг аҳамияти қолмаган бўларди, ота, — деди Қобил дарҳол устозидан эшитган сўзларни такрорлаганча. — Худо инсониятга бироз эрк берган. Ўша эркни йўққа чиқариши учун шайтонга рухсат этган. Иймони сустларни шайтон тезда ўз йўлига оғдиради. Оллоҳ-таоло бировга амал, бойлик, бировга қобилият, билим бериб, синовга қўяди. Худо йўлидан қайтмаган, Уни даъват этган мўминларгина Оллоҳнинг марҳаматига ноил бўларкан, жаннатнинг энг яхши жойларидан ўрин оларкан. Худо йўлида, дин йўлида шаҳид кетганлар жаннатнинг алоҳида эшигидан кирарканлар.

Ўғилнинг фикр юритишлари, анча-мунча билим олгани отанинг кўнглини кўтарди. Бироқ, шахидлик, Худо йўлида жон бахш этиш хусусидаги сўзлари унда хавотир ўйготди. Қобилни бу йўлдан қайтариш, шахидлик ҳақидаги фикрларини миясидан қувиш лозим деган ўйга борди. Бироқ, аини шу топда бунинг мавриди эмас, деб билди. Бунга ўзи ҳам тайёр эмасди.

Гарчанд шундай мулоқотлар учун ота-ўғил иккаловида ҳам рағбат бўлса-да, бунга қайта имконият туғилмади. Икки кунги қисқа гурунлар, биргаликдаги рўзғорга оид муаммолардан нарига ўтолмадилар. Зотан, тақдирни ўзгартириш ҳеч кимсанинг қўлидан келмас эди. Лекин шу қисқа вақт ичида ўғил ишлаб келган маблағ ҳисобига рўзғорнинг кам-қўстини анчагина битказиб қўйдилар. Қобил яна сафарга ошиқди...

Шу орада мамлакатнинг турли бурчакларидан хилма-хил миш-мишлар, баъзан совуқ хабарлар тарқала бошлади, элларни сескантирадиган воқеалар юз берди. Аксига олгандай, Қобилжоннинг сафари бу гал анча чўзилиб кетди. На хат бор, на хабар. Кўчадан эшитилган ҳар қандай қадам шарпаси ота-онаю Гулсарани сергаклантиради. Айниқса кеча оқшом уларнинг дошларидан ҳушлари учиб, довдираб қолишди. Кутилмаганда дарвоза тақилладио жавоб ҳам кутмасдан катта қишлоқнинг миришаби кириб келди.

— Ўғлингиз қани? — дабурустан сўраб қолди у.

— Сафардайди, — дея олди оила бошлиғи овози титраганча.

— Қанақа сафарга, қаёққа кетган? — кўзлари ёниб, сирлироқ оҳангда ярим ўдағайлади миришаб. — Кўпдан буён кўринмайпти.

— Яқинда келиб кетувди, — нечундир ёлғон гапирди муаллим. — Тирикчилик дарди билан юрибди. Ишингиз боридими?

— Бу замонда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Хусусан, ҳар бир одамнинг. Узоқ сафарга борадиган киши қаёққа боришини, қачон қайтишини айтиб, вақтинча рўйхатдан чиқади, борган жойида дарҳол рўйхатдан ўтади. Шунини билмайсизми, амаки? Айтинг, ҳозир қаерда ўғлингиз?

— Тошқанда, бировниқанда устачилик қилаётувди. Кеп қолар.

— Ўша манзилни айтинг, суриштирайлик.

Бу гап Розиқ муаллимнинг ҳамиятига қаттиқ ботди:

— Бирор ишқал чиқарибдими, мунча ваҳима қиласиз?

— Ўзингизни босинг, амаки, замонни кўриб турибсиз — нотинч. Ҳар хил гуруҳлар чиққан. Айримлари Ватанга хиёнат қилиб, ўз юртдошларига қарши қурол кўтаришяпти.

— Худо сақласин, мени боламдан ҳеч қачон бузуқлик чиқмайди, — ҳалигача суратдай қотиб турган Муаззам хола ногоҳ жонланди. — Ҳовлида покизагина хотини, гулдай ўғилчаси бор-а! Ўйлаб гапиринг, буларни юзига оёқ босмайди у.

— Айтганингиз келсин, хола. Лекин ўша тўдаларнинг кўпчилигидаям хотин, бола-чақа, ота-онаям бор экан-да. Катта гапириш керак эмас.

Розиқ муаллимнинг негадир боши эгилди. Ўғли билан мунозарасини эслаб, “Наҳотки ўшалар тўдасига қўшилди? — деган хаёлга борди. — Агар қўшилган бўлса, одамлар юзига қандай қарайман? Қишлоқда қандай бош кўтариб юраман?”

Муаззам хола яна бўш келмади:

— Ўғлимга ишонаман. У ҳар қандай гап-сўзларга учмайди.

Миршаб яна пачакилашиб ўтиришни эп кўрмадию қатъий таъкидлади:



— Мен участкамининг ҳар бир кишиси учун бошим билан жавоб бераман. Уларнинг ҳар қандай ҳаракати мендан яширилмаслиги шарт. Шу ҳақда ҳисоб бериб тураман, хола. Шу учун Қобилбой келиши билан менга учрашсин. Унганча, — у муаллимга юзланди, — амаки, Сиз унинг аниқ манзилини бизга билдириб қўйинг. Бўлмаса, қидирув эълон қилишга мажбурман, — у шаҳд бурилиб, дарвозадан чиқди.

— Нафасингни ел есин, — пичирлади Муаззам хола. Лекин онаизорнинг вужудига ўт тушди: “Бу искович бир ниманинг исини олдимикан? Қобилим, нимага бунчалик дом-дараксиз кетди? Бунақа одати йўғиди-я?”

Бу ўй онаизорнинг куйган юрагига туз сепди-да, нима қиларини билолмай каловланиб турган эрига мўлтираб қараганча:

— Энди нима қиламиз, отаси? — деди йиғламсираб. — Тошканга бориб келасизми?

— Билмасам, бошим қотди, — муаллим чорпоёга беҳол суянди. — Тошкан катта шаҳар бўлса, ишлайдиган ерини билмасам, уни қаердан излайман?

— Ўша мардикор бозоридан-да.

— Эсинг жойидами? — жеркиди эр. — Мардикор бозоридан нима қилади? Ишини топганидан кейин у ерга йўламайди. Ишқилиб, бирор... — муаллим сўзининг давомини айтишга ботинолмай, тескари қаради.

Аёли ҳовлиққанча:

— Нима деяпсиз?... — дея бақрайди. — Мелиса бежизга келмадим, а?

— Йўғ-э, улар ҳозир ҳаммани суриштириб, кузатиб юрибди. Битта-яримтаси палончи кўринмаепти, деган бўлса, ҳовлиқиб келгандир-да.

— Тоби қочиб, баннисага тушмадим, ишқилиб?

— Шундай бўлса, минг марта розийдим... — муаллимнинг овози хиёл титради. — Бетоб одам — соғаяди.

Муаззам холанинг бутун вужуди музлаб, бир лаҳза қотди-қолди.

— Аслида ўшалар мусулмонларнинг ҳам, беғуноҳ бандларнинг ҳам қонини тўкиб, гуноҳга ботяптилар, — муаллим хотинига эътибор бермай, ўзига ўзи гапиргандай, сўзида давом этарди. — Мусулмон одам биров билан уч кундан ортиқ аразлашиб, гаплашмай юрса, гуноҳга ботади, деган Ҳадисни ўқигандим. Беҳуда қон тўқаётган ўша бузуқилар буни билмас эканларми, ҳайронман?

Розиқ муаллим ёжиниб гапираркан, ногоҳ ўглининг қиёфаси кўз ўнгида жонланди. Қобил унга таънали қарагандай: “Сиз билганларингизни бизларга ўргатмаганиз. Шу учун менда диний билим йўқ. Иймонингиз сустилидиган, кўрқоқлигингиздан ўргатмаганиз”, дегандай туюлди. Сўнг: “Кофирдан фарқингиз нима?” деганча бармоғини нуқиди гўё. Отанинг юраги орқага тортиб кетди. Ўзича лаб тишлаб, бош тебратаркан: “Тўғри, билимсизлик яхши эмас, билимсиз одамни лақиллатиш, истаган йўлга солиш осон. Ахир, Ленин ҳам билимсизларни орқасидан эргаштириб, дунёни остин-устун қилди. Ҳа, болам-а, сендаям ўзгариш кўриниб қолди-я... Нимагаям сени тирикчилик деб ўша ёқларга юбордим-а...” — муаллимнинг юраги нохуш нимадир туйдию кўзлари намланди ва беихтиёр нигоҳини четга бурди. Аммо хотини буни пайқадую хўнграб юборди.

— Жим... жим... — бўғиқ овозда қичқирди муаллим. — Ҳеч гап-сўзсиз ҳалитдан аюҳаннос солма. Эшитганлар нима дейди?

— Мелиса нимага келади ахир! Бир нимани сезгандирки...

— Ҳеч нимани сезмаган, ҳеч нима бўлмаган. Ёмон хаёлга борма.

— Ўғлимиз игна эмаски, тупроқ орасига тушиб, йўқолса. Бирор нима бўлмаса... — она яна йиғлашга тушди.

— Ўчир овозингни! — энди муаллим овозига тўла эрк берди.

Муаззам хола шу он жимидию индамай ерга қараб қолди. Бироқ, бу ҳолат кўп давом этмади, салдан кейин у ҳиққилла-

ганча:

— Нима бўларкан, деб индамай қараб ўтираверамизми? — деди.

Розиқ муаллим нима қиларини билмас, кимга учрашишни, ким билан маслаҳатлашувни ҳам тасаввур этолмас эди. Подадан олдин чанг чиқариб, ўғлига зарари тегишидан кўрқарди. Ҳозирданоқ ҳамма унга ҳалиқсираб қараётгандай туюлар эди. Бунинг устига иккиқат келини ҳам аслан камгаплигига қарамай янада индамасга, тундга айланганди. Шунга қарамай ётиш олдида Розик муаллим Гулсарани сўроққа тутди:

— Наҳотки сизга ҳеч нима демаган?

Гулсара индамай бош тебрлатди.

— Сиз ҳам сўрамадингизми?

— Ўқияпман, машқ қияяпман, девдилар, холос.

— А? Машқ? — муаллимнинг капалаги учиб, қичқираёзди.

— Қанақа машқ?

— Чап елкалари шилинган экан, нима бўлди, деб сўровдим, — деди Гулсара сал жимликдан сўнг, ўйлаганча. — Хола тегиб, тирналди, девдилар.

Розиқ муаллим даҳлизда серрайганча қотиб, “уф” тортди.

— Э, Худо, наҳотки боламиздан айирдинг! — деб юборди сўнг ички нило билан. — Қаерда бўлсам ўз паноҳингда асрагин, уни ёмон йўлдан қайтаргин!

Гулсара эрининг баҳонасига ўшанда шубҳа билан қараган эди, ҳозир эса, хавотири кучайиб, кўзларидан томчилар отилганча ўз хонасига шошилди.

Шу кундан бошлаб, бу ҳонадондан миршабнинг оёғи узилмади: ҳар куни, кун ора суриштириб, баъзан яширинча ҳам кузатув олиб борди. Сўнграқ раҳбарларига уч ойдан буён дом-дараксиз кетган йигит тўғрисида маълумотнома жўнатди.

Орадан сал кам бир ойча вақт ўтиб, айна шом чоғида муаллимнинг дарвозаси тақиллади. Уй эгаси шоша-пиша дарвозани очиб, соқолли, новча йигитни кўрдию тилига ҳеч сўз келмай қотди-қолди. Соқолли йигит индамай ўзини ичкари олди.

— Ассалому алайкум, раҳматиллоху баракоту, — деди у атрофга аланг-жалаң қараганча. — Ўелингиз ёнидан келяпман. Салом айтди. Майда-суйда харажатлар учун, мана, пул ҳам бериб юборди. Соғин сигир ҳам сотиб оларкансиз.

Муаллим ичиди: “Хайрият” дедию елкасидан улкан тоғ ағдарилган каби чуқур ҳўрсинди ва сўрашишни ҳам унутиб:

— Қаёқларда йўқолиб кетди? — дея дағдаға қилди. — Ҳаммамизни бошимизни ташвишга қўйди.

— Ташвишланманг, ҳаммаси жойида. Бош қашишга вақт йўқ. Ҳаммаси зўр бўлади! — йигит шоша-пиша гапирарди. — Борадиган жойларим бор.

— Тўхта! — Розик муаллим соқолнинг билагига тармашдию унинг мушаклари тошдай қаттиқлигини ҳис этди. — Ўзи қаерда? Нима иш қияяпти! Мелиса сўроқлаб, жонга тегди. Ҳамма суриштириб, сўроқлаяпти-да.

— Ҳаммага ҳисоб берманг, амаки, — деди сал дағаллашган овозда йигит. — Ишнинг қойилини топганмиз. Ҳеч ташвишланманг.

— Ўзи қачон келади?

— Яқинларда келиши мумкин... — дея йигит муаллимнинг билагидан сиқиб, дарвозадан чиқди.

Орадан яна икки ойча вақт ўтди ҳамки, Қобилдан мутлақо дарак бўлмади, ота-онанинг ҳаловати батамом йўқолди. Томоқларидан ҳеч нима ўтмас эди. Кутилмаганда Гулсара йиқилиб тушиб, чала тугдию боласи нобул бўлди.

Муаззам хола эрини таъна-маломатларга қўмиб ташлади. Усиз ҳам Розик муаллим ўз ёғига ўзи қоврилиб ётарди. Ўшанда соқолли йигитдан ўглининг манзилини билиб олмаганидан ўзини койир эди. Шу орада мамлакатда анча-мунча мудҳиш ҳодисалар ҳам юз берди: юрт раҳбарига суиқасд уюштирилди, бироқ ниятларига эришолмадилар: бир неча ерларда портлашлар ташкил этилди, анча-мунча одамлар ҳалок бўлди. Халқ орасида ваҳимаю миш-мишлар урчиди. Қобилдан эса ҳамон дарак йўқ эди. Суриштирувлар ҳеч қандай натижа бермасди.

“Шаҳарда ёмон одамлар орасига тушган бўлса, улар катта-роқ пул сўраган бўлса, Қобил бермаган бўлса, ўлдириб қўйиш-димикан, а? — деган хаёлларга ҳам борди ярим телба ҳолига тушган ота. — Суратини ойнайи жаҳонга олиб борайми? То-пиб берган одамга ўғлимни пулига олган сигиримни сотиб, ҳады қилардим...”

Розиқ муаллим қатъий қарорга келар-келмас, ўзининг чор-поясида тўлганиб ётганида дарвоза секингина тикиллади. Муаллим шоша-пиша, оёғига калишини ҳам илмасдан — ялангаёқ дарвоза томон чопди ва суриштирмаёқ занжирни туширди уюкка табақаният баравар очди. Рўпарасида қиёфаси танишдай, паканароқ бир йигит жим турарди. Негадир муаллимнинг юраги увишиб, тили калмага келмади. Пакана гудранганнамо саломлашди-да, индамай ичкари юрди. Уй эгаси ундан бирор нима сўрашга юраги бетламади. Йигит чорпоя қиррасига омонат чўкдию фотиҳага қўл очиб, секин юзига тортди ва оҳистагина, эшитилар-эшитилмас овозда гапирди:

— Бардам бўласиз энди...

— Қобилга нима бўлди? — пичирлагандай, кўнгли ниҳоятда чўкиб сўради ота. Хайриятки, Муаззам хола йўқ эди: у ичкари уйда, келинию невараси ёнида гафлат уйқусида қотиб ётарди. Муаллим ўелидан хунук хабар келганини дарвоза очилгандаёқ ҳис этганди. — Уни ким... — овози бўғилиб, сўзини давом эттиролмади.

— Қобил ака шаҳид бўлди, — деди пакана ўзи кутмаган куруққина оҳангда. Унинг овозида на ҳаяжон, на изтироб сезиларди. Бироқ ўзи билан бўлиб қолган ота буни пайқамасди. Фақат:

— Ша-ша-ҳид? Қанақасига? — дея олдию орқасига қулай бошлади. Йигит дарҳол ўрнидан туриб, муаллимни суяганча чорпояга ўтказди.

— Оғир бўлинг, отахон, — тўнғиллади патак соқол. — Шаҳидлик ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Шундай десам кўнглингиз жойига тушарми, деб ўйлабман.

Муаллим ҳеч нимага тушунолмади, сўзловчига анграйиб қаради: “Бу нима деганинг?”

Йигит гўё мум тишлаган: аразлаган каби чеккага қараган, қовоғи солиқ.

Муаллим тоқат қилолмади инграганнамо садо чиқарди:

— Қаерда?... Қач... — муаллимнинг сўнги сўзи ичига ботди.

— Узоқда, тоғда... Бир ойча аввал... Энди айтмасам бўлмайди.

— Борини айт...

— Худонинг ўзи кечирсин... Ҳаммаси соз кетаётувди. Бошлиқнинг ваъдаси каттайдиди-да. Билмадим, шайтоннинг ишимни, раҳмоннинг ишими — Қобил ака кейинги кунларда тундлашиб юрди. Бир куни саҳарда қарасак, ўрнида йўқ. Яна икки мужоҳиднинг ўрни бўш. Кейин билдик: учаласи тил бириктириб, тунда қочишган. Бошлиқ сезиб, орқаларидан одам қўйган. Беш қақирим нарида отишма бўлган. Учаласини ҳам диндан қайтган ҳисоблаб, отиб ташлашган...

— Их... — ота ингради. Тайёргарлиги бор экан, патак соқол шоша-пиша ёнидан дори чиқариб, муаллимнинг оғзига тикди:

— Оллоҳ ўзи кечириб, раҳматига олсин уларни. Сизга сабр берсин, — у кафтларини юзига сурди. — Буни ҳеч кимга айтманг, амаки, ўзингиз қийналасиз: ўғлингиз на у ёқлик, на бу ёқлик бўлди. Етиб келганидаям барибир ҳибсга олинарди. Кўп вақтимиз бирга ўтган. Афсус, мен ҳам гафлатда қолдим.

— Қандай шармандалиқ... — ота пешонасига бир тушириб, кўрпачага ҳолсиз йиқилди. — Итдай хор-зор бўлиб ўлдингми, болам?..

Патак соқол энди ортиқча қололмаслигини тушуниб, ўрнидан қўзғалди.

Саҳарда ҳовлига чиққан Муаззам хола ўлиб ётган эрини, кўрпача остига ярим бостирилган бир даста кўк суратли пулларни кўрдию:

— Вой-дод, уйим куйди, — дея қичқириб, ҳушидан кетди.

Ғайрат Абдурахмонов

ЯРИМТА ОЙ, АРМОНИНГ НИМА?

Кўнглим йиғлар, танбурлари тинмайди,
Дилим тиглаб, бир қоракўз келмайди.
Юрагимда не сирлар бор билмайди,
Ишқи йўққа ишим тушди, ёронлар.

Ўчган шамдек ҳаётимни сўндирди,
Дол жисмимга алиф-асо йўндирди.
Ҳам бошимга оқ қорларин кўндирди,
Баҳоримда қишим тушди, ёронлар.

Нигоҳларин олиб қочди юзимдин,
Муҳаббатим англамади сўзимдин.
Яқин сирдош тополмадим ўзимдин,
Саҳроларга ёшим тушди, ёронлар.

Бағрим ўйиб кетди сўздин найзалар,
Қабоғини устидаги майсалар.
Бошимга ҳар савдоларни солсалар,
Дилга сабру дошим тушди, ёронлар.

Ул қоракўз қаро қилди рўзгорим,
Ҳилолига қадим доли нисорим.
Жигар порам — тортиқ қилган туморим,
Ажаб ишга бошим тушди ёронлар.

Ҳажр ўтидин ёнодурман югуриб,
Ҳасни самум ёққан каби учуриб,
Саргаштаман бир дилсизга дил бериб,
Ишқи йўққа ишим тушди, ёронлар.

* * *

Ярим ой, кел, бағримга босай,
Кўк тоқида яккасан нечун.
Мен ҳам сенга дардимни очай,
Ерда ёлғиз бўлганим учун.

Яримта ой, армонинг нима,
Тўлишми ё чўгдай сўнишми?
Тунда ҳеч не ёнмайди сенга,
Мақсадинг ё қизга дўнишми?

Бедор тунда эзиб дилимни,
Кўзларимни чун қамаштирдинг.
Сендан ўзга ўйлайин кимни,
Туним узра маҳвашим эрдинг.

Ярим ой, кел, бағримга босай,
Кўк тоқида яккасан нечун.
Мен ҳам сенга дардимни очай,
Ерда ёлғиз бўлганим учун.





Луқмон ВҮРИХОН

АЛДОҚЧИ ТУНЛАР

Ҳикоя

Шом қоранғуси қуйилиб келаётган бир пайтда Нур кўрбоши харсанг тошлар панасидан бош кўтариб, кенг ялангликдаги қишлоғи томон маъюс-маҳзун термулди.

Ё, раб, хувуллаб ётган манов харобазор наҳот унинг ота маскани?! Қани, қир бағрида ёйилиб юрвучи сурув-сурув қўй-қўзилар? Қани, бутун қишлоқни қий-чувга кўмиб юборадиган болалар? Сув баҳона, булоқ бошига қимтиниб-қимтиниб йиғилувчи қиз-жувонлар қани?

Нур кўрбоши ўз қишлоғига уч соғ ҳору уч қишдан бери бу қадар яқин келмаган, хувв, ўша илиқ кўклам саҳарида ўн байталга бир дунё қорақўл тери юклаб, қаршилик савдогарлар билан Қашқар тарафларга отланганида сафарининг бунчалик узайиб кетишини сира-сира кутмаган эди. Ўшанда, отаси — кекса чорвадор бой, кўзларидан ўт чақнаб турган йигирма беш яшар ўғлини, одатдагидек, ишонч билан фахрлана-фахрлана кузатиб қолганди.

Аммо аттиги бир йиллик бу сафар қайроқдек Нур бойваччага ҳам, нақ бир аср чўзилгандай бўлди. Ҳайбатли-ҳайбатли тоғлардан ошиб, қаҳратоннинг совуқ шамолларига қоришиб, олис Қашқар бозорларига ҳам етиб келган аллақандай инқилоб тўғрисидаги миш-мишлар ҳамма мусофирлар қатори уни ҳам ташвишлантириб қўйганди. Айниқса, кетар пайти орқасида чирқираб қолган бир яшар ўғилчасини ўлардай соғинганидан кўнглига қил сиғмасди. Шу сабаб, гоҳо, савдони ҳам йиғиштириб, ўтар-қайтар болакайларни томошалаб ўтирар, уларга кўп-кўп совғалар улашар эди. Охири, сабр косаси лиммо-лим тўлиб, илк кўклам кунларидан бирини, шерикларини қистай-қистай йўлга чоғланди. Соғинчу интизорликда бойваччадан камий йўқ дўстлари ҳам жон-жон дея отларга қамчи босдилар.

Улар йўллар айрилар сарҳалда узоқ-узоқ хайрлашишди.

Ўша йили кўклам хийла иссиқ келиб, қор-музлар ҳил-ҳил эриб оқар, кенг қир бағриларию сайхонликларда кўм-кўк ўт-ўланлар гуркираб ётар, гул-чечакларнинг товусдек таровати кўрган кўзни қувонтирар эди. Аммо, соғинччи ичига сигдирилмаган Нур бойвачча орқа-олдига қарамай, шошиб-тошиб йўл босарди.

Бир пайт, қадрдон қишлоғига ярим кунлик йўл қол-

ган бир маҳал, тор бир ялангликда бир тўп отлиқлар олдини тўсиб чиқишди. Нур кўрбоши чавандозларнинг важоҳатидан ўтакаси ёрилсада, улар ичидаги ҳамқишлоғини, қишлоқ оқсоқолининг арзанда боласини таниб, ҳаяжон билан отидан сакраб тушди.

— Ассалому алайкум, — деди кучоқ очиб кўришувга чоғланиб, Лаб-лўнжи қувончдан ёйилиб кетганди.

Аммо ҳамқишлоқ Сулаймон аргумоғини чир-чир айлантираркан қуруққина саломлашди:

— Яхши етиб келдингми?

Нур бойвачча анграйди-қолди: ё, Оллоҳ, қишлоқ оқсоқолининг муллавачча ўғли Сулаймонми шу?! Ё, ажаб, нозиккина, сипоғина, қўй оғзидан чўп олмаган йигитча эди-ку? Мунча қаҳру-ғазаб, мунча шиддат қайдан келди унга?! Елкасида антиқа милтиқ, уст-боши кирчил, соч-соқоли ўсиқ, бу не ҳол?!

— Оғир бўл, Нур, — деди Сулаймон от жилловини маҳкам тортиб. — Кўргулик! Ҳамма ёқда инқилоб балоси!

Эмишки, уч ойча илгари қишлоқни қизил кўшин мўрималаҳдек босибди. Мол-мулкка кўз олайтирибди, занғарлар! Қишлоқ оқсоқоли номусига чидаёлмай, ҳовлисида амирлардек кезиниб юрган аскарларга ўроқ олиб ташланган чоғ қизил кўмондон какликдек отиб ташлабди уни! Сулаймон эса деразадан чиқиб қочганмиш. Нурбекнинг отасидан уч хум олтин талаб қилиб, уни отхонага қамаб қўйишибди. Бечора чолни ёзилгани ҳам олиб чиқишмабди, “Отхона-кенг, билағнингни қилавермайсанми, аҳмоқ” дея қаҳ-қаҳ уришибди. Эртасига, қувуғи ёрилиб ўша кечаёқ тинчиган қарияни ўлган хачирдек ташқарига судраб ташлашибди.

Бошидан тўқмоқ егандек, аллақачонлар ялпайиб ётган Нур бойвачча, бир маҳал, гўё, тўсатдан уйқуси ўчган инжиқ гўдакдай увв тортиб юборди.

— Отажо-о-он, увввв, ота-а...

У тошлоқ ерни алам билан муштлар, ғунажак бўлиб типирлар эди.

Бойваччанинг жазавасидан асов тулпорлар ҳам ҳайраглангандай кўзларини чақчайтиб, бошларини силкитарди. Чавандозлар бирин-кетин отлардан тушиб, лекин жилловларни қўлдан қўймай, ерга тиззалаб ўтиришди.

Сулаймон қисқагина мунгли тиловат қилди.

Фотиҳадан сўнг, тўда боши ҳамон ўзини босолмай, ҳиқиллаб ётган аламзаданинг елкасига жундор кўлини кўйиб:

— Ислоннинг турк навкарина кўзёш ярашмас, — деди хиёл бошқа лаҳжада.

Нур бойвачча, “эса, нима қилай”, дегандек, ёшли кўзларини унга қаратди. Атрофдагилар, худди шуни кутиб турган каби чувиллай кетдилар:

— Қонга қон! Ал-қасос!

— Ҳеч кимнинг дарди сеникидан кам эмас, — деди Сулаймон қамчи сопи билан йигитларга ишора қилиб.

Нур бойвачча чангга беланиб қад тиклади, хўрсинди. Сўнг, тоғлар ортидаги қишлоғи тараф ғамгигина қараб тураркан пичирлади:

— Менга ҳам яроғ беринг...

Унинг нақ икки йилга қўзилган қонли сафари худди шу тошлоқ сойдан бошланди.

Улар ўша кунисёқ Анвар пошшонинг буюк лашкарига қўшилиш ниятида Бойсун тоғлари томон йўл олдилар.

Кечга яқин бир тубсиз жар лабидаги сўқмоқдан ўтиш арафасида Нур бойвачча ёнма-ён от йўрттириб бораётган Сулаймонга ботинмайгина кўз ташлаб, ўгли ҳақида сўради. Сўради-ю, гўё, яна нохуш хабар эшитадигандай, дами ичига тушиб, юраги бежо ура кетди.

— Ўғлинг, — деб гап бошлади Сулаймон, сочқин ўйларини бир зум йигиб, — ўғлинг Нишон хизматкорнинг қарамоғида, хотининг... ўшанга тегди, қанжиқ...

У гапини тугатар-тугатмас, Нур бойвачча отига аччиқ қамчи тортиди...

Эртасига, пешин номозидан сўнг, бойвачча гўддайдиган ёшгина навкардан бир қулоч тасма топиб, ўғлига атаб келтираётган, ёғочдан устакорлик билан ясалган йўлчиқ тойни бўйнига дурбиндай осиб олди. Ўша фаройиб кийимли савдогарнинг лаби-лабига тегмай таърифлашча бу матоҳ нақ Фарангистонда ясалган эмиш.

Қаҳрли, суронли дамлар... Жангу жадал — Қашқар бозорида мол сотиш эмаслигини Нур бойвачча лаҳза сайин ҳис қила борди. Ўғлининг ҳидига зор димоғи, қон иси, ўқ-дори исига кўникди. Ҳатто, бу исларсиз туролмайдиган, кўзи тиниб, боши айланадиган азобга йўлиқди. Шу сабабданми, ҳар қалай, у савашларда шердек олишар, сачраётган қонни кўриб телбаларча хохолар эди.

Бир оқшом, сийрак арчазор устида алашиб чарх ураётган тўрғайга хаёлчан термулиб турган Нурбек, шундоқ ёнгинасида, бўйнидаги йўлчиқ тойга ошуфта тикилаётган сардорни сезмай қолди.

— Ўғлонимизни Оллоҳ паноҳ этсин! — деди сардор жилмайиб.

Бойвачча ҳайратланиб унга юзланди.

Ўғли борлигини у қайдан билди?! Сулаймон айтди-микан, ё? Унда “ўғлонимиз” демоқнинг боиси не? Ё, сардорнинг ҳам ўғли бормикан?

Нурбек тўда бошининг меҳрли тилагидан бўшашиб, кўлини кўксига кўйди:

— Ташаккур, афандим...

Уларнинг сардори Истанбул тарафлардан келган бўлиб, Анвар пошшонинг ишонган ноибларидан бири экан. Қизиллар орасида “Қари қоплон” лақаби билан донг чиқарган бу саксон яшар чолнинг ғоят тетиклиги ҳаммани ҳайратга соларди. Ҳатто, ҳарбларнинг бирида оғир яраланиб ётса ҳам хийла вақт кўзлари чақнаб турди. Ниҳоят, “Оллоҳа шукурлар... боболар юртина шаҳид бўлмак насиб этмиш...”, дея энтика-энтика жон берди.

Ўшанда Нур бойваччанинг қилич тутганига роса бир йил тўлган эди. “Қари қоплон”нинг мурдаси совимай туриб, кўрбошилиқ даъво қилмиш бир чақчайган ғаламисни у қоқ оғзидан отиб ташлади. Сўнг, ўша чошгоҳ улуғ қарияни иззат-икром билан кўмишгач, Нурбекнинг ўзи усталик билан йигитларни савашга бошлаб кирди. Энди, у — Нур кўрбоши эди!

Кўп ўтмай, Анвар пошшо ҳам дайди ўққа учди-ю, “буюк лашкар” тўзғиб қолди. Беклар, понсоллар ҳоқимлик талашиб бир-бирларига тиг кўтардилар. анчадан буён саросимада юрган қизил кўшиннинг елкасига офтоб тегди.

Нур кўрбоши эса эси борида этагини йиғдию юзтача навкарини бошлаб, яна изига — ўз қишлоғи ёққа қайтди. Улар йўл-йўлакай — Оқбош овули атрофида катта бир тўдага йўлиқишди. Учраган тўда сардори Нурбекни менсимай, унинг бўйнидаги фаранги ўйинчоқни яйраб-ййраб мазах қилди.

“Ҳали гўдак экансан-ку, ота ўғил, йигитларни менга топшир, ҳаққи учун бошқа зўр ўйинчоқ топиб берман” дея қаҳ-қаҳ отди. Бироқ ўша тунда, унинг ўзи саксон азаматни “гўдак”ка мерос қолдириб, заҳарланган қовурдоқдан тил тортмай қулади.

Ўша йили Нур кўрбоши Бойсун тоғ этақларида ивириб қолиб кетди. Лаънати қизил кўшин деганлари дақиқа сайин кучайиб борар, ҳар учраган сайхонлик, ҳар учраган довонда милтиқ ўқталиб турар эди.

Нурбек йигитларини зимдан кузатаркан, улар ҳам, ўзидан баттар, ҳориб, эзилиб бораётганини, милтиқлар гумбуридан, қиличлар жарангидан безиб бўлганини ҳис қиларди. Қайсидир кеч, полвон йигитлардан бири ўзини жардан ташлаб юборди. Раҳматликнинг изидан ҳавас билан қараб қолмиш навкарларнинг шивир-шивирича, хувв, қир этагида бечоранинг ўйнаб-ўсган овули қолиб кетаётир экан.

Шундай қақшаган кунларнинг бирида, улар кенг ялангликда бемалол чувалашиб, еб-ичишаётган ёғий устидан чиқиб қолишди!

Аввалига, Сулаймон уч азаматини ёнига олиб, қай бир арча панасида, босмачилардан кўра командирларидан бекиниб, хотиржам қартабозлик қилаётган тўрт соқчини кўйдайд бўғизлаб келди.

Андан сўнг, қонсираб, тўлқинланиб турган юз йигирма нафар чавандоз баб-баравар отлар жиловини бўшатишди. Кенг ялангликни ваҳший қийқириқлар қоплаб кетди.


— Ўқ отилмаси-ин! Фақат бурдала-а-анг, бурдаланг! — дея ўқирарди кўзи қонга тўлиб, куюндек чарх уриб бораётган кўрбоши. Унинг бўйнидаги ўйинчоқ той шиддатдан афсунгардек силкинар, гўё сардорини тортқилаб-тортқилаб қирғинга ундаётгандай кўринар эди.

Буткул ваҳимада қолган ҳангу манг қизиллар палапартиш ўқ уза-уза дуч келган ёққа тумтарақай қоча кетдилар. Жанг ҳидини сезган отлари эса аччиқ-аччиқ кишнар, қоziқлари атрофида чир-чир айланар эди.

Урҳо-ур ичида калхатдай шўнғиб келмиш кўрбоши иккала кўлини ҳам жони борича кўтариб жавдираётган аскарнинг бўғзини тилиб юборди. Ариқдай очилиб қолган кекирдакдан шариллаб иссиқ қон отила кетди. Ундан сал нарида кимдир аллақачон иккига бўлиб ўтган гавда типирлаб ётарди.

Ғолиб қийқириқларга бир зумда доду фарёд, ингроқ саслари қоришиб кетди. Отлар туёғидан кўтарилаётган чанг-тўзон кенг ялангликни кирчил пардадек қоплади.

Кўз очиб юмгунча, чавақланган юзга яқин ёғий ас-



кари куюқ қон буғи таратиб, дўппайиб-дўппайиб қолдилар.

Чиндан ҳам, бугун тўймисан тўй экан. Асирлардан бирининг тутила-тутила тушунтиришича улуғ инқилобнинг нечадир йилигини тантанали нишонлашаётган экан.

Ғолиблар қаҳ-қаҳ отиб кулдилар. Асирлар эса ўйчан кезинаётган кўрбошининг бўйнидаги фаранги ўйинчоққа ноумид термулиша-термулиша ўз тақдирларини кутишарди.

Нурбек, ниҳоят, ҳорғин-ҳорғин кўзларини олис-олис чўққилар томон олиб қочаркан буюрди:

— Отиб ташлансин!

Орадан ойлар ўтиб, қизилларнинг бешафқат таъқибларидан қоча-қоча, қишнинг қаҳрли аёзларида форма-ғор биқиниб дийдирашаркан, ўша охириги ғалабани лаззат билан эслаб юришди.

Нур кўрбошининг кўнглига қил сиғмасди. У ҳарбларнинг бирида дайди ўқ ярмини юлиб кетган ўйинчоқ тойни бағрига босганича қаҳратондан бир амаллаб чиқиб олиш режаларини ўйлаб ўтирарди.

Ҳеч гўрдан таъминотнинг йўқлиги, устига устак, теваракдаги бошқа тўдаларнинг, худди душманига қарагандай, ғижиниб олайишлари йигитларнинг кўнглини буткул чўктириб юборганди. Яратганга шукурким, баланд-баланд қоялар орасидан манови — қўй қумалоқлари бўйрадай тўшалиб ётган ғорлар топила қолди. Ҳар нечук бошпана.

Йигитлар теварак-атрофда ғиж-ғиж ўсиб ётган арчалардан келтириб ғорлар ўртасида гулханлар ёқишар, сўнгра ловуллаб ёнаётган олов теграсида тўп-тўп ўтириб, турли-туман хаёлларга ғарқ бўлишар эди.

Ғорлар ичида бўртиб-бўртиб чиққан тош бўлақлари, аллақандай дарахт илдизлари тез орада қора қурум билан қопланиб кетди.

Бир куни аср номозидан сўнг ўнбоши Сулаймон секин пичирлади:

— Нур, қишлоқлардан ўлпон йиғайлик, йигитлар оч!

Кўрбоши ялт этиб унга юзланди:

— Шунча йил қон кечмоқдин мақсадинг шу эдим, қори?!

Сулаймон унга гап уқтириб бўлмаслигини англаб оғир тин олди. Кўрбоши эса кўзларини чала юмиб, “ярадор” ўйинчоқни силаганича яна хаёлга чўмди.

Сулаймоннинг гаши кўзғолди:

— Ўйинчоқ ўйнагунча, — деб димоғидан кулди у, — навкарлар ғамини е!

— Сулаймон! Оқбошдаги сардорни унутма! — деди Нурбек ўзини аранг босиб, аммо югурук қўллари, бехитиёр, ёнидан маузерни, суғурдию тиззасига қўйди.

Ўнбоши шарт туриб, энгашганча ғордан чиқиб кетди ва ўша тунда гумбурлаган ўқ товушидан ҳамма оёққа қалқди. Изидан, Сулаймоннинг алам-изтиробли мазага лиммо-лим ҳайқариғи тоғлардан тоғларга, даралардан дараларга урилиб янгради:

— Э, ҳе-хе-хе-хе-ей, — (овоз қайдан келаётганини ҳеч ким илғаёлмасди) — Нурбекка ишонмангла-ар, у ўғлини қутқариш пайида юрибди-и-и, барибир, сизларни сотади-и-и!

Нур кўрбошини титроқ босди: “Ё, оллоҳ, бу не кўргулик...” лекин шу лаҳзаёқ, гапга чечан навкарлардан бирининг жавоби кўнглини тоғдай ўстирди.

— Ҳей, — деди у бутун зулматни ларзага келтириб. — Сен ҳезалакда йўқ бўлса йўқдир, биз ҳаммамиз ўғилли-

и-и! Ҳаммининг нияти би-ир!

Навкар ғамини тугатар-тугатмас, чийиллаб келган ўқ орқалаги қояга урилди.

Тўданинг ярмини Сулаймон авраб, эргаштириб кетган экан. Отишма бошланди.

Қарийб икки йилдан буён ўқ ёмғири остида изғиган Нур кўрбоши, илк бор, шу ерда елкасидан яраланиб инграганича қулади... ва зор-зор қутилган кўкламнинг ўрталарига довор турмади.

Тоғларда қорлар эриб, дарёлар шовуллай бошлади, кушлар чуғурлашиб, кўкатлар бўй тараб қолишди.

Бироқ аламзада тўданинг юрак бағри ҳамон муз эди.

Кўрбоши туну кун алаҳлаб, мулозимлар куршовида ётар, гоҳо ўғлини чақира-чақира сапчиб туриб, ғор оғзини қидира қолар эди. Мулозимлар ҳай-ҳайлашиб, қўлига ўша... “ярадор” от ўйинчоқни тутқазишгач, қалтирай-титрай, ўз-ўзидан тинчиб яна чўзиларди.

Ниҳоят, навкарларидан ҳам баттар озиб-тўзиб кетган Нурбек оёққа турди. Эртаси куни садоқатли мулозимлар кўрқа-писа гап бошлашди:

— Бек, бу ерларда энди кунимиз битганга ўхшайди, ўзга юртларга бош олиб кетайлик...

— Сиз Қашқар тарафларини хўб билармишсиз...

— Иншооллоҳ, яна қайтармиз...

Кўрбоши сесканиб-сесканиб тушди, аммо, озғин қўллари бу гал тўппончанинг совуқ дастаги томон узалмади.

Мулозимлар ҳақ эди. Буткул ҳолдан тойган йигитлар арзимаган ҳужумга ҳам дош беролмасдилар. Худога шукр, қизиллар негадир йўқлаб келишмаяпти, ё, “аёзда қирилиб битган” дея ўйлашайптимикиан?! Устига-устак, Тоштубёқдан — Нурбекнинг суюкли тулпоридан бошқа ҳамма отларни сўйиб ейишганди...

— Сафарга тақ эмасмиз ҳали, — деди кўрбоши оҳиста, у гап оҳангидаги розилик аломатларини пайқаган мулозимлар енгил нафас олдилар.

Олис ва оғир йўлга тараддуд роса бир ойга чўзилди. Ўқ-дори, озиқ-овқат ғамладилар. Ҳатто, шу атрофда қўй боқиб юрган чўпонни ишга солиб, яна ўн беш нафар от ҳам топишди.

Аммо сафар соатлари яқинлашган сайин йигитлар алланечук каловланиб, паришон кезинадиган одат чиқармоқда эдилар. Айтиқса, кўзларида битмас-туганмас карахтлик қотиб қолган Нур кўрбоши кундан-кунга букчайиб борарди. У баъзан кун бўйи туз тотмай, қорни оғриётганини баҳона қилиб, қирма-қир дайдиб юрар, чирқиллаб учаётган кушларга, асрий арчаларга, ҳайбатли қояларга соатлаб тикилиб ўтирар эди. Лекин отдан тушсаям эгардан тушмайдиган бу қайсар, навкарларига тез-тез аччиқ-тизиқ буйруқлар қилар, гоҳо ўзи-ча ҳазил-мутойибачига айланар, ишқилиб, ҳеч кимга сир бой бермаслик илинжида бўлар эди.

— Эртага отланамиз! — деди Нурбек, ниҳоят, май ойининг охирларида.

Ўша кеч хуфтон номозини ҳаддан ташқари эзиб ўқидилар. Фотиҳалар кетидан фотиҳалар, илтижолар кетидан илтижолар жаранглади.

Ибодатдан сўнг, бошлари тагига эгар-жабдуқларини қўиб, ҳамма жим-жим чўзилди.

Тун... Тақдирдек қоп-қора тун! Юсак чўққилар тарафдан совуқ шамол эсмоқда. Шошқин сой бўзлаб шовуллайди. Тун ҳашаротлари тинмай чирқиллайдилар.

Нур кўрбоши сачраб кетган учқунлардек кўк тўла юлдузларга термуларкан, ҳувв, ажойиб ёз кечаларидан бирини эзилиб эслади. Ўшанда, чорбоғлари ўртасидаги

супачада ағанаб ётар, хотини илондек тўлғониб унинг қўл-оёқларини уқалар, ўғилчаси эса осмонга қўл чўзиб “юлдуз обберинг”, деган маънода хархашалар қиларди.

“Катта бўлсанг, ўзинг оласан” дейишарди эру хотин гўдак инжиқлигидан баттар завқланишиб.

Ҳозир ўғли роса еттига тўлган! Уни кўрса танирми-кан?! Танийди, танийди! Ахир, Нур уч яшарлигида олис савдо сафаридан қайтувчи отасини топиб, олдига югуриб чиққанди-ку?!

Кўрбоши аёл ва гўдак исини димоғида туйиб бесаранжомланди. Шу чоқ сал нарида ётган йигитлардан бири:

— Юлдузлар йиғлапти, — деди шивирланиб.

Нурбек ялт этиб унга юзланди. Аммо, навкар бутун борлиқни унутиб, кўклан кўз узмас, ҳатто илкис кўзғолиб, юзига бақрайиб тикилаётган сардорни ҳам сезмас эди.

Кўрбоши яшин тезлигида ўн беш навкарнинг бари-га бир-бир анграйиб чиқди. Не кўз билан кўрсинки, унингча аллақачонлар донг қотиб ухлаётган йигитлар... мўлтиллабгина қараб ётар, гўё, алланечук фаройиб муסיқани қилт этмай, нафас олмай, қайта-қайта тинглар эдилар.

Кўрбошининг гимирлаб қолганидан сергак тортган ўнг мулозимини оҳиста ёнбош бўлди, лекин ҳамшишагидай, “нега безовтасиз, бек?!” дея сўранмай, тубсиз қоронғуликка тикилиб тураверди.

— Бек, — пичирлади у, — сой мунчалар шовуллади-я?!

— У ҳам соғинади, — деб юборди Нурбек беихтиёр.

— Ҳа, соғинади, — деди аллаким туриб ўтираркан.

Қолганлар ҳам бирин-кетин кўзғолиб қолдилар:

— Ҳа, соғинади.

— Ҳа, соғинади.

— Соғинади...

Навкарларининг ҳар бирига мўлтираб-мўлтираб тикилаётган Нур кўрбошининг ўз-ўзидан ўпкаси тўлиб келарди. Бир маҳал у шартта чўкка тушди:

— Йигитлар...

Бироқ, бўғзига муштдек тикилган хўрлик гапирмоққа қўймади.

— Йигитлар...

У шундай дедию ортиқ бардоши етмай, ўкириб, ёнидаги мулозимининг тиззаларига ўзини ташлади.

Ҳеч ким уни тинчлантормасди. Гўё, кўпдан интиқ қутилган ёмғирда ивиётган ишқибозлардек, маънос энттика-энттика жим ўтирардилар.

— Азизларим, — деди Нур кўрбоши кўз ёшларига қоришиб бош кўтараркан, аллақандай хирқираган, хириллаган товушда. — Рухсат берингиз, биродарлар, ўғлимни опкелай, Оллоҳ ҳақи, ортиқ тоқат қилолмайман...

У жавоб ҳам кутмасдан сапчиб кўзғолди-да, эгар-жабдуғини ердан супуриб кўтарди.

— Бек, — деди ўнг мулозим туриб-туриб, — Ёлғиз кетманг...

— Йўқ-йўқ, ўзим... У ёқда қизиллар қароргоҳи...

Эгасининг шарпасини сезган Тоштуёқ қисқа-қисқа кишнаганича депсиниб турарди.

— Бизни кутинг, — деярди Нур кўрбоши орқа-олди-га қарамай, отни чоғлар экан. Эрган саҳар шу ерда бўла-миз, иншооллоҳ!

Кўп ўтмай учқур тулпор туёқларининг гумбур-гумбури бутун тоғу тошни туйиб кетди.

* * *

Шомдан сўнг теварак-атроф зулмат чодрасига буркандию, Нур кўрбоши аланглай-аланглай харсанг панасидан чиқди. Улкан арча тагида пишқира-пишқира ўтлаб турган Тоштуёқ қулоқларини диккайттирганича орқасидан қараб қолди.

Нур кўрбоши бу ерларни бешқўлдай биларди. Аммо, айни пайтда, тошдан тошга кийикдек сакрай туриб тўрт тарафни эҳтиёткорлик билан кузатар, тиқ этган ҳар товушга, нафас олмай, сергакланиб қулоқ тутар эди.

Қишлоқ итлари бири қўйиб, бири олиб узлуксиз хургани-хурган. Унда-мунда милтиллаган чироқлар кўзга ташланади. Хувв, қир этагида адашиб қолган бузоқ мўнграмоқда. Аллақайдандир чала куйган тезак ҳиди анқийди.

Нур кўрбоши зум ўтмай сойга тушиб, нафас ростлаш дардида ер бағирлаб ётди. У пухта режалар тузиб олганди ўзича:

“Боради. Ҳовлининг қоронғи бир бурчида биқиниб лаънати Нишоннинг ташқари чиқишини кутади. Албатта, чиқади у ебтўймас. Ўша пайт, шартта бўғзига тўппонча тираб: “Ў, ҳароми, — дейди. — Жонингдан умидинг бўлса, фингинг чиқмасин, мен ўғлимни оламану кетаман!”... Ёки тўппа-тўғри бориб, эшикни тақиллатади, ичкаридан анови нонкўрнинг саси чиқди дегунча, бир зарб билан эшикни кўпоради-ю бостириб киради. Агар гапга кўнмай ҳунар кўрсатгудек бўлса...”

Нур кўрбоши қавжироқ лабларини қимтиб, мушукдек пуса-пуса илгарилаб бораркан, югурук қўллари беихтиёр яроғ излаб пайпасланди.

Мана, бостирмалари хурпайиб турган, биринчи ҳовлидан ҳам ўтди. Анови қорайиб кўринаётган жой, собиқ қайнотаси — тегирмончининг уйи! Унгаям, қизигаям минг лаънат! Наҳотки, уч талогини олмай туриб, бошқанинг қўйнига кириш шунчалар осон? Яна келиб-келиб Нишон ислиқига теккани-чи?

Нур кўрбоши тўнғиздай ет-сўлли Нишоннинг тузсиз кўзларини хаёлида жонланттираркан, нафрат ва жирканчдан бўғриқиб кетди. У, бир вақтлар, катта шаҳар бозорида гадоилик қилиб юрган кезлари қоқсуяк нарса эди, Нурнинг отаси ачина-ачина уни бу ерга эргаштириб келди-ю, йил ўтмай новвосдай семириб кетди, зангар. Аммо бўрдоқи боқиш, отларга қарашиш, деган хизматларни дўндирадди. Балки шунинг учун ҳам уни ҳалиги... нима эди, ҳа, шўро раиси этиб тайинлашгандир? Балки, анови мегажин шу мансабига учгандир? Эҳ, барибир, таги пастлигига борибди-да, қанжиқ?! Туф, ҳаммасига туф, унга ўғли керак, ўғли! Ўғлини олдаю Тоштуёқни тўпирлатиб йўқолади бу ерлардан.

Кўрбоши аламли хаёллар гирдобиди ҳамон шарпадек сирғаниб борар, ҳар уч қаламда теваракни аланглаб-аланглаб кузатар эди.

Хувв, тепаликдаги ҳашаматли бино — бечора оқсоқолнинг уйи. Кўрбошининг қачонлардир эшитишича, ҳозир у ер аллақандай шўронинг идораси эмиш. Шу гап тўғриёв, ана, атрофида бир аскар паришон айланиб юрибди. Шу орада Нурбекнинг кўз олдида Сулаймон қори жонланди-ю, ич-ичини изтиробли қўмсаш тимдалаб ўтди: “Эҳ, дўстим...”

Бир маҳал кўрбошининг хаёллари ҳазондек тўзғиб, бутун вужуди титраб кетди. Ахир, қирқ-эллик қадам нарида унинг уйи мунгайибгина турарди! Ана, ота макон!

У бир пайтлар анови қўшқанотли дарвозадан, ингичка мўйловини силаб, оҳорли кийимларда, чақмоқдай бўлиб чиқиб кетганди.



Мана қайтди...

... бошида салла қийиқча, соч-соқоли ўсиқ, кир-чир, эгнида юққариб кетган олача тўн, белида “Қари қоплон”дан қолган қўрбошилиқ камари.

... бўйнида ўша антиқа ўйинчоғу ёнида яроғ билан қайтди!

Ҳовли атрофи тошлоқ билан ўралган. Сал пастда ястаниб ётган чорбоғ, гўё, кимнидир йўқлагандай, маҳзун шовуллайди.

Нурнинг отаси дабдабаю ҳашамга сира қизиқмасди. Шу боис ҳовлилари кенг бўлса-да, аммо кўримсизгина. Яхшиям шундайлиги, эсам уларниқиям ҳалигидақа шўро-тўраларга ин бўлиб кетган бўлармиди? Лекин, барибир, ҳовлининг Нишонга қолгани Нурбекни алам ўтида қовурарди. Берса, ана, Эрмат чўпонга берсин эди, ана, Мирзо боғбонга берсин эди.

Айтганча, қай бир шаҳарда ҳам отасининг ҳайҳотдай уй-жойи, бола-чақаси бор, деб эшитувди, уларнинг аҳволи нима кечди экан?! Эҳ, бу дунё!

Нур қўрбоши тош девордан ошиб, ичкари тушди. У тобора сутдек кўпира бораётган ҳаяжондан қалт-қалт титрар, гурс-гурс уриб, нафаси қайтар эди.

Қўрбошининг назарида, ҳозироқ, югурдаклар пешвоз келиб хизматига илҳақ турадигандек, отаси айвонда ёнбошлаб чой ичаётгандек, бош ирғаб, Нурни ёнига имлаётгандек туюларди. Унинг ўй-хаёлида ажойибдан-ажойиб манзара лоп-лоп жонлана бошлади:

...ана, дераза ойнасидан кузатиб турган хотини, кўз-кўзга тушгач, нозлана-нозлана ўзини панага олди. Зум ўтмай, ичкаридан зав-шавқ билан ўғилчаси пилдираб чиқди...

Нурбек, ҳатто боласининг шодон қийқириғини эшитгандай бўлди.

Бироқ ҳовли қабристондек ҳувуллаб ётарди. Фақат нариги чеккадаги ҳужра деразасидан чироқнинг хира ёғдуси липиллаб турарди.

Ишком тагида сerratийиб қолган Нурбек, қалт-қалт титраб ўша ёққа юрди. Шу тобда у қай ниятда келганини буткул унутган, шомдан бери пишитиб юрган режалари кераксиз бир хаёлга айланиб қолганди.

Қўрбоши журъатеисизлик билан ҳужра эшигини тақиллатди. Шу лаҳзадаёқ, ёш боланинг “отам келди, отам”, деган қувноқ овози ва дуп-дуп югургилагани эшитилди.

— Ўғлим!

Нурнинг зор қақшаган бўғзидан, юраги тубида зардобдек йигилиб ётган соғинчу илҳақлик, ўкинчу севинчу биргина шу сўз тусида отилиб чиқди:

— Ўғлим!

Аммо ичкаридан бошқа садо чиқмади. Нурбек эса ўз-ўзидан қайнаб тошаётган кўз ёшини арта-арта, эшикка қапишганича турарди. У шу чоғда, қоча-қоч, қувақувлардан буткул зада бўлганини, ҳеч қаёққа ошиқмаётганини, ҳеч қачон энди ортага қайтолмаслигини чуқур ҳис қилди. Қанийди, дунёда ёғий зоти бўлмасая у бир умр мана шу қўпол эшикка суяниб турса?!

— Ўғлим, — деди Нурбек яна ботинмайгина эшикни тақиллатаркан.

Ичкаридан аёл кишининг жон ҳолатда пичирлагани кулоққа чалинди-ю, қўрбоши бир сесканиб ўзига келди. аллақачон уни тарк этган нияти, режалари яна қайта миясида чарх ура бошлади.

Демак, ичкарида ўғли ва анови!... Нишон қайгадир йўқолган! Афтидан, анови болани эшикка йўлатмаяпти! Шу пайт, гўё Нурбекнинг фикрини тасдиқлагандай, ўктам болакайнинг чарс-чарс овози эшитилди:

— Отам мажлисда, сиз — босмачи! Кетинг! Кетинг!

Қўрбошининг кўз олди қоронғилашиб, эшикни зарб билан итариб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Бир бўлак занжири учиб кетган эшик қарсиллаб очила кетди. Очилдию ичкаридан аёл кишининг “Вой!” деган ожизона саси, ёш боланинг ваҳимали чинқириғи ташқарига отилди.

Қадрдон ҳужра хиди, кўзга таниш манзаралар гоят довдиратиб қўйган Нурбек, бир зум карахт бўлиб турди.

Токчадаги эски чироқнинг хира ёғдусидан васса жуфтлар, тахмонлар, девордаги уч-тўрт қоziққа илинган кийим-бошлар андак ёришиб турарди.

Ана! Ана унинг ўғли! Унинг аслони! Э-ҳе, катта йигит бўлиб кетибди-ку?

Нурбек бўсағага секин чўнқаяркан:

— Ўғлим, — деди энтикиб.

Аммо бир бурчакда тошдек қотган, кўзлари ола-кула хотиннинг этакларига маҳкам чирмашиб олган болакайдан ҳеч бир садо чиқмади.

— Ўғлим, бу мен, — деди Нурбек аранг, — танима-япсанми, болам?!

Сўнгра у хўрлиги келиб, қучоғини кенг ёйганича ўғли томон судракланди.

Болакай эса ҳиқ-ҳиқ йиғлаб, орқага тисарилаверди.

Ё, Оллоҳ! Бу не кўргулик? Уч йилдики, хаёлида зор-зор кутган, чопқиллаб йўлига чиққан, бўйнига эркаланиб осилган ўз ўғли танимади-я?!

— Бу мен-ку, ахир, болам! — деб қақшади қўрбоши кўз ёшларини тиёлмай. — Кел, бир бағримга босай, кел!

Шу чоқ орқа тарафдан дўриллаган буйруқ янгради:

— Қимирламанг, қўрбоши!

Нурбек тиз чўккан жойида шарт ўгирилиб ортга қаради: “Нишон!”

У бўсағада тўппонча ўқталиб турар, изида яна ўн чоғли навкар милтиқларини шайлаб ичкарига мўралашарди.

— Хуш келибсиз, — деди Нишон димоғидан кулиб. — Биз сизни ёлғиз кутмагандик, қолганлар қайда, бек?

Қўрбоши сийрак қошларини чимириб, қақроқ лабларини қимтиб яна ўша қирғин дунёсига қайта бошлади. Соғинчу илинжнинг, ўкинчу севинчнинг омонат дунёси яна тўзғиб кетди.

— Ота-а-а!

Онасининг пинжида биқиниб турган болакай Нишон томон ҳайқириб югурди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини энтикиб кўзатаётган Нурбекнинг ич-ичида нимадир узилиб кетгандек бўлди ва...

Кўз очиб юмгунча варанлаган ўқ товуши ҳовлининг ичу ташини зириллатиб юборди. Изидан, ўз ўқи ўз бўғзини тешиб ўтган Нур қўрбоши гурсиллаб кулади. Бўйнида осиглиқ ўша ғаройиб ўйинчоқ той қонга беланганича сирғалиб ерга тушди...

Ўша кун Тоштуёқнинг аччиқ-аччиқ кишнаши бутун тоғу тошни титратди. Қадрдон отхона хиди олиб келган бу тулпор ўз чавандозини излаб тошқолоқ тева-рагида чир-чир айланарди.



ҚУТЛИБЕКА

ҚАТТИҚ УШЛАР ЮРАКДАГИ КУЧ

КУЧ

Баҳайбат булутлар пода кўппакдек,
Озгин тортган кунни қаттиқ талайди...
Тепадан томчиган қонимдир чак-чак,
Гунгу лол балиқлар очқаб ялайди.

Хондан фармон олган қулдек чирпирак
Шамолга ёл битган, гувлаб, кучаярди.
Чўчиган қушчалар тўзгир чирқираб,
Қариган оғочлар баттар букчаяр.

Ётиб тура бошлар сўлгин кўкатлар
Кўлмаклар жонланиб, сақраб, сачрайди.
Турганларга тўлиб кетар бекатлар
Юрмоққа интилган дарров чарчайди.

Эшик, дарчаларни зич ёпамиз, зич,
Ҳаволар қисилиб, тораяр хона.
Кўниккимиз келар: излаймиз севинч,
Топамиз чиройли дилдор баҳона:
Эртага бошқача отиб қолар тонг...

* * *

Худойим, инсон бер қўлимга,
бармоғим яроққа дўнмасин,
газабнинг амрига кўнмасин.
Худойим, инсоф бер дилимга,
Азобдан ақлини йўймасин,
умидни пичоқлаб қўймасин.

Худойим, инсоф бер кўзимга,
садоқман, деб хато кетмасин,
қароғим қора ўқ этмасин!

Худойим, инсоф бер сўзимга...
Титилиб борадир ишқ жойим.
Ўзгартса бир севги ўзгартар мени,
Ўзгартса бир севги ўзгартар бизни...
Бизга кўп муҳаббат бергин, худойим...

ВАТАН
Отамга бағишладим.

Димиқиб яшаймиз кўзада
Ютиб ётган сувимиз тахир.
Кеча биз қалқмадик юзага,
Бугун ҳам қалқмасмиз барибир.

Эртага... билмасман эртани,
Кимлар — тангри, кимлар — маъбуда.
Лекин биз қоламит ўрганиб,
Шу кўза тубида — ҳасрат тубида.

Биз бўлмасмиз пўкак сарбози,
Қаттиқ ушлар юракдаги куч.
У Ватандир — бир қисим мозий,
Лекин бутун қувонч, қайғу, ўч.

* * *

*Мен футболчи бўламан.
Нажотнинг истаги.*

Кўлингга қарайман, толнинг чивиғи,
Узун оёқларинг қўлинг шериги.
Йўқ десам, кўзингдан гулнинг чиғидай —
Томчилар томчийди. Бағрим эрийди.
Катта ўйинларда кичик юрагинг
Худди Ўбекистон дарвозасидай,
Ҳар тўпга жонингни келар тўлагинг,
Енгиллиш ор-номус, шаън азасидай.
Мағлублик алами бепичоқ сўйса,
Сени майдонларга келар туپиринг.
Йигит енгилмайди, юргини сўйса,
Ишқнинг енгилганин ким кўрибди, ким?
Ким “Енгиш ё ўлим” дея чўкиб тиз,
Ватан байроғини ўпса ҳар сафар
Майдонда сезади бир қудрат тенгсиз,
Қийналиб бўлса-да топади зафар.
Кўлингга қарайман, толнинг чивиғи,
Узун оёқларинг... айтмоқ на ҳожат?
Фақат ёлқинлар кўз қорачиғинг,
Менинг бор умидим кўзингдан, Нажот!

БЕМОРОСИЗ...

Кумушланган сочларингни силайман мен,
Кундан беш бор омонлигинг тилайман мен.
Юраккинам галвирмиди — дард тутмайди,
Силасам ҳам, тиласам ҳам йиғлайман мен.

Кўзмунчоғинг кўзикдими — узилдими,
Юртингни юки яна сенга сезилдими,
Суякларинг синган ёди шу юклардан,
Рух қушингни қаноти ҳам эзилдими?

Ёнган жонга янги ёниқ ўт ишлашди,
Юрагимнинг урушлари секинлашди.
Бу дунёда кўрган бахтим шу эканми,
Наҳот, видео соатлари яқинлашди?

Худойимга исёним йўқ, бўйсунаман,
Фақат юрак ёмон оғрир, ўйсинаман.
Гўдакларим ёвғитдаги ризқин терар,
Не бўлари менга бўлар, мен синаман.

Ҳақ олдиға жоним кўйиб, жонинг тилай,
Сўзу сасим етгунча нолиш қилай,
“Ажал билан олиш қилу енгсанг, сенга”
Ҳақдан шундай амр бўлса, олиш қилай.

Ажал енгса, икки юзи қорадирман,
Йиғлаб-йиғлаб қора тошни ёрадирман.
Кўкка учсам, ерда қолар деб ўйлама,
Суягимдан нарвон ясаб борадурман.

Кумушланган сочларингни силайман мен...



ОТАУЛИ



ҲИСОБОТ

Ҳикоя

Ўзбекдек ўзига ўзи ғалва орттириб, ўз қобиғига ўз ихтиёри билан ўралиб, кундалик ташвишларга кўмилиб яшайдиган халқ бу оламда тагин борми экан?! Ҳар бир ўзбекнинг бошида бир дунё ташвиш-дунё ташвиши: уйланиш, ўғил-қизларни ўстириб-ундириш, уларга сеп йиғиш-уй қуриш, кейин узатиш, уйлантириш, хуллас иш, иш, иш: На ҳузур, на ҳаловат, на сафар, на саёҳат, на ором, на фароғат. Шунга яраша майли ҳеч ким «Мана, фидоий ўзбек!» деб ҳайкал қўймасин. Майли миннатдор бўлиб раҳмат ҳам айтмасин. Ақалли ёмонотлиқ қилмай, бир оғизгина «Эй, яшанг-э, омон бўлинг-э!» деса экан! .. «Туя лўк-лўк этади, устидан карвон ўтади». Ҳолбуки туянинг ўзи ҳам дунёнинг устун эмас, лўкилла-лўкилла бу оламдан ўтади- кетади кунлардан бир куни!..

Нормухаммад одатдагидек тушлик пайтида ишхонасидан чиқиб, уйигача икки чақиримлик йўл бўйлаб илдам одимлар экан, ҳалигина чиқаверишда беҳос учратиб қолган эски қадронининг гапларини ўйлади. Ўзидан ўн ёш катта бу одамга ҳаваси келди: ўз бошидан бошқа ҳеч бир ташвиши йўқ. Ҳар йили тараллабеод, ҳар ойи сафар-саёҳат, ҳар куни байрам! Бирор йил аввал кўрганида Тибет, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Цейлон ва ҳоказо Шарқ мамлакатларини бир сидра айланиб қайтганини айтиб мақтанган эди. Бугун бўлса, куни кеча Австралиядан қайтибди-ю, энди бир муддат нафас ростлагач, нақд олти ойга Антрактидага кетмоқчи экан! Ер юзиде кўрмаган фақат шу «Оқ қитъа» гина қолибди, холос. Шу боис «Майли, омонат жон йўлда қолса ҳам розиман» дея тилхат ёзиб бериб, «ҳал қилувчи сафар»га отланиб турганмиш. Олтмишдан ошганда олти ой оқ қитъага «ҳаё-ҳуйт!» дея бош олиб кетиш!.. Ўша Афанасий Никитиннинг ашаддий шогирди учун қанчалик осон бўлса, ўзи учун шунчалик қийин, ҳатто ақлга сифмайди...

Нормухаммад одатдагидек йўл-йўлакай нон дўконида харид қилган беш бўлкани тўрва халтага жойлаб, супрақоғти қизининг мактабига зингиллади. Зингиллар экан, баттар хуноби ошди. Бундай елиб-югуришларнинг ниҳояси борми сира? Қачон ўзидан тиниб-тинчиб, бамайлихотир «қарилек гаштини суриб» яшар экан? Шундай кун ҳам келармикан? Шундай кунга ета олармиканман?

Ўйлаб қараса, эллик тўрт ёшининг роппа-роса эллик йилини, демакки, ярим асрлик умрини ё мана шундай елиб-югуриш, ё энг шимариб ишлашларда, ё бошқотирма ҳисоб-китобларда ўтказибди. Кўпинча уччаласиниям бир қўшиб!.. Эсида, тўрт беш-ёшидаёқ раҳматли отаси янги уйни чала қуриб, янги ер ўзлаштирар экан, ўша ернинг тақдирини уч ўғлига топшириб, ўзи

давлатнинг ишига кетар эди. «Мана, қудуқ тўла сув, мана, «насос» деган мўжиза, ана, навнихол кўчатлар! Мен келгунимча ҳаммасини уч қайтара суғориб қўясанлар». Олти-етти яшар ака билан уч-тўрт яшар уқанинг ёнида навбатба навбат қудуқдан челақда сув ташиб ҳисоблардилар - ҳисоблаб таширдилар: бир челақ, икки челақ, уч!.. Кейинчалик бўйи андак чўзилиб, янги уйни сувоқ қилаётган отасига замбилгалтакда лой таштирар экан, тагин - бунисини энди тилда эмас, дилда, ичда, ич-ичда - ҳисобларди: бир ғалтак, икки ғалтак, уч!..

Ўн олти ёшида отадан етим қолганида эса, тилида ҳам, дилида ҳам ҳисобига-ҳисоб қўшилди, тўнғичи - йигирма яшар, кенжаси - олти ойлик тўққиз етим, онаси билан қўшиб ҳисоблаганида боқувчисиз қолган ўн жоннинг кўрган куни, айниқса, акаси ўқишини сиртқига ўтказиб, ўзи мактабни битиргунча бирор йил... ё тийин санаш, ё кун санаш, хуллас, асосан ҳисоб-китобларда ўтди. Етуқлик аттестатини қўлига олган заҳоти зилзиладан кейинги Тошкентга келиб, кундуз-қурилишга ишга, кечқурун — университетга ўқишга киргач, ҳисоб-китоблари бошқачароқ тус олди: ҳудоба шукур, ҳам ишлаб, ҳам ўқий бошладим!.. Ҳудоба шукур, акам уйланди... Ҳудоба шукур, опам турмушга чиқди... Ҳудоба шукур, синглим ўқишга кириб олди!.. Ҳудоба шукур, укаларим ҳам қад ростлаб, қаторга қўшилиб келяпти!.. Ҳудоба шукур, мана, ниҳоят, диплом ҳам қўлга тегди..

Олти йил қурилишда ишлаб - университетда ўқиб, бир йиллик ҳарбий хизматни ҳам ўтказиб, йигирма тўрт ёшида республика ҳисоблаш марказида иш бошлаган Нормухаммад ҳисоб-китобнинг каттасини ўша ерда кўрди. «Ҳисобли дунё» деганларича бор экан-э! Роппа-роса ўттиз йилдан буён шу «марказ»даги ҳисоб-китоблари...агар бир жойга жамлангудек бўлса, битта эмас, камида тўққизта туяга юк бўлса кераг-ов! Йигирма тўрт ёшдан йигирма тўққиз ёшгача йигит умри-ку, ҳисоблар-у китоблар уммонида қулочни катта отиб сузишларда кечди. Наинки кунлар ва ойлар, ҳаттоки йиллар ўтгани билинмади, ҳисоб-китоблари мурод-мақсадлару орзу-умидларга қоришиб кетди. Аввал синглим ўқишни битирсин, кейин яхши бўлади!..аввал шу укам ўқишни битириб бориб уйлансин, кейин ўзим...аввал шу китобни ёзиб тугатай, ана ундан кейин...нарёғига олам гулистон бўлади!..лекин...мана, ўттиз беш йил ўтди, қани ўша гулистон олам?

Эсида, ўша кезлари ишдан таътилга чиқиб Туркистонга борганида уй қураётган укаларига кўмаклашиш асносида айрим ҳамқишлоқлари, энди билса, атайин анқовсираб сўрашарди: «Республика ҳисоблаш марказида ишлайман дегин-а? Ниманинг ҳисоб-китобини қилаверсанлар мунча?» Энди яхшигина тушунадики, бу қўндаланг савол замирида солдадилнинг ҳайрати эмас, кўрган - кўра-кўра кўса бўлган донишманднинг

истеҳзоси бор экан? Истасангиз-истамасангиз, ҳар қандай ҳисоб-китоблар инсоний умрнинг сарҳисобига боғланар экан, боғланиш шарт экан, акс ҳолда у ҳавойи, мағзи пуч бир нарса, шунчаки сароб экан! Саробга интиланнинг ҳоли!..

Нормухаммад беш йиллик саробга интилишлардан, ҳар қалай қуруққул чиқмади: Йигирма тўққиз ёшида уйланиб, ўттиз ёшида бир ўғилга - ота, ўттиз бир ёшида шу шаҳри азим чеккасидаги икки хонали уйга - эга, ўттиз икки ёшида «Ҳисобли дунё» деган дастлабки салмоқли китобига муаллиф бўлиб чиқди...

У нон тўла тўрва — қўлида, мактабга етиб келиб кўрдик, кенжатоӣ, эркатой қизи тагин эшик олдида йўқ; тўрвасини осилтириб аввал ошхонага, кейин синф хонасига кириб боришга мажбур бўлди. Қизи одатдагидек синфда кутиб ўтирган экан. Меҳрнинг бир кўзи - кафтда, қўлидан етаклаб чиқаётиб жаҳлини меҳри енгди-да, Яратганга илтижо қилди: «Илоё шу қизим тезроқ улғайиб, майли отасига ҳайкал қўямасин, фақатгина миннатдор бўлса экан!..»

Йўлда қизи тагин «бебошлик» қилди: «Мендан кичкиналар ўқишга ўзлари келиб ўзлари кетишади. Тўртинчи синфни битириятмана: Қачонгача мана шунақа қўлимдан етаклаб юрасиз, ада?» Қизини овутиган бўлди: «Бу йилги ўқининг тугашига бирор ҳафта қолди-ку, демас, яна бирор ҳафта... Майли, янаги ўқув йилидан бошлаб ўзинг келиб ўзинг кетаверасан, қизим!»

Ўзига қолса, эллик тўрт ёшида ўн яшар қизчаси билан бошлашиб юрмай, уни эркига қўярди. Лекин... йигирма тўрт яшар аканинг ҳам, йигирма икки ва йигирма яшар опачаларнинг ҳам ишдан бўш вақтлари йўқ. Тўғри, қирқ олти яшар онанинг бўш вақти бор. Лекин у Нормухаммадга қаттиқ тайинлаб қўйган: «Мақтаби ишхонанинг йўлида-ку, адаси, мени овора қилмай, шу қизингизни ўқишга ўзингиз обориб-опкебтурмасангиз бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳозир бизда ҳам болаларни ўғирлаб, эвазига ота-онасидан отнинг қалласидек пул талаб қилиш урф бўлаётганмиш, тинчлик керак! Кошки сизда отнинг қалласидек пул бўлса, ҳисоб-китобдан бошқа ҳеч вақо!..» Жиддийроқ ўйлаб қараса, хотинининг гапларида жон бор. Катта қизларику, балоғат ёшида, қолаверса, бирга ишлашди: бир-бирларига эш, бир-бирларига кўз-қулоқ! Лекин бу қизчаси ёлғиз... Дарҳақиқат, тинчлик керак, камбағалнинг бутун бойлиги, топган-тутгани кўз олдида тургани маъқул. Қўл остида бўлса яна-да маъқул-ишончлироқ! Бинобарин, янаги ўқув йилидан қизи мустақил бўлиб, ўқишга ўзи келиб ўзи кетадими, йўқми, бунисини худо билади. Ҳойнаҳой ишониллари қийиндир-ов! Ҳозирча қизини ишонтириб турсин-чи!..

Майли, янаги йилни қўя туриб, бугунги кунни - шу бугунни ўйлагани маъқул. Тушликка атаган шу бир соатдаги ишларига улгуриши керак. Бир соатнинг қарийб ярми йўлда кетди, қолган ярмида тезроқ тушлик қилиб, ишига кечикмай етиб бориши шарт. Начора, қизчасининг қадами унмаяпти-да, лекин зехн солиб қараса, анчагина бўйи чўзилиб, елкасига баробарлашиб қолибди. Ўн ёшидаки шунчалик бўйдор, бу қизи ҳам отасидек новчагина бўладиганга ўхшайди, ишқилиб, худо бахтини бўйига ўлчаб берсин!

Ўн йил аввал шу қизи туғилган куннинг эртасигами-индинига ҳисоблаш марказининг собиқ раҳбари уйига сим қоқиб, билса ҳазил, билмаса чин маъносидан гап қилди: «Нима бало, ўзингиз туғдигизми? Энди буёғи қирқ тўрт ёшда чақалоқни оқ ёвиб, оқ тараб ўтириб-мизми?..» Маълум бўлишича, кўнғироғ-у, ҳазил-хузудан муддао уни бир ойлик ижодий сафарга ўзлари билан бирга ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғига олиб ке-

тиш экан. Бундан муддао эса, ҳисоблаш марказининг беш йиллик фаолияти хусусидаги батафсил ҳисоботни Нормухаммадга ёздирмоқчи, ўзлари қўлёмани пешмапеш устидан кўрмоқчи эканлар. Ўшанда у ҳисоботга муккасидан шўнғиб кетди, лекин собиқ раҳбарига ўхшаб «Қариган чоғда шу шаҳри азим шароитида тўртинчи фарзанд - тўртинчи ташвишнинг нима кераги бор эди» деб ўйламади ҳам. Аксинча, астойдил суюнди: Худога шукур, юрт мустақил бўлган кунларда тўрт кутбга татиғулик тўрт фарзанднинг отаси энди у! Ана энди тўрт кўз тугал бўлди. Тўғри, ёлғиз ўғли укалик бўлганида нур устига нур эди. Лекин Худонинг бергани шу - шу учинчи қиз экан, берганнинг билгани бордир: уч қизни ўстириб-ундириб, тенгини топиб узатган ота тўппа-тўғри жаннатга тушармиш-ку!..

У кичкина қизини бошлаб уйига кириб келганида одатдагидек жамоа жам экан. Ҳатто ўғли билан катта қизлари тушлик қилиб бўлиб, энди ишга қайта отланиб туришибди. Қўлини апил-тапил ювди-да, ўзини ошхонага урди. Бирор соатлик тушликни беш дақиқага келтиришга ўзича уринар экан, хотини одатдагидек ҳазиломуз гап қилди, тўғрироғи, зорланди: «Сизга тегиб шу тўрт девор-у қозон-товоқдан бошқа нима кўрдим! Туркистоннинг қоровулига текканимда ҳам бундан яхшироқ яшашим мумкин эди! «Катта математик олим бўламан» деганингизга лаққа ишониб, «юр» десангиз эргашиб келаверибман-а мен нодон!.. Ақалли энди тезроқ ёруғликка чиқиб, бу тўрт девор ичида бир дурсиллаган келин кўрсам экан!..»

Бемаврид гаплардан Нормухаммаднинг энсаси қотди: «Ношукур банда!» «Сизга тегиб нима кўрдим» эмиш! Аввало йигирма беш йиллик турмуш кўрдинг. Тўрт кутбга татиғулик шу тўрт қоракўзни кўрдинг. Уларнинг ҳавас қилса арзиғулик қадди-қамолани ҳам, худога шукур, кўриб турибсан. Қолаверса, шаҳри азимнинг қоқ марказидаги тўрт хонали олиймақом уйни, Хўжакентдаги дала ҳовли билан икки хонали уйни, сандиқда ҳаракатсиз ётган университет дипломини ва ҳоказоларни кўрдинг. Худо хоҳласа, ниятни бутун қилсанг, дурсиллаган келинни ҳам, чақмоқдек куёвларни ҳам кўрарсан, ахир!..» Қани энди хотинини инсофга чақириб, ношукурликдан қайтаришга унда тил-забон, ақалли вақт-соат бўлса! Йигирма беш йиллик умри, куч-гайрати, бутун борлигини беминнат бағишлаган умр йўлдоши, ўзи ўқиган университетда ўқитиб олий маълумотга эга қилган малякали мутахассиски шундай норози экан, бу оламда Нормухаммаддан миннатдор ким бор?!.

Одатдагидек хотинининг гапларини «эшитмай» апил-тапил тушлик қилди. Бундай ҳазиломуз гапларга-ку, чидаса бўлади. Ҳазил-да, ҳазил! Лекин кираверишдаги кўзгу олдида ишга қайтиб чиқиш тарадудидан турган ўртанча қизининг нолиниши юрагини ўртаб юборгандек бўлди гўё. «Ишдан - уйга, уйдан - ишга! Бор-йўқ кўрган-боқ-қанимиз шу! Ишга чиққим, умуман, яшагим келмай қоляпти!..» Тўғри, нолиш ўзига эмас, катта қизига айтиляпти, қолаверса, маломат эмас, ниҳоятти бир нола! Лекин унинг бир чеккаси отанинг юрагига наштардек санчилди. Яшаб тўймайдиган, ишлаб чарчамайдиган йигирма ёшда... бу қандай гап?! Мана, ўзи бир жойда муқим Муқимийдан минг карра кўпроқ ишлаб ҳали-ҳануз ишлагани сайин ишлагиси келаверади-ку! Ё ҳисоб-китобнинг меҳриғиёси-ю оҳанрабоши шу қадар кучлими экан? Ундай деса, қизларининг касби-кори - тикувчиликнинг гашти ҳисобчиликнинг гаштидан кучлироқ, қолаверса, қўлга илингулик натижаси ҳам бугунги кундан минг чандон кўпроқ, шекилли?..

Жиддийроқ ўйлаб қаралганда, қизи мутлақо ноҳақ эмас. Тенгдошлари яйраб-яшнаб олий мактабларда



ўқиб, ўзларининг эса, уззукун бир жойга михлангандек нинага кўз тикиб ишлашларига ич-ичдан ўксинади-да!

Ўзларида ўқишга иштиёқ кучли бўлмаса, отасининг дасти узун бўлмаса, бунинг устига хотини айтганидек, «бор-йўқ куч ғайратини синглиси билан укаларининг ўқишига сарфлаб битирган, қолгани ёлғиз ўелига базўр етган» бўлса! Начора, бу маломатларда ҳам жон бор! Эсини таниганидан буён «отам», «акам», «опам», «син-глим», «укаларим» деб яшади. Отаси-ку, уларнинг қадди-камолини кўролмади ўлиб кетди. Лекин бошқалари... қани, қай бири ундан миннатдор бўлди?! Эсида, ўн икки йил аввал ўн икки яшар ўғли билан енг шимариб дала ҳовли қуриб бошлаганида томни ёпишга қўйналганидан уйда яшаб олий маълумот олган укаларига ёлвориб борди: «Данғиллама уй эмас, Том тоғанинг кулбаси!.. Томни ёпиш, холос!» дея инсоф сўраб ўтинди. Биронтаси қадам босиб келмади! Икки ўртада Туркистонга бориб келишга пул сарфлагани қоли. Уч-тўрт йилдан кейингина икки укаси қадам ранжида қилиб, «Мана, шаҳарга келдик» деганига азда-базза дала ҳовлисига бошлаб борса укалари тоғ оралаб қўшнининг ёнғоқзорига хужум қила кетишди. Азбаройи гап-сўзни кўпайтирмаслик умидида қўлларига кетмон ушлатиб даласини кўрсатган эди, ўшанда шартакироқ Салимжон укаси гапнинг пўсткаласини айтди-қўйди: «Аслида биз ҳашарга эмас, ошарга келганмиз, акам!» Начора, ўша Хўжакентда туғилиб ўсган тоға-жианлар — Йўлчи билан Мирзакаримбой ўртасида меҳр-оқибат йўқлиги ҳолва экан! Туғишган ака-укаларда меҳр-оқибат кам қолди ҳозир! Бу халқ «ўзим!» деб бошладими, ўзини тўхтатаолмайди. Гадои - бой, бойи - худой бўлсам дейди. Остановкаси йўқ! «Остановка» сўзини руслар олиб келганидан кейин ноилож уни «бекат» деб таржима қилиб олишди!..

Шу топда ўтганни кавлаштиришга бало борми! «Ўтган ўтди, кетган кетди, сўлган сўлди, қолган қолди». Энди бўладиган ишни қилиб, кейинги йигирма йилда жон олиб-жон бериб шаҳри азим марказида оёққа қўйган ўғил-қизларининг тақдирини жиддийроқ ўйлагани маъқул! Қариндошлик ришталари, жигарбандлар ўртасидаги меҳр-оқибатни қайта тиклашга қурби келмай турган экан, энди ақалли оиласи мустақам бўлсин! Тезроқ ишга бориб келгач, кечкурун оила бошлиги сифатида беш жонга баробар яна бир карра дурустроқ амри маъруф қилиши керакка ўхшайди. Аслида шу... кейинги ўн икки йил бор куч-ғайрати-ю кўр-қутини дала ҳовлисига сарфлаб, у ерда кулба қуриб, боғ яратиб бекор қилган экан! Шунга сарфлаган маблағининг ўндан бирига ҳар йили бирон дам олиш уйда мазза қилиб ҳордиғини чиқарса, қолганини ўғил уйлаб, қиз узатишга яхши ният билан туғлаб тугса бўлмасмиди! Йўқ, аксинча, беш йил аввал «Бўлди, энди дала ҳовлида ер тимдалаб ишламайман, соя-салқинда роҳатланиб дам оламан!» деб турганида тиниб-тинчимас хотин тагин куткуга солди: «Дала ҳовлида бошқа қўшнилاردек данғиллама уй-жой қуролмаганингиздан кейин, ёнидаги беш қаватли уйдан икки хонагина арзон-гаров олайлик-қўййлик, адаси! Ўғил уйлаб-қиз чиқаргач, эрта бир кун чол-кампир Тошкентдаги уйни ўғилга топшириб, ўзимиз кенжатоимиз билан ҳам барча қўлайликлари бор уйда, ҳам баҳаво ҳовлида, ҳам соя-салқин боғда икки ёрти - бир бутун қиле-еб, қарилк гаштини суре-еб... Ана мазза-ю мана мазза! Хўп дея қолинг, адаси! Эрта бир кун ўғил-қизларимиз ҳам бир-бирларига эш бўлиб!.. Қарабсизки, мана, уч-тўрт йилдан буён уёқда-ўзи ортиқча ташвиш бўлиб турган дала ҳовли ёнида икки хонали уй яна бир ташвиш, бу ёқда ёлғиз ўғилни тезроқ уйлаб, қизларни бирин-кетин чиқариш! Хуллас, ташвиш устига ташвиш! Шу бугун ишхонасидаги ташвиш-

лардан тезроқ қутулса, уйдаги ташвишларини енгиллатишнинг ҳисоб-китобини қилиши керакка ўхшайди. Бир одамнинг елкасига шунча ташвиш...бас-да энди, агар у росмана туя бўлганида ҳам!..

Нормухаммад йўл-йўлақай соатига апил-тапил кўз ташлаб ишга отилар экан, кираверишдаги телефон нолакор жиринглади. Темирки чидаёлмаяпти, ҳалиям қулоғи чидайди! Дастакни қўлига олиб қулоғига тутган эди, марказ раҳбарининг янги ўринбосари! «Нормухаммад ака, тез етиб келинг, жиддий гап бор, сизсиз эп-лаштиролмаямиз!» «Ҳа, мана, кетаяпман!» деди-ю ташқарига отилди. Уйдан чиқар экан, қўшниларга сир бой бермаслик умидида ўзини бамайлихотир тутишга уринди, айни чоғда, қаттиқ алами келди. Куни кеча ҳам худди шундай тушлик чоғи энди уйига етиб келганида қўнғироқ қилиб, худди шундай кўрсатма берувди. Лўкиллаб борганида батафсилроқ кўрсатма берувдики, бирор соат ичида юқорига марказнинг йиллик фаолияти ҳақида қисқача ҳисобот тайёрлаб беришингиз керак экан! Кутиб ўтиришганмиш!.. Лом-мим демай бирор соатда ишни саранжомлади-да, қўлёзмани қўлига топшира туриб беихтиёр портлади: «Юқоридагиларга айтингки, ука, одам боласини дорга осидан аввал ҳам «Эртага соат фалонда осамиз, тоат-ибодатингни қил!» дея муҳлат беришади. Худога шукур, дунёга ўт кетаётгани йўқ! Худога шукур, мустақил мамлакатда тинч-хотиржам яшаб турибмиз! Худога шукур, ҳукуматимиз ҳам муваққат ҳукумат эмас?!»

Начора, дўппи олиб кел деса бошни олиб келишга ҳозир нозир ўпкаси йўқ ҳайбаракаллачилар ҳамиша бўлган, ҳозир ҳам бор! Ўзининг қўлидан иш келмайдую дўппи тор келганида икки оёқни бир этикка тикиб шунақанги қисти-бастига олишади, қарабсизки, ким ёмон - сиз ёмонсиз. Худо ўзи шунақаларга инсоф берсин! Худодан тилаш билангина иш битмайди, уларни инсофга чақириб туриш ҳам керак! Ҳисоблаш марказининг собиқ раҳбарларидан бири ўз хотирасида ошқора айтган эдики, қачонлардир цеканинг бўлим мудри «энг катта раҳбар» номидан худди шундай қисти-бастига олганида беихтиёр шундай портлабди: «Мен туяман, ўша энг катта раҳбаринг — от, сен бўлсанг, шу икки ўртада боғлаб қўйилган бир итсан! Мен ит билан битга эмас, отга ҳисоб берадиган туяман, тушундингми, ука?!»

Бу-ку энди, қарийб жон аччиғида айтилган қозоқнинг тўққиз пулидек тушунарли, лекин, бир қадар қуюшқондан чиққан дағалроқ гап. Ўзбекнинг муомала маданияти, тақаллуфи, ўзаро лутфу карами, «қизим, сенга айтаман» қабилидаги нозик қоҳиримларга бой гап-сўзлари!.. Пешинга қадар неча маротаба кўришганларида ҳам ҳисобот юзасидан лом-мим демаган ўринбосар... нега тагин кўққисдан?.. Яна қандай жиддий гап чиқиб қолди экан?!.

Нормухаммад уйдан ишхонасигача бўлган икки чақиримлик йўлни одамдек юриб, йўрғадек йўртиб ёхуд туядек лўкиллаб эмас, баайни кушдек учиб ўтди. Маълум бўлдики, «юқори»нинг масъул ходими ҳалигина махсус саволларини қолдириб кетибди. Оққа кўчириб қўйилган ҳисобот энди шу саволларга аниқ жавоб тарзида жадал равишда қайта ёзиб чиқилиши керак экан! Ана холос, пишди гилос! Шундай қилиш кераклигини кимдир бугун бехос эслаб қолибдими, ё?! Яна бир карра портлагулик аҳвол-руҳияда бўлса-да, шайтонга ҳай берди. Гапни чувалаштирмай бўладиган ишни қилгани мақул! Бирор соат ичида ҳисоботни бузиб саволларга мослаб қайта қурди-да, қўлёзмани ўринбосарнинг қўлига қайта тутқазди: «Бўлдими, ука? Тагин нима ёзишимиз керак? Фақат... майли, бир кун эмас, ақалли бирор соат аввалроқ айтиб қўйсангиз, илтимос, тухум оғзига

тиқилганида эмас!..»

Хонасига кириб, эндигина хотирини жамлашга тулган эди, иттифоқо марказ бошлиғи ёнида аллақандай меҳмон билан кириб келди. Аввал хонани, сўнг хона соҳибини унга таништирди, лекин унисини бунисига таништириб ўтирмади. Меҳмонга «Мен ҳозир...» деди-ю уни ташқарига йўллаб ўзи ортига қайтди. Хона тўрида ғоздек қотиб турган Нормуҳаммадни ўтиришга ундаб, ўзи қаршисига юзма-юз ўтирди-да, бургутдек ёвқур қараш қилди:

- Ёшингиз неччида, ука?
- Эллик тўртда?..
- Марказда қачондан буён ишлайсиз?
- Ўттиз йилча...
- Қачондан буён бош ҳисобчисиз?
- Ўн йил бўлди. Сиз келишингиздан тўрт йилча аввал?..

— Энди, ука, шу ерга раҳбар бўлиб келганимдан буён сизга қўлимдан келганича яхшилик қиляпман, тўғрими?.. Нима, ёқмаяптими? Ёқмаса, ариза ёзинг-да, ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшанг, хўпми? Ишингиздан норози бўлсангиз, ана, тўрт томонингиз қибла!.. Тушунарлими?!

Нормуҳаммад мутлақо тушунмади: гуноҳи нима унинг?!. Кимнинг арпасини хом ўрди? Кимнинг томорқасига тош отди? Кимнинг олдида қандай айб иш қилди?!. Ўзи ихлос қўйган энг зўр математик олимлардан бири, ишга келганидан буён, дарҳақиқат, ўзига хайри-хоҳлик ва меҳр-мурувват назари билан қараб келаётган тўққизинчи бошлиқ, «энди раҳбарга ёлчидим» деб юрганида... нега бундай кутилмаганда тўнини тескари кийиб олди?! Наҳот ўттиз йиллик тоат-ибодатию ҳисоб-китоблари шундоққина кўз олдида бир лаҳзада ёниб кетса-да, куйиб кулга айланса?! Бунга қандай тоқат қилиб бўлади?!

У бехос қуруқликка чиқиб қолган балиқдек нафас олишга қийналиб, ханг-манг бўлиб турган эди, кўз ўнгида шаҳд билан ташқарига йўл олган раҳбар эшик олдида бир муддат тўхтаб, ортига яна-да ёвқурроқ қараш қилди:

- Чаён охир-оқибатда ўзини чақар экан?..

Нима демоқчи?! Ким чаён-чаён ким?! Нортуюни чаёнга менгзаш... шу адолатданми?! Худодан-у бандаларидан сўраб олган адолати шуми?! Гарчи «Қиёмат»да қутурган Қоранордек аҳвол-руҳияда бўлса-да, раҳбарнинг маъсум кўзичоқ кўзларидек беғараз ва бу кўзлар учун фавқуллодда қаҳри нигоҳларга чидаёлмай баайни бўтадек бўзлади:

- Шафқат қилинг, ака...

Шундай дея раҳбарга эргашиб ташқарига чиқди. Бино олдида уларни ҳалиги меҳмон бетоқат-безовта кутиб турган экан. Раҳбар хизмат машинасига ўтирар экан, у томонга қиё ҳам ҳам боқмай, меҳмонга уқтирди:

— Ана, айтдим! Ариза ёзиб ишдан бўшайди! Бўлди-ми?..

Машина шиддат билан олға интилар экан, Нормуҳаммад меҳмонга зимдан кўз ташлади. Ким ўзи бу? Кутилган меҳмонми ё кутилмаган меҳмон? Умуман, меҳмонми-мезбонми? Ҳисоблаш марказига, марказнинг ҳисоботига, ўзининг инсоний тақдирига, хусусан, ишдан бўшаш-бўшамаслигига бу одамнинг қандай алоқаси бор?! Нега марказ раҳбари одам қуригандек келиб-келиб шу кишига - бир ёзувчи асарининг номи билан айтганда, «кўчада қолган одам»га ҳисоб бериш керак?! «Кўчада қолган одам»ни у ҳам кўчада қолдириб, ўзи ўз хонасига қайтиб кирди. Ўзича ҳисоблади, хомчўт қилди, ҳисобни ҳисобга қўшди, кўпайтирди... Қайта-қайта ҳисоб-китоб қилиб кўрди. Дастлабки хулосага келдики,

демак, ҳисоботда бир ишқал бор! Лекин... қандай ишқал?! Ўттиз йиллик тажрибага эга ҳисобчи - бош ҳисобчи ундаги ҳар бир рақам, ҳар бир жумлага исталган жойда боши билан жавоб бера олади.

Қонидан-у жонидан, уч юз олтмиш томири билан тўрт юз қирқ тўрт сўнгагидан ўтиб қоғозга тушган ҳисоб-китоблар-ку, ахир, улар?!. Бас шундай экан, гап нимада?! Даъфатан миясига бир фикр чақмоқдек урилди: дарвоқе, ҳисоботнинг оққа кўчирилган нусхасида қўлёзмадаги сўнгги бир жумла йўқ эди-ку! Ҳалигина саволларга мослаб қайта кўчираётганида эътибор бермаганини қаранг! Ўша жумлани хотирасида сўзма-сўз қайта жонлантирди: «Модомики ҳисоблаш марказнинг икки йиллик фаолияти билан боғлиқ ҳисобот хусусида гап кетар экан, унинг юздан кўпроқ ходимларидан, икки йил эмас, майли, йигирма-ўттиз йил эмас, мустақилликнинг ўтган ўн йили мобайнида кимлар нима иш қилдилар, шу хусусда ҳам ҳисобот сўраш керак бўлади деб ўйлаймиз. Масалан, марказ аъзоси Нормуҳаммад Шомуҳаммедов ўн йил мобайнида кундалик ҳисоблар ва ҳисоботлардан вақт орттириб, «Ҳисоб рақами», «Ҳисоблаш техникаси», «Ҳисоблаш технологияси», «Ҳисоб-китоб» деган жами тўртта йирик тадқиқот яратди. Тўртта салмоқли китобни — рус тилидан, иккита тадқиқотни — қозоқ тилидан таржима қилди, соҳага доир ўнлаб мақолалар, рисоалар ва ҳоказолар ёзди. Айни чоғда, шундай марказ аъзолари ҳам борки, улар ўн йил бадалида, суриштириб қарасангиз, иккени иккига қўшган эмаслар, ҳатто «Икки карра икки - беш» деб ўйлайдилар! Афсуски, на унисига бир оғиз ташаккурнома, на бунисига энгилгина танбеҳ! Бу шунчаки эътиборсизлик эмас ўтакетган ҳақсизликдир».

Қани, шу жумланинг авра-астарини ағдариб, жиддийроқ ўйлаб кўрайлик-чи! Ишчанни - ишчан, ялқовни - ялқов деб аташнинг, серғайратга олқиш айтиб, такасалтангни меҳнатга ундашнинг нимаси ёмон, хўш?! Ўтган аср бошларидаги мардикорлик воқеаларидан то «ўзбек иши» деб аталган кўргиликларга қадарлик аксарият кулфатларнинг замирида хизматга тухмат, меҳнаткашни ёмонлиқ қилиш ётмасиди? Айблай туриб ишлатавериш ва ишлата туриб айблайвериш, яхшиликка ёмонлик билан жавоб қилавериш инсофданми? Наҳот бу дунёда одам боласидан яхшиликка яхшилик ҳеч қачон қайтмаса? Наҳот одам боласи яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтара туриб виждонан қийналмаса?! Нормуҳаммад эсини таниганидан буён ҳеч кимга ёмонлик соғинмайди, барчага, айниқса, ўз жигаргўшалари-ю дилтортарларига ҳамшиша холисанилло яхшилик қилиб сувга солади: балиқ билар, балиқ билмаса, Ҳолиқ билар!.. Фикрни фикрга қўшиб мантиқий хулоса чиқарадиган бўлсак, нима, ўттиз йил шу марказга қалб кўрию пешона терини тўкишдан муроди кунлардан бир куни ўз ихтиёри билан ариза ёзиб ишдан кетиш эдимми?! Буниси қандай ноҳақлик бўлди сира?!

Нормуҳаммад ич-ичидан қайнаб-тошиб чиқаётган исённи базўр жиловлаб, совуққон бўлишга уринди. Хўш, энди нима қилиш керак? Ўттиз йил муттасил дорихонадаги тарозибондек ҳар бир мўъжаз заррани ҳам ҳисобга олиб яшаган, қаерда ҳисобдан адашди? Ўзининг қонуний ҳаққи-ҳуқуқини сўраб хато қилдимми? Нега ҳамшиша ҳақ берилмаслиги, аксинча, олиниши — кимнингдир қўлидан тортиб-юлиб олиниши керак?! Қачонгача инсофга чақирини инсофсизликни авжига чиқаравериши керак? Аҳмад Яссавий ҳазратлари нақ юз йил — бир аср муттасил инсофга чақирган бу халқни наҳотки энди ҳеч қачон инсофга келтириб бўлмаса?! Ё ўзи ҳам ношукурлик қилиб, андак ошириброк юбордимми экан? Бир гап камлик, икки гап кўплик қиладиган да-

ражада кўнгли нозик одамларга, айниқса, раҳбарларга малол келадиган бирон-бир ноўрин-ножўя сўзга беҳос йўл қўйиб, ҳисобдан адашдими экан? Қани, қай сўз бўлиши мумкин ўша ортиқча сўз?! Хотирасига ишонмай, дастлабки нуханинг қўлёзмасини компютерчи қиздан қайтариб олди-да, бир сидра қайта кўз югуртирди, ёнидаги ҳисобчиларга кўрсатиб, фикр сўради. Йўқ, ҳаммаси жойида! Ўрнида ишлатилган, ўрни-ўрнига қўйилган ҳақ сўз! «Эриган темир парчаси каби Ўртаб юборди тушган жойини». Ҳақ сўзнинг кучи бу! Хўш, ким у чидаёлмасдан ўртанаётган?..

Далилларни муқояса қилиш, чоғиштириш, қиёслаш, қиёсий таҳлиллар ниҳоясида қатъий бир фикрга келдики, ҳамма гап янги ўринбосарда! Ҳойнаҳой у сўнгги жумлани раҳбарга аizza-базза ўқиб бериш билангина кифояланмай, ўзи тушунганидек талқин ҳам қилган, раҳбарни Нормухаммадга қарши қайраб солиб, унинг юрагига зимдан ўт ёқиб, тагин ўт ўчирувчилар жамиятига кўнғироқ қилганда, «меҳмон»ни бу ўтни ўчиришга чақирган! Тамом, бошқа гап йўқ. Бошқача бўлиши мумкин эмас! Ёш, заковатли, келажаги порлоқ ҳисобчи, қаторидаги нор, оташқалб ва оловюрак Гулҳаний деб юрса, оддийгина гўлаҳ-ўтёқарга ўхшайди-ку бу! Э қойил! Ўт ёқишга устаси фаранглардан чиқиб қолди-ку! Демак, сир бой бермай шундай бир тадбир қўллаш керак бўладики, токи у ўзи ёққан ўтни ўзи ўз қўли билан ўчиришга дилида мажбурият сезсин! Шаҳд билан юриб ўринбосарнинг хузурига кириб борди-да, атайин анқовсиради:

«Ҳисосбот масаласи тинчидими? Ҳеч гап йўқми? Учинчи одамнинг кўнгли таскин топдими?..» Саволларига жавобдан қаноат ҳосил қилгач, ўздан ўн ёш кичик, лекин устаси фаранг ҳисобчининг кўзларига тик боқиб, багтар анқовсиради: «Раҳбаримиз ҳисоботнинг қаеридандир норози бўлиб анчагина аччиқ-тизиқ гаплар қилди. Сабабини унчалик тушунмадим. Мабодо сиз билмайсизми?.. — Ўринбосарнинг мусичадек беозор, мўмин-қобилгина кўринаётган қиёфасига синовчан боқиб, акаларча насиҳатомуз оҳангга ўтди: — Энди-и, сиз бу ерда янгисиз, ука! Ўртада англашилмовчилик билан хижолатпазлик бўлмагани маъқул. Аввалдан шакланган анъана шуки, мен ҳисоботни қўлдан келганича ёзаман, ўринбосар ундан керагини олиб, маромига етказиб, бошлиққа кўрсатади, керакмасини кўтариб юрмай, секингина ўзимга қайтариб беради-да, хатойимни кўрсатади. Тушунарлими?.. Тўғри, менинг ҳисоботлар бобида ўттиз йиллик тажрибам бор, лекин бир калла — бир калла, икки калла — икки калла-да, укажон, шундай эмасми, «беайб парвардигор» деганлар... Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фаниматмиз...» Афтидан, ўринбосар ҳаммасини тушунди, бунинг устига, хайрият, орияти, ҳамияти, виждони бор экан, инсофга келди: «Тўғри айтасиз, ака!» дея туриб беихтиёр дувва қизарди... Нормухаммад ўзини қушдек енгил ҳис қилиб ўрнидан турди: «Ниҳоят ўттизинчи йилнинг ҳисоботидан ҳам яхшигина кутулдик-а, ука! Хўп, хайр, эртага яхшилик билан кўришайлик!»

Ишхонадан уйига бамайлихотир қайтар экан, ўзини янада енгилроқ ҳис қилди. Ўзича қатъий хулосага келдики, ҳақсўяр ўзбек ўз бошига ортиқча ташвиш орттирса орттирар, лекин у бу ташвишларни, жамики муаммолар, жумбоқлар, масалаларни ҳам аввало ҳисобкитоб, қолаверса, сабр-тоқат ва ниҳоят, яхшилик билан енгади. Ҳа, яхшилик билан енгади, ҳаттоки ёмонликни ҳам!..



Абдулғани Жума деган ном кўпчиликка таниш. Бу феълй инжиқ одамни шахсан танийдиганлар ҳам кўп. Чунки у одамда камида миллион одамнинг суврати бор. Сувратга тушган одам сувраткашни излайди-да. Излаб топиш қийин. Топгандан сўнг эса бояги айтганимиз — инжиқ одамга дуч келади. Ундан кейин эса...

Бу феъл-атворнинг маъноси бор. Маъноси шундаки, Абдулғани Жума доим гоёлар қуршовида юради. Мазкур гоёларга агар бош муҳаррир

ИЗЛАНИШ

ёки ундан каттароқ шахснинг фикри мувофиқ келмаса, эртдан кечгача тортишади. Буям фойда бермаса сувратни бермай аразлаб юраверади. Биз аслида бу инжиқликка ургу бермоқчи эмасмиз. Фотограф бир нарсада мудом ҳақ; фотолар жойлашиши ижросида профессионализм тарафдори. Портретдан, жўнликдан қочади. Шу боис фотолаҳваларга муҳаррир муносиб тагсарлаҳва қўймасаям оёқ тираб тортишади.

“Ёшлик” журнали, мана, қарийб ўн етти йиллик тарихида шу инсоннинг фотолаҳвалари билан безалиб чиқади. Ҳазилакам вақт эмас бу.

Асли олий маълумотли иқтисодчи, уч ўғил, бир қизнинг отаси бўлган А.Жума бугун республикамизнинг етакчи фотожурналистларидан. Наинки “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Туркистон”, “Инсон ва қонун” газеталарию қатор журналлар, балки мамлакатимиз рамзларини аке эттирган кўп сиёсий альбом, хусусан, Ўзбекистон республикаси Президенти кубоги соврини учун бўладиган ҳар йилги халқаро теннис мусобақаларини фаол ёритувчи альбомлардаги аксарият суратларнинг муаллифи ҳам Абдулғани Жумадир.

У фотографияни ижод сифатида тушунади. Фото объект плёнкага тушган нусха эмас, хоҳ у одам, хоҳ манзара, хоҳ бирор катта байрам тадбири бўлсин, бирор маъно аке эттириши, кўрган одамнинг туйғуларини қўзғатиши керак. Бунинг учун эса фотодаги манзара ёки ҳолатнинг туйғуси бўлиши лозим. Яъни сувраткаш манзаранинг ўрнини, ҳолатини, керак бўлса, айрим лаҳзасини бошқалардан кўра ўткирроқ кўз билан кўра олиши, айниқса пайтдан фойдалана билиши шарт. Қисқаса, яхши фото изланиш ва фидоийликни, керак бўлганда фотографиянинг ўзига яраша инжиқлигини ҳам талаб этувчи жанрдир. Мухтасар мақоламизнинг қахрамонида бундай фазилатлар борлигини биз юқорида эслаб ўтдик.

Мана, мустақиллигимизнинг ўн иккинчи йилида нафас олаяпмиз. Кўп соҳалар сингари ўзбек фотографиясининг ҳам ўзига яраша эришган ютуқлари бор. Шу ютуқларга Абдулғани Жума сингари фидоий, пешқадам журналистлар туфайли эришилгани ҳам сир эмас.

Тиниб-тинчимас, сергайрат бу ижодкор бугун эллик ёшга кирди. У Президентимиз Фармонига кўра “Шўҳрат” медали соҳиби бўлган. Орзу-мақсадлари кўп. Шулардан бири фотография мактабини яратиш. Истеъодли шогирдлар етиштириш.

Биз доим яхши, сифатли фотога, демакки, фотогафга ҳам эҳтиёж сезамиз. Фотога зарур бўлган юксак замонавий техникалар ҳам ҳали бизда қарор топажак. Ўзбек фотосининг тарихини биз Худойберган Девоннов шаҳси билан боғлаймиз. Ўшандан буён фото тарихимизнинг кўп жиҳатларини ўзида аке эттириб келяпти. Шу узилмас занжирни мустақиллик давримизда фаол давом эттираётган халқлардан бири Абдулғани Жумадир.

Тахририят



ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI

MUASSISLAR:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Allanazar ABDIYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Yo'ldosh SULAYMON

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Sirojiddin SAYYID

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Abduqayum YO'LDOSHEV

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abdusaid KO'CHIMOV

Abdul G'ani JUMAYEV

Vafo FAYZULLO

Yo'ldosh ESHBEK

G'affor HOTAMOV

Luqmon BO'RIXON

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali 1982 yildan chiqqan boshlagan.

© "Yoshlik" № 1 (188) 2003 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

MUNDARIJA**NAZM****ABDULLA ORIPOV***Faraxbaxsh kunlardan to ko'nglim to'ldi* 1**Rustam MUSURMON***Do'mbira chaldim shu palla* 7**Xosiyat RUSTAMOVA***Ishonchimni oqlamadi vaqt* 23**QUTLIBEKA***Qattiq ushlar yurakdagi kuch* 42**NASR****Mehriniso QURBONOVA***Muxlis. Hikoya* 5**Akira KUMANO (Yaponiya)***Ufq ortida yoxud Ilya dostoni. Ibtido* 9**Muhammad SALOM***Arosat. Hikoya* 32**Luqmon BO'RIXON***Aldoqchi tunlar. Hikoya* 37**OTALI***Hisobot. Hikoya* 43**TADQIQOT****Zilola XUDOYBERGANOVA, Shahina IBROHIMOVA***Zar qadri zargar mahoratidan* 14**BUGUNNING GAPI****Muqaddas SAIDOVA***Olamni yashartiruvchi kuch* 16**QARDOSHLAR ADABIYOTIDAN****Cobit DO'SANOV***Mungli-mungli zorlanib uchgan oqqush. Hikoya* 17**JURNALIMIZ FIDOYLARI***Noyob odam* 23*Izlanish* 47**JAHON ADABIYOTI****Somersat MOEM***Chandiqli kishi* 24**MULOQOT***Oliy adabiyot kursi: bugun, ertaga* 28**BIRINCHI UCHRASHUV****G'ayrat ABDURAHMONOV***Yarimta oy, armoning nima?* 36**MUQOVALARIMIZDA**

1-bet: Xushovoz estrada xonandasi

Dilfuza ABDUVOHIDOVA.

2-bet: Suratlarda muhrlangan siymolar.

3-bet: O'zbekiston xalq yozuvchisi Ne'mat AMINOV.

4-bet: Manzara.

Manzilimiz: 700000, Toshkent, Javoharlal Neru, 1-uy,
Telefon: 133-40-83

Bosishga 27. 03. 2003 yilda berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137 Buyurtma № 39

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomli O'zbekiston Milliy kutubxona bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi 33-uy.